

Анвар Мадрахимов

# Олтин барг



Анвар Мадраҳимов

# Олтин барг

Қисса ва ҳикоялар



ТОШКЕНТ — «О'ЗБЕКISTON» — 2008

Тақризчи: **Илҳом Зойир**

Муҳаррир: **Карим Буронов**

Ушбу тўпلامдан урин олган қисса ва жажжи ҳикояларда муҳаббат, бурч, вафо, садоқат мавзулари ёритилган. Масал ва қандолатчалар ҳам муъжаз ижод намуналари сифатида ўқувчиларда қизиқиш уйғотади деб умид қиламиз.

ISBN 978-9943-01-206-6

© «O'zbekiston» НМИУ, 2008 й.



# Унутилган излар

Қисса





Паст бўйли, қориндор, бировга боққанида митти кузлари чақчайиб кетадиган газламафуруш Юнусбой мачит томон лапанглаб бораркан, тушга қадар қанча савдо қилганлигини хаёлан хомчўт қиларди. Ногаҳон бой, «пўшт-пўшт», деган таҳдидли овозни эшитиб, таққа тўхтади. Унинг ёнгинасидан олти отлиқ тупроқ чангитиб ўтди. Таъби тирриқ бўлган бой жаҳл билан уст-бошини қоқаркан, отлиқлардан бирининг юзи ўзига танишдай кўринганини хаёлидан ўтказди. Лекин суворийлар жуда тез ўтиб кетгани учунми, хотираси панд берди. Бой: «Мингбошининг йигитларидандир», деб тўнгиллаб қўйди-да, намози қазо бўлиши мумкинлигини ўйлаб, илдам йўлга тушди.

Бу пайт бояги отлиқлар Заргар маҳалласига шитоб билан яқинлашиб келарди.

Катта ариқ ёқасидаги бақатерак соясида турган, эски духоба паранжили жувон отлиқларни кўрди-ю, куча ичкарисига ошиқди.

Аёлни кўрган отлиқлар дарров тўхташди. Сўнг улардан иккитаси кўча огзида қолди, тўртовлон эса отларини секинлатганча жувоннинг ортидан юрди. Кўчанинг икки четдаги меваги дарахтларнинг аксарияти ҳосилларини кўтара олмай деворга ёнбошлаб қолган. Шундоққина қўл чўзса етадиган, қип-қизил тусли олмаларга суворийлар эътибор ҳам бермадилар. Ниҳоят, тўрт пахса бўйли девор билан ураб олинган ҳовли олдида аввал аёл, ундан уч-тўрт қадам нарида эса отлиқлар тўхтади.

Эшик олдида тупроқдан ҳаммомпиш ясаб утирган болакайлар бадқовоқ отлиқлар тўхтаган заҳоти тумтарақай бўлиш-



ди. Иссиқданми ё тез юрганиданми ҳарсиллаб қолган аёл ўймакор эшикни устма-уст тақиллатиб:

— Ойсулув, ҳой Ойсулув — дея чақирди.

Ичкаридан қиз боланинг майин овози эшитилди:

— Ҳозир-р.

Аёл чачвонини қия очиб, кўк салла ураган отлиқ йигитга маъноли қаради-да, илжайиб қўйди. Юзига суркалган қалин упа, қош-кўзга тортилган қуюқ сурма, яноғи устига қўндирилган мошдай ясама хол, қулоқлари олдидаги ғажаклар унинг хийла сатанглигидан дарак берарди. Йигит калласини лиқиллатиб қўйгач, аёл зипиллаб ўзини тор кучага урди.

Бу орада эшик очилиб атлас кўйлак устидан нозик гавдасини сиқиб турган қизил нимча кийиб олган ўн етти ёшлардаги қиз остонада кўринди. Қиз йигитни кўриши билан бир чўчиб тушди, сўнг «Вой, сизми?» деганича уйга қайтиб кириб кетмоқчи бўлди. Бироқ йигит чаққонлик билан энгашиб, қизни даст кўтариб отига ўнгарди.

Қўрқиб кетган Ойсулув:

— Ая! Аяжон, ёрдам беринг! — деб чинқирдию, ваҳиманинг зўридан ҳушидан кетди.

Йигит эгарга қистириғлик қолга ўхшаш матони қиз устига ёпаркан, от бошини орқага буриб, жиловни бўш қўйди:

— Чух, жонивор!

Отлиқлар иложи борица пастқамроқ кўчалардан юриб шаҳар дарвозасига ошиқдилар. Йўловчилар отларини илдам елдириб бораётган бу тўдага таажжубланиб-таажжубланиб қараб кўярдилар.

— Мусулмонлар, ушланглар уларни, ушланглар! — дея айюҳаннос солди отлиқлар аёл кишини олиб қочишаётганини пайқаб қолган бир мешкобчи.

Бошига кигиз қалпоқ, устига эски йиртиқ-ямоқ чопон кийган қаландар йўлни тўсмоқ ниятида куча ўртасига отилиб чиқди-ю, отлиқлар тикка устига бостириб келаётганларини кўргач, қўрқди шекилли, ерга юз тубан ётиб олди. У белига осиб олган носқовоқдаги чақа тангалар чор тарафга сочилиб кетди.

Қиличларини ялангочлаган суворийлар қаландар устидан отларини сакратиб ўтиб кетишди.

Шаҳарнинг жанубий дарвозаси олдида кираётган-чиқаётган йўловчиларни кузатиб навкарлар турар, дарвоза биқинидаги тупроқ супага шолча ташлаб ўтирган мирза пат қаламини қитирлатиб йўловчиларнинг исмларини ёзар, сўнг бож оларди.

Отлиқлар шиддатни сусайтириб навкарлар устига тикка босиб келаверганларидан сўнг, улар ўзларини аранг чеккага олиб улгурдилар. Мирза «Подшолик пулини ким тўлайди?» деганича қолаверди. Ниҳоят, ўзларини ўнглаб олган ўн икки сарбоз отларига миниб, қочқинларни қувишга тушдилар.

Ойсулувни ўнгариб олган суворий йўлни чўл томон солди. Қолган бештаси эса отларини орқага бурди-да, яқинлашиб қолган икки сарбозга ҳамла қилишга чоғланди. Уларнинг вазоҳатидан чўчиган сарбозлар отларининг тизгинини тортди. Афтидан, улар қандайдир бир номаълум аёлни деб жонларини хавф остига қуйишни истамадилар.

Тоғлар қуёш нуридан ранг олган момик булутлар қучогига кириб кетаётгандай кўринади. Ҳатто ҳиссиз, раҳмсиз чўл ҳам қизғиш-ҳаворанг тус олиб, ажиб манзара касб этган. Суворийлар тоғлар панасига беркинаётган қуёшни қувиб етмоқчи бўлгандай, бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилардилар.

Йўл юқорига кутарила бошлагач, юриш оғирлашди. Ногоҳ катта харсанг тош ортидан:

— Тўхта! — деган даргазаб овоз эшитилди.

— Ҳакимбой, мен бўламан, — дея садо берди қизни ўнгариб олган отлиқ.

— Ия, янглишмасам, йигитларнинг орасида аёллардан йўқ эди-ку? Ё жангда асир олдингми? — деди Ҳаким деганлари панадан чиқаркан.

Отлиқ, бу саволга жавоб бермай, дағал оҳангда сўради:

— Қилич шу ердами?

— Пойлаб турибди ...

Отлиқлар кенг дарага чиқиб олдилар. Дара ўртасида ловуллаб ёнаётган улкан гулхан шуъласида атрофдаги уйлар қизғиш-қорамтир кўринарди.

Бегубор осмон юзи бир дамда қора булут билан қопланиб, майин шабада урнини кишини димиқтириб қўядиган чанг-тўзон эгаллади. Сўнг шамол аралаш ёмғир томчилаб турди-да, бирдан қаттиқ жала қўйди.

— Шамол, багринг камол, — деб турган болалар қий-чув қилиб уйларига қочиб кирдилар.

Ариқлар бирпасда лойқа сув билан тўлиб-тошди.

Баҳор булутлари кўз ёшларини тўкиб бўлгач, кўк юзи бил-лурдек тиниқлашиб, камалак пайдо бўлди-ю, ўз сепини ёйган келинчақдек минг бир хил рангда товланиб тусланди. Қуёш чарақлаб нур соча бошлади. Гўё борлиқ бутун гузаллигини намойиш этиб куйлаётгандай эди...

Ариқ бўйларидаги барра ўтлар орасидан баҳорнинг бирин-чи элчиси бўлмиш бинафшалар ёмғирда ювилган юзларини қуёшга тутдилар.

Ана, хонага адашиб кириб қолган чумчуқ пати юлинган ҳолда, ўжар боланинг қўлидан қутилганига ишонқирамай уча-ди. Мурилардаги мусичалар ҳам қарга тусини олгандек қора-йиб, бирин-кетин парвоз этадилар.

Юнусбойнинг уйига ҳам кўклам ўз ташвишларини олиб келди. Чунончи, бой тезроқ сафарга отланиш иштиёқида эди. «Фақат яхши бир хизматкор, тўғрироғи, гумашта керак. Токи сафарда менинг қўриқчим, садоқатли кишим бўлсин. Лекин бундай одамни қаердан топсам экан? Дарвоқе, Қулмуҳам-мадхон олдига борсамми?» — деган уйларга борди бой феру-за осмон тўхфаси — камалак ёйига боққанча.

Бир зум тараддудланиб қолган Юнусбой лўла болишини бир четга суриб, «бисмилло» дея ўрнидан турди. Эрининг от-ланаётганини кўрди чоғи, ичкари уйдан озгин, ёши қирқларга борган Ҳошиябиби чиқди.

Бой кескинроқ оҳангда унга шуларни тайинлади:

— Мингбошининг уйига кетяпман. Агар Суюмбой келса, молни ташлаб кетаверсин, уқдингми?

Ҳошиябиби маъкул ишорасини қилиб, қозикдаги саллани узатди. Ковушини кийган бой эшикка йўналди.

Мингбошининг уйи шаҳар зиндонига яқин ерда. Юнус-бой йўлни яқин қилиш мақсадида кулолчилар маҳалласининг

қинғир-қийшиқ кучасидан утиб, катта гузарга чиқди. Бу ердаги уч чойхона ҳам анҳор бўйидаги соя-салқин ерларга жойлашган. Қучоқ сигмас азим чинорлар ерга тангадек офтоб туширмайди. Турқовоқларга солиб қўйилган беданалар бири олиб, бири қўйиб сайрайди. Чойхоналарни ўзига макон қилиб олган беданавозларнинг «бос, бос, саники қочди, зангар!» каби қийқириқлари оламни тутарди.

Бедана боқиш бекорчининг иши деб биладиган, аммо унинг сайрашини ёқтирадиган Юнусбой ҳар галгидек бедана нолишини бир пас тинглаб тургач, «ҳа, овозингдан!» деганча йулида давом этди. Бой мингбоши дарвозаси олдига яқинлашганида, икки киши ичкарига киришга изн сўраб турган эди. Соқчи тавозе билан эшикнинг бир табақасини очиб, бойни ичкарига таклиф этди.

Қулмуҳаммадхон мингбошининг уйи ташқи, ички ҳовлидан иборат бўлиб, ичкарида оиласи турар, ташқарида ўзининг соқчи навкарлари учун бино, отхона, омборхона, шунингдек қабулхона жойлашган эди.

Режа билан экилган турли мевали дарахтлар, гулларга бурканган богдаги товуслар ўз ҳуснларини кўз-кўз қиладилар. Ҳовли ўртасидаги мрамар ҳовузга қарата қурилган шийпонларнинг пештоқларидаги нақшлар офтобда «ялт-ялт» этиб, товус билан рақобатлашади.

Шийпонда утирган мирза Ашур бой истиқболига чиқди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом, мирза Ашур.

Улар ясатиғлик дастурхон олдига чўккалашиб, қўлларини юзларига сийпалашди.

— Келсинлар, тақсир.

— Мингбоши шу ердаларми?

— Ана ўзлари, — деди мингбошини ичкари ҳовлидан чиқиб келаётганини кўрган мирза.

Қулмуҳаммадхон чўзиқ юзли, дўнг пешонали киши эди. Гарчанд катта хотини билан андек жанжаллашиб чиққани учун таъби хира булса-да, бойга буни сездирмасликка уринди.

Бир оз тамадди қилганларидан сўнг Ашур арзгўйлар пойлаб турганини эслатди. Мингбоши розилик берди.

Қабулхонага кирганларида, арзгўйлар этакдаги наमत устида ўтиришарди. Салом-алиқдан кейин кирганлар қават-қават



курпача солинган хонтахта олдидан жой олишди. Мирза мингбоши ёнбошига қўйилган алоҳида курси ёнига чуккалаб пат қалам, самарқанд қогозидан икки варақ олиб қўйгач, аризаларни ўқиди.

Шикоятчиларнинг иккиси ҳам шаҳар биқинидаги Бодомзор қишлоғидан эди. Бири оқсоқол, иккинчиси оқ ятак кийган барваста деҳқон йигит. Унинг кузлари қишлоқи бир соддалик билан боқарди.

Мингбоши сукутга кетди. Қўпчилик у киши одил ҳукм чиқариш учун фикр дунёсига ғарқ бўлдилар, деган мулоҳазага боради.

Ҳолбуки, Қўлмуҳаммадхон катта хотини хусусида уй суларди. «Агарда бирор таги пастроқ одамнинг қизи бўлгандаку, оғиз очирмасдим-а», дея бир қарорга келди ниҳоят.

Мирзанинг бир-икки йуталидан сўнг сесканиб куз очган мингбоши:

— Ёз, — деди мирзага. — Ҳукм: «Бодомзор қишлоғилик Дилмурод исмли деҳқон қарзини вақтида тўлай олмагани учун ер-сувини оқсоқолга топширсин».

— Таксир, одиллик қилинг! — дея қичқириб юборди деҳқон жон ҳолатда. — Ер-сувсиз ҳалок бўламан-ку!

Мингбоши пинагини бузмади.

— Чоракор бўлиб ишлайсан.

— Чоракор бўлгунча...

Дилмурод шартта ўрнидан туриб чиқиб кетаётган эди:

— Тўхта, иним. Анча бамаъни йигит кўринасан. Мани хизматимга кирмайсанми? — деб юборди Юнусбой узига гумашта кераклигини эслаб.

Йигит эшик остонасида иккиланиб туриб қолди. Қишлоқдан чиқаётгандаёқ, агар ер-сувимдан ажралсам, шаҳарда ишлайман, ҳарҳолда куним ўтиб турар, деган қарорга келганди.

Бой ўрнидан туриб, йигитга яқин келди.

— Узоқ ўйланишнинг на ҳожати бор? Ҳалол меҳнат қилсанг, бир йилдаёқ ерингни қайтариб олишингга ёрдам бераман.

— Хўп, фақат қишлоққа икки кунга бориб, баъзи ишларимни саранжомлаб келсам.

— Бу булак гап, — мамнун тарзда деҳқоннинг елкасига қоқди бой. — Заргар маҳаллага бориб, Юнусбойнинг

ҳовлиси қаерда, деб сўрасанг, ёшу қари дарҳол кўрсатиб қўяди.

Дилмурод чиқиб кетди.

«Шаҳарлик бирор-бир қаллобни билмай, хизматимга олиб қўйсам борми, барча бойлигимни бир кечада ўмариб кетиши ҳеч гап эмас. Қишлоқилар эса, одатда, содда бўлиб, муғомбирликни билмайдилар», деган хаёлга борган бой мингбошига мурожаат қилди:

— Сиз қандай ўйлайсиз, тақсир, қидираётган кишим шу эмасми?

Мингбоши оқсоқолга ишора қилди:

— Буни мендан эмас, анавидан сўранг.

Оқсоқол ўзига эътибор беришганидан мамнун бўлиб, ёйилиб илжайди.

— Бу йигитга ишонсангиз бўлади. Кўп меҳнаткаш, бировнинг мулкига кўз олайтирмайди. Жойидан ажралишига келсак, бултур кузда ўлган отасининг қарзлари сабабли.

Мингбоши суҳбатга якун ясади:

— Ундай бўлса, мен сизга одам излашдан қутулибман.

## II

Шом пайти эшик тақиллади.

Айвонда ёнбошлаб ҳисоб-китоб қилаётган Юнусбой бошини кўтармай:

— Кираверинг, — деди.

Йўлакда Дилмурод кўринди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом. Келдингми, қани бу ёққа ўтир-чи.

Дилмурод айвон четига омонатгина ўтириб, ҳовлига қизиқсиниб назар ташлаб қўйди.

— Хизматимга кирадиганга ухшайсан. Шундайми?

— Шундай, тақсир.

— Яқин орада сафарга чиқаман. Менга ҳамроҳ бўласан. Ҳозирча дуконимдаги ишларга қарашиб тур. Айтмоқчи, ҳисоб-китобдан хабаринг борми?

— Раҳматли падарим даврида мактабдор домланинг юмушини қилиб ўқиган эдим.

— Жуда соз. Яроғ ишлатишни биласанми?

— Хон сарбозларидек қилич уролмасам-да, ҳарҳолда сизни ҳимоя қила оларман.

— Бупти, сени хизматимга олдим.

Ҳовлига хизматкор Жаъфарали ҳарсиллаганча қоп орқалаб кириб келди. Дилмурод тезгина туриб, чолнинг «Йўқ, қўяверинг, ўғлим» дейишига қарамасдан, қопни қўлидан олиб, ерга қўйди.

Бой хизматкорга қовоғини уйди-да истехзоли оҳангда.

— Айтган буюмларимнинг ҳаммасини олиб келдингми? — деб сўради.

— Худоба шукур, олиб келдим.

— Бу йигит янги хизматкорим, сен билан туради. Бориб жойни кўрсат.

— Бош устига.

Жаъфарали Дилмуродни омборхонага бошлади.

Ҳовли саҳни кенг.

Тўрға бир қатор кунгай уйлар тушган. Баланд сўрилардаги ток новдалари эндигина шўра чиқарган. Ҳовли этагида отхона, молхона, ўтинхоналар жойлашган. Ўтинхонанинг чап томонига тушган кичкина ҳужрача сўққабош Жаъфарали бобоники эди.

Муъжазгина хона ўртасида сандал, тўрдаги тахмонга икки-учта увадаси чиққан кўрпа-тушак тахлаб қўйилган. Токчаларнинг бирида беш-олтита лаби учган пиёла, чегаланган чойнак, иккинчисида нон солинган қутича.

Эшик тепасидан очилган дарчага ёпиштирилган қогоз ис босиб қорайиб кетган.

Жаъфарали дастурхонга суви қочган нон, туршак қўйди. Сўнгра, қумгон тагига олов ёқаркан:

— Сўраганнинг айби йўқ дейдилар, қаерлик бўласиз? Шаҳарликка ўхшамайсиз, — деди.

— Тўғри топдингиз, отахон. Бодомзорликман. Ночорлик мажбур этди бу ерга келишимга.

— Хафа бўлманг. Ойнинг ўн беши қоронгу бўлса, ўн беши — ёруғ, дейдилар. Мана энди иккаламиз бирга хизмат қилаверамиз.

Ниҳоят, паға-паға буг чиқариб, қумгон қайнаб қолди. Қуюққина чой дамланди.

Ичига иссиқлик югуриши билан Дилмурод терлади, шунда қишлоқдан чиққандан бери туз тотмагани эсига тушди. Узини гапга алаҳситиш учун:

— Хужайин савдогармилар? — деб сўради.

— Балли, шундай. Юнусбой Бухоро, Самарқанд, ҳатто узоқ Термизгача бориб мол сотади, мол олиб келади. Мени ҳам узига ҳамроҳ қилиб оларди авваллари. Йўллар куп хатарли-ю, лекин саёҳатнинг гашти ҳам ўзгача-да.

Жаъфарали «эх» деб хўрсиниб қуйди. Дилмурод гурунгни давом эттирди.

— Хизматкорлари куп шекилли?

— Йўқ. Йўлга чиқаётганларида мингбошидан навкар оладилар, холос.

— Бой отамнинг мингбошига қариндошлик томонлари борми? дейман.

— Шундоқ, бўлғуси қайноталари.

Дилмурод илжайди.

— Э, гап бу ёқда денг.

— Нимасини айтасиз. Ойсулув куп мақбул қиз. Ёлғиз бўлгани билан баъзи ойимчаларга ухшамайди. Онасига тортган. Шундай қизни уч хотинлик Қулмуҳаммадхонга беришмоқчи, — деди куюниб Жаъфарали.

Юдузлар чарақлаб турган қоронғу осмон азонга яқин бўзариб оқарди. Тоғлар ортидан қуёш кутарилиб улгурмаган бўлса-да, борлиқ анчагина ёришди.

Элдан бурун турувчи мешкобчилар шаҳар ўртасидаги ховуздан сув олиб, кўчаларга кўлоблатиб сепи бошлайдилар. Лекин тушга бориб сепилган сувдан асар ҳам қолмай, шаҳар узра чанг-тўзон кўтарилади.

Дарвозалар очилиши билан атрофдаги қишлоқлардан дехқонлар эшак-араваларда, улови йўқлар қопларини орқалаганча шаҳарга кириб келаверадилар. Булар билан бирга ўзга шаҳар, бўлак юртлардан мол олиб келаётган савдогарларнинг бошадоксиз карвонлари ҳам шаҳарга киради.

Шаҳарликларнинг аксарияти эрта тонгдан дўконларига, темирчилик, косибчилик устахоналарига йўл оладилар.

Юнусбойнинг дўкони шовқин-сурондан анчагина йироқ бўлган савдогарлар растасида.

Дилмурод дукондаги бўздан тортиб шойигача бўлган хилма-хил газламаларни кўриб, ҳайратдан ёқасини ушлаб қолди.

Биринчи кунлари унинг иши керакли молларни ичкари хонадан олиб чиқиб туриш бўлди, холос. Кенг жойда яшаб ўргангани учунми дукон йигит кўзига қафасдек тор куринарди.

Бой Дилмуродни синаш мақсадида бўлса керак, бир гал пуллари солинган галадонни очиқ қолдириб, ўзи бозор айлангани чиқиб кетди. Дуконда ёлғиз қолган, очиқ-сочиқ турган пулларни кўрган Дилмурод галадондан узоқроқда тик турганича хўжайиннинг қайтишини сабрсизлик билан кутди.

Юнусбой қайтиб келасолиб, дарҳол галадонга кўз ташлади: пуллар қандай тахлаб кетилган бўлса, шундай турарди...

Уйдаги бир бугча молни олиб кетиш учун келган Дилмурод ҳовлига кириши билан айвонда дўппи тикиб ўтирган Ойсулувни кўрди-ю, лол бўлиб қолди.

Хизматга кирганига уч ҳафта бўлган бўлса-да, йигит Ойсулувни биринчи марта кўриб туриши эди.

Ўзига ажабланиб қараб қолган йигитга ногаҳон кўзи тушган Ойсулув дув қизарганча ишпечини ташлаганча ўзини ичкари уйга урди. Кўп ўтмай, ўша уйдан Ҳошиябиби чиқди:

— Келинг, тинчликми?

— Бой амаким юбордилар. Катта уйдаги қизил сандикда бир бугча мол бор экан. Шунини олиб келишни буюрган эдилар.

— Ҳозир, айланай.

Ҳошиябиби қайтиб уйга кириб кетди. «Беҳад чиройли қиз экан», деб ўйлади Дилмурод Ойсулув ҳақида...

— Яна ўн беш кунлардан кейин сафарга отланамиз, — деб эълон қилди Юнусбой.

Бой сафар тараддуди баҳонасида кўпинча Дилмуродни дуконда ёлғиз қолдирадиган бўлди. Шундай пайтлари йигит «ҳисобдан адашиб кетмай» деган хавотирда иложи борица кўпроқ нарсани ўрганиб олишга интиларди.

Ниҳоят, Юнусбой бу уқувли хизматкорига анча-мунча ишонадиган бўлди. Дилмуродга ҳам шу керак эди. Ахир шу тарзда бир йил ишласа, яна ўз ер-сувини қайтариб олиши мумкин. Ана шундан кейин тинчгина деҳқончилик қилиб яшайверади.

Фақат Ойсулув нега гоҳо-гоҳо жилмайиб қараб-қараб қўйишига тушунолмайдиган йигит. Авваллари уни курс, бас, оҳудек ҳуркиб қочадиган қиз кунлар ўтиши билан фақат юзинигина яшириб, баъзида эса ўгринча куз қирини ташлаганча айвонда тикиш-чатишини давом эттирадиган бўлди.

Барча зарур моллар тупланиб, сафарга тахт қилиб қўйилган кун эди. Юнусбой шу оқшом узига ҳамроҳ бўлувчиларга кичкина зиёфат берди.

Карвон саҳарда шаҳарнинг шимолий дарвозасидан чиқиб, Хива томон йўл олди.

### III

Қир-адирларнинг субҳидам шамолида мавжланиб, чўгдек ёнган лолаларнинг даври ўтди. Болалар, ўспиринлар энди адирларга чиқиб варрак учира бошладилар. Одатда, мўйлови сабза урган ўспиринлар ўз буйлари баробар савагичдан ясалган қуроқларини бирор тепаликда учиринишга шайлайдилар. Шамол бир тортилса, бас: беш-олти газ келадиган ранг-баранг «думлар» илондек тулганади, дарданақлар титраб пириллайди.

Дарахтлар барг ёзиб, чигитдек-чигитдек довуччалар маржон шодалари янглиг шохчаларга терилган. Ҳаво кундан кунга исиб, ёзнинг жазирама бўлишидан дарак беради.

Ҳошиябиби қизи билан айвонда тушлик қилиб ўтиришган маҳал қўққисдан эшик тақиллиб қолди. Дарахтлар тагини юмшатаётган Жаъфарали илдам бориб қулф зулфини туширди. Остонада зар чопон кийган, қимматбаҳо тошлар қадалган қилич осиб олган Қулмуҳаммадхон гердайиб турарди. У бир томоқ қириб олгач, ҳовлига кирди.

Ойсулувни дарҳол ичкарига йўллаган Ҳошиябиби мингбоши ҳурмати учун урнидан турди.

Қулмуҳаммадхон Юнусбойдан хат-хабар келган-келмагани билан қизикди, уйда қолганларнинг аҳволини сўраган бўлдида, сўнг:

— Ойсулув кўринмайдилар, — дея асл мақсадга кўчди.

— Қизим ҳалиги... тоғасиникида эди, — деди Ҳошиябиби унғайсиз аҳволда.

— Ойсулувга арзимас совға олиб келгандик. — Мингбоши духобадан бежирим қилиб тикилган халтачадан гавҳар кўзли тилла узук олиб узатди. — Қўлларига тақиб қўясиз.

Шундан кейин мингбоши хайрлашиб чиқиб кетди.

Чўтдек гавҳар ярқираб жилванарди. Ичкари уйдан Ойсулув мўралаганини кўрган она дарҳол узукни яширди.

Осмон бўзариб, офтоб заррин нурларини саҳро устига ёя бошлаганда қирқ туядан иборат карвон шаҳар дарвозаси олдига етиб келди.

Деворнинг юқорисида турган соқчи сарбоз карвонни мингбоши навкарлари ўраб келишаётганини кўргач, дарвозани очишга рухсат берди.

Оғир табақалар «гиқ-гиқ» этиб аста-секин очилиб, савдогар Юнусбойнинг карвони шаҳар ичига кирди.

Туяларнинг биридаги кажавага ўтириб олган бой эсон-омон қайтиб келгани эвазига дарвозанинг икки тарафига жойлашиб олган гадоиларга чақа тангалардан садақа қилди.

Бой ёнида юзи чўл шамолида қорайган Дилмурод от суриб келарди. Йигит сафар давомида кўпгина нарсаларни кўрди, ўрганди, Хива шаҳрининг катталиги, мачит-мадрасаларнинг беҳисоблиги айниқса уни ҳайратга солди.

Туялар вазмин қадам ташлаб, кўчалардан секин юриб ўтаркан, тоқати тоқ бўлган йигит сабри чидамай:

— Тақсир, уйга бирров бориб, келганингизни айтиб суюнтирайми? — деди.

— Майли. Лекин тезда ортга қайт.

Дилмурод отига қамчи урди.

Шу аснода «Ойсулув нима иш қилаётган экан? Ҳойнаҳой, айвонда дўппи тикиб ўтиргандир...» Қизиқ, нега бутун сафар давомида қизни тез-тез эслаб турди?..

Эшик қулфланмаган экан. Йигит отни йўлак ёнида қолдирганча айвонга шошилди.

— Вой! — деб юборди Дилмуродни биринчи бўлиб кўрган Ойсулув. Қизнинг оппоқ чехрасига қувонч аралаш қизиллик югурди...

Юнусбой келган кунининг эртасига савдогар ошна-оғайниларини, шу жумладан Қўлмуҳаммадхонни ҳам чақириб зи-

ёфат берди. Суҳбат давомида Хивада курилган, эшитилган қизиқ воқеалар тилга олинди. Чой ташиб турган Дилмурод ҳақида ҳам илиқ гаплар айтилиб, ундан келажақда уддабурон гумашта чиқиши мумкинлиги эътироф этилди.

Тузуқкина фойда кўрганидан ўзида йўқ хурсанд бўлган бой эндиги сафар тўғрисидаги режани миясида пишитиб, ахийри Қулмуҳаммадхонга маслаҳат солди. Бир ижирганиб қўйганини сездирмасликка уринган мингбоши:

— Жуда тўғри уйлабсиз, — деди бамайлихотир.

Юнусбой сафар ҳаракатига тушиб қолгани боис Дилмурод дуконда савдо-сотиқни юргизиб турди.

Харидор пойлаб ўтирган Дилмурод ногаҳон мошранг духоба паранжили аёлни кўрди-ю, бир қалқиб тушди. Наҳотки Ойсулув? Юриши, устидаги паранжиси жуда-жуда таниш...

Аёл дўкон қаршисида бир сония иккиланиб туриб қолгач, сўнг тез-тез юриб Дилмурод олдига келди.

Бу Ойсулув эди.

— Дилмурод ака, дадамлар йўқмидилар?

Қизнинг титроқ товушида орзиқиб кутилган қувонч билан бирга кўрқув оҳанглари ҳам бор эди.

— Д-дадангизми? — деганича Дилмурод довдираб жим қолди. Сўнг эшитилар-эшитилмас: — Дадангиз бир ошналари олдига кетган эдилар.

— Яқинда сафарга отланар эмишсизлар.

— Худо хоҳласа.

Ойсулув ийманиб, узр оҳангида деди:

— Мен кетай бўлмаса.

— Келганингизни дадангизга айтайми?

— Вой ўлай, асло билмасинлар! Мен ўзим... шундай... — дедию қиз илдам юриб дукондан чиқиб кетди.

Дилмурод қизариб кетди: «Э, хом калла! Дадангизга айтайми деб ўтирибман-а».

Дилмурод яқин орада сафарга чиқишлари лозимлигини эслаб хафа бўлди. Демак, Ойсулувни яна узоқ муддат кўрмас экан-да...

«Ўтган гал суппайиб ўзим келдим. Бу гал албатта, бойдан қарз олиб бўлса-да, бирон совға олиб келаман Ойсулувга», — дея дилидан ўтказди Дилмурод.

#### IV

Шаҳар деворининг қорамтир кўриниши секин-аста юлдузларга тўла қоронғу осмон билан бирикиб, кўздан йўқолди. Туялар ҳали совиб улгурмаган қум устида қадам ташлайдилар. Уларнинг бўйинларига осилган қўнгироқчалар жаранг-журунги тўғ саҳронинг сокин мусиқасига жўр бўлаётгандек.

Умрининг қарийб қирқ йилини мана шу яйдоқ чўлу саҳрода ўтказган сарбон карвонни ишонч билан манзил томон етаклайди. Осмондаги юлдузлар, атрофда кўриниб қоладиган якка-дуikka саксовулар, ҳатто эчкемар уялари ҳам унинг хизматида.

Узоқлардаги туя ўркачидай эгри-бугри тоғларни кўриб Юнусбойнинг кўнглини бир дам қурқув ҳисси чулғаб олар, лекин қароқчилар тўдасига бирон маротаба йўлиқмагани учунми, шайтон васвасасини ҳайдашга ҳаракат қиларди.

Атрофни шубҳаланиб кузатаётган навкарлар бирон нарса шитирлаб қолса, дарҳол қиличларини ялангочлаб:

— Ким у? Тўхта! — деганларида эчкемарлар чўчиб ўзларини инига уради.

Итоаткор туялар учун хашагу сув бўлса, бас. Ҳеч қандай фойда ҳақида ўйламасдан, қадамларини шошмай босиб кетаверадилар.

Карвон навбатдаги қудуқ олдига етиб келганда, субҳидам пайти эди.

Юнусбой туялар устидаги баъзи арқони бўшаган молларни қайта маҳкамлашни буюрди-да, қумга солинган шолчага ёнбошлади.


Дилмурод туяларни сўғоришда карвонбошига ёрдамлашди. Соқчи навкарларнинг бир қисми юкларни боғлашга киришди, қолганлари эса бирин-кетин қумга чўзилди...

Эрталабки изғирин шамол охириги кучини тўплаб, юз-кўзларга қум аралаш урилади.

Ногаҳон гира-шира ёришган тоғ томондан от туёқлари дупури эшитилди. Одатда, дупур-дупур карвоннинг қарама-қарши томонидаги йўлдан ёки орқадан эшитилиб, купинча хоннинг хат ташувчи ноиби ёки навкарлари ўтиб қоларди. Лекин тоғ томондан...

— Булар кимлар бўлди экан? — деб сўради Дилмурод ташвишланиб карвонбошидан.

921955



— Билолмадим, лекин отлиқлар яхши ният билан келаётганига шубҳам бор.

Навкарлар дарҳол қурол-яроқларини тақиб олиб, яқинлашаётган нуқталарга тикилиб қолдилар.

Дилмурод бойни уйғота бошлади.

— Тақсир, бегона отлиқлар биз томонга келишмоқда.

Юнусбой: «А, нима? Ким?» деганча уйғониб кетди-ю, қаршисида Дилмуродни кўриб хотиржам тортди.

— Нечун безовта қилдинг? Не гап?

— Бегона отлиқлар!

Қуюндай яқинлашиб келаётган отлиқларни кўрган бойнинг ранги оқариб кетди: «Қилич қора!»

Бойнинг тамом бўлганини кўрган Дилмурод дарҳол навкарларга туяларни доира шаклида чуқтиришни буюрди.

Қилич ўйнатиб келаётган отлиқлар қароқчилар эканлиги аниқ эди.

Қийқирик, бақирик-чақирик авж олди: қароқчилар оз сонли ҳоргин навкарлар устига ташландилар.

Навкарлар ўз жонларини қутқариб қолиш учун жон-жаҳдлари билан олишдилар, улар сафидаги Дилмурод от жиловини маҳкам ушлаганча қўлидаги қурол билан ўнг-сўлдан келатган қароқчиларга ҳамла қиларди.

Туялар безовдаланиб, қумда қонига беланиб ётган одамларни босиб-янчиб, ҳарён тўзғиб кетдилар.

Дилмуродга олти қароқчи баравар ёпишди-да, отдан қулатиб, қўлини қайириб, бир отлиқ олдига итариб юбордилар. Бу отлиқнинг қилич ялаб ўтган юзида чуқур из, чап кўзини эса латта билан боғлаб олганди; якка кўзи сўқир кўзининг қувватини ҳам ўзида бириктириб олгандек совуқ чақнар, икки томонга буралиб кетган мўйлови дароз қоматини янада баҳайбат кўрсатарди. «Қилич қора деганлари шу бўлса керак», деб ўйлади Дилмурод.

— Қўл-оёғини ечинглар! — деб буюрди Қилич қора.

Қўл-оёғи бўшаши билан Дилмурод ўрнидан дик этиб туриб олди.

— Қаерга кетаётган эдиларинг? Карвон хўжайини ким?

— Хивага, Хўжайин анави беҳуш ётган киши, — деди Дилмурод қўли билан бойни кўрсатиб.

— Гапга тушунадиганга ухшайсан. Қани, тезроқ уни дўзахга жўнат! Қани бўл, баччагар!

Нима қилиш керак?

— Мен хизматкорман. Хужайинга қўл кутара олмайман, — деди Дилмурод Қилич қоранинг якка кузига тикилиб.

— Қўл кутармас эмиш! Ваҳ-ҳа-ҳа.

Атрофни ураб турган қароқчилар ҳам саҳрони бошларига кутариб кула бошлагандилар, бирдан:

— Бас! — деган овозни эшитиб, нафасларини ичларига ютдилар.

— Қани, содиқ қул, эгангни уйғотиб қўй-чи, бўлмаса. Агар юраги ёрилиб ўлмаган бўлса.

Дилмурод мешдан сув олиб Юнусбой бетига сепувди, у сесканиб кўзини очди-ю, Қилич қорани куриб йўлбарс олдида турган қуёндек дағ-дағ титрай бошлади.

— Р-рахм-ш-шафқат қилинг, мендек бир мўмин бечорага. Ҳамма молимдан воз кечаман. Манови қўлимдаги узукни ҳам олинг. Омон қолдирсангиз, бас. Бола-чақангиз ҳақиға дуо қилиб юрар эдим, — дея илтижо қилишга ўтди бой.

— Э, муттаҳам бой! Сендан сураб молингни олмайман. Бундай узукларни тақишга эса ор қиламан. Чунки сендек бир бой оиламни вайрон қилиб, хотинимни тортиб олган. Сен тулки раҳм-шафқат сурадинг. Мен эса бундайларни биринчи бўлиб ўлдираман, вассалом, — деди Қилич қора бой эгилиб-букилиб, узатган узукни қумга отиб юбораркан.

Даҳшатга тушган Юнусбой ўзини тап этиб қумга ташлади. Қароқчилардан бири қуллуқ қилиб, узукни қумдан кўтарди-да, бармоғига тақиб олди.

Қилич қора айгири жиловидан силтаганди, от иккала олдинги оёғини кўтарганча кишнаб юборди.

Қароқчилар Дилмурод билан бойнинг қўл-оёқларини чил-вирда чандиб боғлашгач, туялардаги кажавалардан бирига ташлаб қўйдилар.

Қилич қора фармон берди:

— Отларга!

Карвон йўлга тушди.

Қароқчилар туяларни Хивага қарама-қарши томондаги тоғ тарафга бурдилар.

Иссиқдан, нафас олишга қийналаётган Дилмурод қўлини ҳарчанд бўшатиб олишга ҳаракат қилса-да, эпполмагач, хуноби ошиб сўкинди.

— Дилмурод, гапимни эшитяпсанми, — деб шивирлади бир пайт бой харсиллаб. — Агар мени шуларнинг чангалидан қутқариб олсанг, бир умр хизматингда бўламан. Истасанг, молдунё оласан, истасанг, куёвим бўласан. Уқдингми?

Дилмурод қулоқларига ишонмади. Бой нима деяпти? Ё молимни ол, ё қизимни деяптими? Наҳотки Ойсулувни... бир фақирга раво курса?..

— Қўлимдан келармикан, бой ота, деди ҳовлиқиб кетган Дилмурод. — Насиб қилса, майитимиз бу саҳроларда қолиб кетмас.

Дилмурод энди бир амаллаб қочиш режасини туза бошлади.

Кеч бўлиб, атрофга қоронғулик тушганда тоғ оралигидаги бир хилват манзилга етиб келишди.

Қилич қора базмга ризолик билдиргач, бўрдоқи қўйлардан бир йўла иккитасининг бўғзига пичоқ тортилди. Ертўладаги майлар солинган кўзалардан олиб кирилиб, дастурхон ясашга киришилди.

Қўлга туширилган моллар омборхонага жойланди. Дилмурод билан бой отхонага қамалди, уларга Акбар исмли навкар соқчи қилиб қўйилди.

Акбар деганлари ичимлик бўлса ўзини томдан ташлайдиган экан. У дамо-дам гойиб бўлиб қолар, сўнг шароб ҳидини бурқситиб қайтиб келарди-да, калласини лиқиллатиб хиргойи қилишга тушарди.

Дилмурод ўзича бир нималарни мулоҳаза қилиб кўргач, ниҳоят, бойга режасини баён этди. Юнусбой хизматкорнинг пичирлашига диққат билан қулоқ сола бошлади.

— Ҳой, нимани гаплашаяпсанлар? — дея дўқ уриб қолди бир пайт соқчи туйнуқдан мўралаб.

Дилмурод бепарво оҳангда жавоб беришга уринди:

— Арзимаган гап.

— Қанақа арзимаган гап экан?

— Э, биродар, сенга қизиги йўқ.

— Нима? Айт, бўлмаса қилич билан икки нимта қилиб ташлайман.

— Оббо, сен-е, қўрқитиб юбординг-ку. Биласанми, тўним орасида учта қимматбаҳо тош яширилиб қўйилган эди. Шу ҳақда гаплашяпмиз.

— Ростданми?

— Ёлгон бўлса нимталаб қўя қол. Кел, қўлимни ечгин, олиб курсатаман.

Акбар гандираклаганча отхонага кириб, ёнидан пичоқ олиб чилвирни кесди.

Қўли бушаши билан Дилмурод соқчининг қорнига мушт тушириб аганатди-ю, оёқ-қўлини боғлаб, оғзига латта тикди.

Дилмурод қалтираб ётган Юнусбойни ҳам арқонлардан халос этди.

Отлар безовталаниб кишнашди. Дилмурод мажолсиз бойни отлардан бирига мингазиб, ўзи ҳам бир отни етаклаб олди.

Ташқарида бирон зог йўқ. Фақат дарчалардан ёруғлик тушиб турар, қорамтир сояларнинг пиёлаларни кўтариб май ичишлари-ю, гўнгир-гўнгир овозлари эшитиларди.

Дилмурод отга минди.

Отхонадан узоқлашиб, қўрғон атрофи уралган ғов олдига келишгач, Дилмурод очиқ дарвоза қароқчиларда шубҳа уйғотмасин деган ўйда отдан тушиб, эшикни ичкаридан беркитди-да, ғовдан ошиб ўтиб қайта отига минди.

Атроф зимистон бўлгани учун йўлни кўриб бўлмасди. «Бирон сўқмоқ бизни тоғдан олиб тушар», деган қарорга келган Дилмурод от жоловини бўш қўйди.

Юнусбой Дилмурод билан барабар юришга ҳаракат қиларди, аммо илк бор эгарланмаган от мингани учун қийналиб, зўрга ўзини тутарди. От эса аксига олиб, ҳадеб қоқила-қоқила ахийри қандайдир чуқурчага олди оёқлари билан мункиб тушиб, ағдарилиб кетди.

«Энди ўлдим! Тамом! — деб ўйлади бой ваҳима ичида. — Отсиз қаерга бора олардим? Дилмурод қутулиб кетади. Ўз жонини сақлаб...»

— Қани, бой ота, тезроқ отга мингашинг, бўлмаса қувиб келиб қолишлари мумкин, — деди Дилмурод отини тўхтатиб.

Юнусбой Дилмуродни алқай-алқай отга мингашди.

Тоғлар ортда қолди.

Сунгги юлдузлар ҳам сўниб, узоқда қуёшнинг илк заррин нурлари пайдо бўлди.

Ҳадемай офтоб жамолини тўла кўрсатди-ю, ўз нурини аямай тўка бошлади.

Нафас олиб бўлмас даражадаги иссиқ ҳавога от ҳам бардош беролмай, қийинчилик билан одимлайди. «Бу аҳволда бирон-бир қудуққа етиб боролмаймиз шекилли», деб ўйлади от ёнида пиёда кетаётган Дилмурод.

Юнусбой кузига қум-саҳро ичра ажойиб ҳовуз, богзорлар қуринар, беихтиёр одан тушиб, ўша томонларга югуришдан аранг ўзини тийиб турарди.

— Чух, жонивор, чух!

От юрмай, тихирлик қилиб тўхтаб, бирдан ёнбошига йиқилди. Сароб ҳам кўз олдидан ғойиб бўлган бой қайноқ қум устида лол туриб қолди. Сунг ўзини яна қандай фалокатлар кутаётганини англади чоги, жон алпозда жиловдан тортиб, отни тургазишга ҳаракат қила бошлади.

Дилмурод бойга яқин келди.

— Овора булманг, от алақачон улди. Қаранг, огзидан оқ кўпик чиқиб ётибди.

— Йўқ! От ўлса ўлар, мен ўлишни истамайман!

Юнусбой жиловни ташлаганча тўғри келган томонга кета бошлади.

— Тўхтанг, бой ота. Бекорга ҳалок бўласиз-ку! — дея бақирди Дилмурод.

Бой шу сўзни кутиб тургандек таққа тўхтаб, ўтирилди-да, ортига қайтди. Унинг юзи аянчли даражада қийшайиб кетган, ҳамма нарсага тайёр, фақат омон қолса бас эди.

Дилмурод хотиржамроқ гапиришга уринди:

— Қандай бўлмасин қудуқ олдига етиб олишимиз керак. У ердан карвон утиб қолиши мумкин.

— Ҳа-ҳа, — деди бой кўзларини катта очганча.

Икковлон узун-қисқа бўлиб йўлга тушдилар. Қават-қават тунларини ечиб ташлаган бой куп утмай қадамини секинлаштириб тез-тез қумга чўккалаб қола бошлади.

Дилмурод бойнинг қўлидан тортиб, узоқда нуқта бўлиб қуринаётган қора нарса томон юриб кетди. Лекин роса ҳолдан тойган, бунинг устига беҳад чанқаган эди.



Нукта борган сайин катталашиб, ниҳоят, қудуқ огзи шаклини олди. Лекин манзилга озроқ қолганда Дилмурод мажолсизликдан қулаб тушди...

У қузини очганда, қуёш энди ботаётган эди. Осмон ҳам, атрофдаги қумлар ҳам қизғиш ранг олиб, ажойиб манзара кашф этган. Бой шундоқ ёнгинасида ҳушсиз ётарди.

Дилмурод эмаклаб, огзига кираётган қумларни тупура-тупура қудуққа бир амаллаб етиб борди-да, қувачада сув тортиб чиқазди.

Сув йигитнинг бутун танасини яйратиб юборди. У симириб-симириб узоқ ичди, қолганини бошидан қуйди. Сўнг қувачани тўлдириб қуйди-да, ҳамон ҳушсиз ётган бой юзига сув сепди.

Сесканиб, ўзига келган бой:

— Мени улдирманг! Раҳм қилинг! — деб хириллади.

Дилмурод илжайиб қуйди.

Осмон қорамтир тус олиб, саҳрода совуқ шамол ўз ҳукминини ўрнатди.

Дир-дир титраётган Дилмурод атрофга диққат билан қулоқ солди. Ниҳоят, бир пайт чиябўриларнинг увиллаши орасида қўнғироқларнинг ёқимли жиринглаши эшитилгандай бўлди. Жаранг-журунг борган сайин кучаярди.

## V

Юнусбойнинг Қилич қора тўдасига йўлиқиб, бор мол-мулкидан ажралиб қолгани тезда бутун шаҳарга овоза бўлди.

Куп ўтмай эса Дилмурод Қилич қоранинг айгоқчиси экан, деган гап ҳам тарқаб қолди.

— Вой тавба, шундай йигит-а! Ҳеч ўхшамайди-ку! Ахир у ҳалол хизматкор эканлигини ўзимиз кўрганмиз-ку, — дейишарди кўпчилик ёқа ушлаб.

— Бунақаларнинг купини кўрганмиз. Биттаси ўтган жумадан ушланган қароқчимиди? Кўрган одам қўй огзидан чўп олмаган қаландар деб ўйлаши мумкин эди. Аслида, қип-қизил айгоқчи бўлиб чиқди, — дердилар бошқа бирлари эътироз билдириб.

Уларнинг бу гапида асос бор эди — Қилич қоранинг йигитларидан бири қўлга олиниб, зиндонга ташланган, яқин орада қатл этилиши керак эди...



Юнусбой билан Дилмурод Ёқуббек карвонида шаҳарга эсон-омон, бироқ бир чақасиз ва бир мисқол молсиз кириб келишди. Машаққатли сафардан тинка-мадори қуриган бой касал бўлиб ётиб қолди. Қўлдан кетган молларни ўйлаган сари бойнинг касали баттар оғирлашарди. Лекин бу аҳволда ётабергани билан моллари қайтиб келмаслигини тушунган бой, кўп ўтмай, дуконда қолган-қутган моллари билан савдо-сотиқни бошлаб юборди.

Бойга ҳаммасидан ҳам алам қиладигани қўлидаги қимматбаҳо узукнинг кетгани эди. «Нега ўшанда икки қўллаб узатдим-а муттаҳамга?! Кўзи асл тошдан ясалган эди-я?», — дерди бой афсусланиб, қайта-айта пешонасига ураркан. Бунинг устига Дилмуроднинг оғиз пойлагандай юриши...

«Худо кўрсатмасин, агар мингбоши билиб қолсами, адои тамом бўламан. Бир бало қилиб қутулишим зарур. Ҳозирча бахтимга одамлар орасида айгоқчи деган миш-миш анча ёйилди... Фақат ҳибсга олиш қолади, холос»...

Дилмурод бойнинг ўзига нисбатан муомаласини кўриб гоҳ хайрон бўлар, гоҳ газабга келарди.

Демак, берилган ваъдалар ёлгон экан-да... Ойсулув ҳам негадир ичкари уйдан ташқарига чиқмай қўйди. «Бойга нима ёмонлик қилдим? Бунинг устига Қилич қора айгоқчиси деган ном орттирдим. Юнусбой ҳаммага очик гапни гапириш ўрнига мендан шубҳаланаяпти шекилли», деб ўйларди Дилмурод ўз навбатида.

Бир куни тасодифан айвон олдида учрашиб қолган Дилмурод юрак ютиб сўради:

— Ойсулув, нега кўринмай қолдингиз?

— Дадамлар рухсат бермаяптилар, — деди Ойсулув хижолат аралаш.

Шу маҳал осмондан тушгандай бир қўлида бўғча кўтариб олган Юнусбой ҳовлида пайдо бўлди.

Ойсулув ичкари уйга югургилаб кириб кетди.

Баҳона қидириб юрган бойга худо берди.

— Ярамас, тузлигимга тупуриб, энди қизимни йўлдан ура-япсанми? — дея бой роса бақириб-чақирди. Сўнг қўлидаги бўғчани айвонга отиб юбориб, ошигич кўчага чиқиб кетди.

Довдираб қолган Дилмурод нима қилишини билмай, айвон олдида бир зум туриб қолди, кейин хужрасига йўл олди.

Энди уйда қололмаслигини сезиб, буюмларини йиғиштиришга киришаркан: «Наҳотки Ойсулувни охирги куришим бўлса...» деб ўйлади ўкинч билан.

...Эшик зарб билан очилиб, ичкарига тўрт қуролланган навкар, улар кетидан бой кирди.

— Ҳа, энди қочмоқчи бўлибсан-да, — деди бой гезарганча. — Йўқ, қочолмайсан! Ушланглар бу қароқчини.

Навкарлар Дилмуродга ташланиб, дарҳол қулига кишан солдилар.

— Тақсир, раҳмат ўрнига тўхмат экан-да, — пичинг қилди Дилмурод. — Ё ўлимдан сақлаб қолганим эсингиздан чиқди-ми? Мен аҳмоқ ушанда... қаттиқ янглишган эканман, аттанг...

— Ўчир овозингни, ўчир! — деб бақирди Юнусбой хизматкори навкарлар олдида бирон ножўя гапни гапириб қўйишдан қўрқиб.

Ичкари уйнинг деразасидан мўралаб турган Ойсулув Дилмуродни навкарлар олиб чиқиб кетаётганини куриб, пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Э, худо, айби нима ахир...

Бозорнинг юқори қисмида катта мачит, унинг қарама-қарши томонида эса зиндон жойлашган.

Йўловчилар зиндон ёнидан тезроқ утиб кетишга ҳаракат қилдилар.

Бирон ўтри ёки айбдор жазоланса, дарвоза минорасининг юқори қисми супасига жойлашиб олган ногорачилар халойиқни чорлаб, жазо тутагунча ногорани ваҳимали тарзда тарақлатаверадилар.

Айбдор, одатда, огир қийноқларга маҳкум этилади ёки шу ернинг узида боши танидан жудо қилинади. Ўгирлик учун қаттиқ жазо берилгани учунми, шаҳарда угирлик кам содир бўлади. Шу боисми бозорда савдо қилувчи киши намоз маҳали ўз молларини очиқ ҳолда ташлаб, мачитга бемалол кетаверади.

Девори жуда ҳам баланд, тепасига пулат найзалар нинадек санчилаб ташланган бу зиндоннинг дарвозасидан ичкарига киритилган айбдорларнинг камдан-ками қутулиб чиқар, аксарияти шу ерда каламушларга ем бўларди.

Зиндонбоши бош дарвоза олдида қурилган махсус ҳужрада маҳбусларга овқат олиб келган кишиларни қабул қиларди.

Унинг икки ёрдамчиси таомларни ичкарига ташийди. Маҳбусларнинг ёру биродарлари кўпинча зиндонбошига беш-ўн танга бериб, ичкарига бирров кириб-чиқишнинг йўлини қилишарди.

Оёғига кишан урилган Дилмуродни устига темир панжаралар ёпилган кичкина ертўлалардан бирига ташлаганларида, ертўлада жулдур кийинган қаландар башара киши чўнқайиб ўтирар эди. Соқчилар эшикни ташқарисидан беркитганларидар сунг у қаққайиб турган Дилмуродга уқрайди:

— Ўтир, нега сўрайиб қолдинг?

Дилмурод сал ўзига келди ва нотаниш киши қаршисида чордона қурди.

— Ога, сизни бу ерга нега ташлашди? — дея сўради у гап бошлаш мақсадида.

— Хабарим йўқ, бошқа одам қуриб қолгандек, мендек бир қаландарни ташлашди. Хўш, ўзингни-чи?

— Менми? Мени ҳам сабабсиз ушлашди.

— Ҳунаринг нима?

— Юнусбойнинг хизматкори эдим.

Қаландар бир зум уйланиб қолди.

— Отинг Дилмуродми?

— Ия, отимни қаердан биласиз?

— Бойни Қилич қорадан қутқариб қолганингни эшитган эдим.

— Ҳим...

«Қаердан унга бу гаплар ета қолибди», деб ўйлади Дилмурод. Сўнгра қаландардан исмини сўради. У ўзини Самад қаландар деб таништирди.

Кечга яқин зиндонбоши бир дона суви қочган нон туширди.

Самад тезда ўз улушини еб бўлиб, иккинчи бўлакка ҳам мултираб қараб турарди.

— Меникини ҳам баҳузур еяверинг, ош бўлсин.

Самад бу бўлакни ҳам пок-покиза туширгач, тиззасига бошини қўйди-ю, тезда хуррак ота бошлади.

Дилмурод назарида вақт жуда имиллаб ўтаётгандай эди. У кўкдаги ёрқин юлдузларга боққанича огир хаёлларга чўмди. Яқинда худди шу юлдузларни саҳро устида кўргандек эди, энди бу ерда.



Ажаб дунё.

Юқоридан навкарларнинг шивир-шивири эшитилди, бу шивир-шивирлар итларнинг яқин-йироқдаги вовуллашига қўшилиб кетади.

«Ажабо, кун йилдай чузилаяпти-я. Яна неча кун ётарканман. Наҳотки гуноҳсиз бўлатуриб ҳам жазога тортилсам. Айтмоқчи, Ойсулув роса дакки егандир, бундан ҳам ортиқ номардлик бўладими?! Сидқидилдан хизмат қилсам-у, бой эса...»

Хаёл оғушига ботган Дилмурод кўзи уйкуга илинганини пайқамай қолди. Лекин «ғиқ-ғиқ» этган товуш уни уйготиб юборди. Дилмурод кўзини ғира-шира очиб, Самад оёғидаги кишанни эговлаётганини кўриб қолди. Боя нимжондай кўринган қаландар энди кучли, чаққон эркакка айланганди.

Самад Дилмуроднинг зимдан кузатиб турганини пайқаб, дарҳол жулдур кийими ичидан ханжар чиқарди:

— Кўряпсанми? Бировга гинг десанг — нақ юрагингга санчаман.

— Хотиржам бўл, чақимчилик одатим йуқ, — деди Дилмурод биринчи маротаба ҳамхонасини сенсираб. — Лекин бу нима қилганинг? Бу катақдан қандай қилиб қочасан?

Қаландар хотиржам илжайди.

— Яхши одамлар куп.

— Буларни қаёқдан олдинг? Бу ерга ташлаётганларида тит-питингни чиқариб юборадилар-ку.

— Анча содда экансан, биродар. Нон ичига суқиб ташлайдилар. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайди.

«Бу қаландар эмас, бориб турган ўғри бўлса керак», деб ўйлади Дилмурод.

— Қутулишни хоҳлайсанми? — деб сўради Самад, сўнг жавоб кутмасдан эговни узатди.

«Эҳтимол бу мени алдаб тузоққа туширмоқчидир. Сўнг қочишга уринди деб жазолайдилар... Майли, мен ҳам бир гал таваккал қилиб кўрай. Ё қочиб қутуламан, ё бундан беш баттарига учрайман», деб ўйлади Дилмурод эговни олаётиб.

Эрта тонг маҳали азон овози эшитилди. Дилмурод зиндонбон туширган қумғондаги сувдан юз-қўлини ювиб, намозини ўқиди.



Кейин юқорига қараб утириб, ногаҳон зиндонга бўйлаётган Жаъфарали отани кўриб қолди. Демак, ота эсидан чиқармабди.

— Жаъфарали ота, мен шу ердан! — деди Дилмурод овозини баландлатиб.

Ниҳоят, ота ҳам кўрди шекилли, «Дилмурод болам, омон-мисан», дея тугунча ташлади.

Соқчилардан бирининг ўшқирishi эшитилгач, ота, «омон бўл, болам», дея кўздан ғойиб бўлди.

Шовқиндан уйғониб кетган Самад тугунчани кўриб жонланди.

— Йўқловчинг бор экан-да. Тамадди қилиб олсак буларди, — деди у шоша-пиша юз-қўлини юваркан.

Дилмурод тугунни очиб, икки дона иссиқ нон билан учтўрт сиқим майиз олди.

Пешинга яқин эғнига жанда кийиб олган киши энгашиб, Самадни чақирди.

Дилмурод уни кўрди-ю, юзини совуқ тер қоплагандай бўлди. Бу Қилич қорага йўлиққанда Юнусбой узугини бошмалдоғига тақиб олган қотма қароқчи эди.

«Бундан чиқди, Самад ҳам қароқчилардан экан-да»...

Энгашган киши ҳам Дилмуродни кўриши билан ранги бироз ўзгаргандай бўлди-ю, сўнг яна аввалги ҳолатига қайтиб, Самадга кўз қисганча, тугунча ташлади.

— Бўлди, узоқ турма. Ё сенинг ҳам тушгинг келяптими? — соқчининг бу гаплари эшитилиши билан қароқчи кўринмай қолди.

«Ўлмай қолган экан-да. Вой муттаҳам-ей. Дарров таниб, ранги ўзгариб кетди-я... Қўрқди шекилли. Қизиқ, нега зиндонга тушибди. Ўғирлик қилганмикан. Кўзимга содда кўринувди, бало экан-ку. Ҳа, майли, қўлга тушгани ҳам яхши. Энди Қилич қора бир хуморидан чиқадиган бўлди-да», деб ўйлади орқасига қайтаётган Абубакир.

Жулдур кийим билан ниқобланиб олгани учун у бозор ичкариларини хотиржам айланди. Эшагини боглаб кетган чойхонага кириб, чой чақирди.

Одатда чойхонада шаҳардаги сўнгги янгиликлар ҳақида гаплар бўлгани учун у диққат билан чойхурлар гапини эшитиб ўтирди.

Сунг эшагига миниб, шаҳарнинг жанубий дарвозаси томон йўл олди.

... Май симириб утирган Қилич қора пиёласини отиб юборди. Тоза чинни экан, синмади, фақат шароб оқ дастурхонда қизил доғ қолдирди. Қилич қоранинг назарида доғ Акбарнинг қонига ўхшаб кўринди.

— Нима иш қилиб қўйдим-а? Ўзимга содиқ бўлган одамни мана шу қўлларим билан ўлдирдим, — дея пичирлади у бўғилиб.

Ўша кунни, яъни Юнусбой билан хизматкори қочиб кетганининг эртасига Қилич қора жаҳл устида Акбарни ўлдиртириб юборганди. Энди бўлса, шундай йигитидан ажралгани учун азоб чекиб юрибди.

Қўргонда осойишталик. Бунақа пайтда ҳеч кимнинг Қилич қорага кўринишга юраги дов бермасди. Лекин хона эшиги ногоҳ очилиб, салом берганча Абубакир кириб келди.

— Кел, Бакир, ёнимга ўтир. Хўш, қандай янгиликлар олиб келдинг? — деди тўнг оҳангда Қилич қора.

Абубакир кўрпачага ўтириб, тўнтарилган пиёлани олди-да, май қуйиб узатди.

— Янгиликлар кўп, хўжам. Яқин орада Олимбой Хоразм томон йўлга чиқаркан. Самаднинг ҳам олдига бордим. Зиндонбон 200 тиллога кўнадиган бўлди. Яна бир қизиқ янгилик шуки, худди Самад ётган зиндонда Юнусбойнинг биздан қочиб кетган хизматкори Дилмуродни кўриб қолсам бўлади-ми!

— Нима дединг? — Қилич қора ўрнидан туриб кетгудек бўлди. — Демак, қўлга тушибди-да!

— Шундай, тақсир.

— Эшит бўлмаса, Самадни қўтқаргани борганинга, қандай бўлмасин шу болани ҳам олиб кел. Зиндонбонга яна 200 тилло бер. Фақат олдимга ўлигини эмас, тиригини олиб келасан.

— Тушундим, хўжам. Ҳаммасини бажараман, — дея эгилиб жавоб қайтарди Абубакир Қилич қора узатган бўш пиёлани оларкан.

...Шаҳар устида кунни билан тўпланиб қолган чанг кечки шабадада ҳар ён тарқалиб, самода юлдузлар кўринди.

Жинчироқнинг хира ёруғи ёритиб турган кулбалардаги чироқлар бирин-кетин учиб, шаҳарни зулмат буркади.

Абубакир тилло солиб қўйилган халтачани ушлади. Қулогига сув жилдирагандай бўлди.

«Қандай ёқимли эшитилади-я. Наҳотки шунча олтинни қўлдан чиқариб қараб тураверсам? Ярмини бериб, қолганини олиб қолсам бўлмайдами? Бунда ҳам тўғри келмайди. Яхшиси, ҳаммасини олиб қолишим керак. Ишқилиб, омадим келсин-да...»

Абубакир ёнидаги олти отлиқ сабрсизлик билан ўзига қараётганлигини пайқаб, «вақт бўлгандир-ов» деди-да, уйноқлаб турган аргумоғига қамчи солди. Отлиқлар бир пасда шаҳарнинг ҳайбатли девори тагига етиб келдилар.

Отлиқлардан бири чангакли арқонни девор устига отди, лекин ҳадеганда илинавермади. Абубакир «ландовур» деб сўқинди-да, арқонни олиб, чангакни ўзи отди.

Сўнг пичоғини тишлаганча арқонга осилиб девор устига чиқди. Отларни пойлашга икки қароқчи қолди, бошқалари девор ошиб, мозорга қарашли вақф ер ҳисобланган чакалакзорга тушдилар.

Абубакир қайси кучалардан зиндонга бориш қулайлигини икки кун аввал келиб обдон ўрганиб кетгани учун, улар ҳеч қийналмасдан пастқам, хилват кўчалар билан йўлни давом эттирдилар.

Улар зиндон қаршисидаги мачит олдига етиб келганларида зиндонбоши турган ҳужрадан ёруғлик тушиб турар, икки соқчи эса найзаларига тиралганича мудрарди.

— Сен, Худойқул, Каримберган билан чапдагисини, Ортиқ, сен Шукур икковинг унғ тарафдагисини йўқотасанлар. Қани, тезроқ қимирланглар! Зиндонбон билан ўзим гаплашаман, — деди Абубакир совуқ илжайиб.

Худойқул билан Каримберган мушукдек эҳтиёткорлик билан зиндон девори олдига етиб бориб, сўнг соқчига яқинлашдилар.

Соқчи ҳомуза тортиб, атрофга гира-шира очиқ кўзлари билан назар ташлагандай бўлди-ю, яна найзасига суянди.

Худойқул аста яқинлашиб келиб, қўлини азот кўтардию, пичоқни соқчининг елкасига санчди. Навкар бир тўлганиб ерга йиқилди. Каримберган унинг қурол-аслаҳаларини ва янги кизил этигини ечиб олди.



Ўнг тарафдаги соқчига яқинлашаётган Ортиқ алланимага қоқилиб кетиб, мудраб турган соқчини уйғотиб юборди. Навкар дарҳол қиличини яланғочлаб, Ортиқнинг ўнг елкасига зарба берди. Бироқ орқасидан етиб келган Шукур унга пичоқ санчишга улғурди.

Иккала соқчи ҳам гумдон қилинганини кўрган Абубакир ҳужра олдига келиб, эшикни уч-турт маротаба тақиллатганди, аввал йутал эшитилди, сўнг эшик очилиб, зиндонбошининг япаски юзи кўринди.

— Э, келдингми? Соқчиларни нима қилдинг? — деб сўради у Абубакирдан.

— Улар омон, фақат қўл-оёқлари боғланиб, огизларига латта тиқилган.

— Қани бўлмаса 200 тиллони ол, инингни ҳозир бошлаб чиқаман.

— Отахон, ўзингиздан ўтар гап йўқ. Яна бир инимиз ҳам Самадбой ётган ерга тушиб қолибди. Шу инимиз Дилмуродни ҳам бирга олиб чиқсангиз. Рози қиламиз.

Абубакир 400 тилло солинган халтачани кўрсатиб силкитди. Зиндонбон кўзлари ўйнаб, қўлини узатганди, Абубакир халтачани қайта қўйнига яширди.

— Аввал олиб чиқинг иккисини, сўнг оласиз.

Зиндонбон калитларни шақиллатиб кириб кетиб, кўп ўтмай Самад билан Дилмуродни бошлаб чиқди.

— Азаматлар оёқларидаги кишанларни кесиб тайёр бўлиб турган эканлар. Қани энди, тиллани буёққа чўз.

Абубакир негадир, мулоҳаза қилаётгандек зиндонбон юзига тикилди.

Зиндонбоши Абубакирнинг кўзлари алланечук бўлакча совуқ чақнаб кетганини пайқаб, қўрқувга тушди.

— Берадиганингни бериб, тезроқ жўнаб қолсанг-чи? — дейиши билан кўксига ўткир ханжар санчилди.

Қонли пичоғини чопони барига артган Абубакир сесканиб кетган Дилмуродга ўтирилди:

— Қани, эски ҳамтовоқ, ҳамроҳ бўламиз. Лекин бу гал қочиб кутуламан деб ўйлама.

Абубакир шундай дейиши билан Шукур ва Каримберган Дилмуродга ташланиб, қўлини боғладилар.

— Гинг десанг — уласан. Товуш чиқазмай олдимга тушсанг ўзингга яхши.

Дилмурод қаршилиқ қилиш бефойда эканлигини сезиб қароқчиларга эргашди.

Абубакир Самадга қўргондаги воқеаларни қисқача айтиб берди.

— Хуш, Қилич Дилмуродни нима қилмоқчи? — сўради Самад.

— Нима қиларди, ё осади, ё отга боғлаб саҳрога қўйиб юборади-да.

— Биласанми, бу йигит биз ўйлаганча муттаҳам эмас экан, мен шунча кун бирга бўлиб синадим. Кўнгли пок. Жабр тортган. Иложи бўлса...

— Э, нима, қўйиб юбор демоқчимисан. Каллам ҳозирча елкамга керак!

Самад Абубакирга ўқрайди:

— Ҳаммаси ёнингга қолдими?

— Нимани айтяпсан?

— Муллажирингни айтяпман.

— Бировнинг ишига бурнингни суқмасанг-чи! Тагин Қиличга гапириб юрма.

— Анави йигитларинг кўрди-ку!

— Булар айтмайди. Манови Дилмурод огзидан гуллаб қўйма-са, бас!

Девор ортида турган қорамтир кўланка буларнинг шарпасини сезиши билан арқон ташлади, қароқчилар осилиб девор юқорисига чиқа бошладилар.

Ортиқнинг елкасидан қон оқаётгани учун Абубакир устидаги кийими астарини йиртиб олиб, ярани боғлаб қўйди.

Абубакир ниҳоятда хурсанд эди. Тилла ёнига қолди, энг зур ютуғи Дилмуродни қўлга туширди. Ҳали бу иши учун Қилич бирон нарса ҳадя қилиб қолса ажаб эмас...

## VI

— Қалай, яхши дам олиб чиққандирсан-а?

Қилич қоранинг Самадга айтган бу гапига уйда ўтирган қароқчилар кулишди. Самад ҳам бўш келмади:

— Жуда ҳам. Ҳозир шу ерда утирибман-у, оёғим яна уша ёққа тортаяпти. Ўрганиб қолган эканман.

Яна кулгу кутарилди.

Катта сопол лаганда «қулбола» ош келтирилди. Қилич қора олдида утирган Самад безовталаниб қолди.

— Айтмоқчи, меҳмон қаерда?

— Қанақа меҳмон? — сўради Абубакир таажжубланиб.

— Дилмурод.

— Ҳали у мишиқи менинг меҳмонимми? — деди газаб билан Қилич қора якка кўзини чақчайтириб. — Ҳозироқ бошини танидан жудо қиламан!

Самад пинак бузмади.

— Айт, мен сенинг содиқ дўстингманми ёки йўқми?!

— Бўлмаса-чи!

— Ундай бўлса, менинг сўзимга лоақал бир марта хўп дегин. Буни шундоқ ўлдириб юборганингдан ҳеч қандай наф чиқмайди. Бас, шундай экан, ундан фойдаланиб қолишни...

— Яшавор, калла деб сенинг каллангни айтса бўлади, — деб гапни бўлди Қилич қора.

— Кўрдингми, яхшиси уни ўз сафимизга қўшиб ол. Савдогарларга ҳужум қилиб гуноҳини ювсин.

— Ўйлаб кўрарман. Лекин ҳали Акбарни унутганимча йўқ, — деди Қилич қора мўйловини бураб.

Самад Дилмурод ҳақида ортиқ гаплашиш мумкин эмаслигини сезиб, узр сўради-да, ташқарига чиқди. Атроф қоронгу, совуқ шамол эсарди. Эти жунжиккан Самад баногоҳ отхона олдидаги жинчироқнинг хира шуъласида Зиёвуддин исмли қароқчи қилич билан ер чизиб утирганини кўрди.

Самад унинг ёнига яқинлашди.

— Қўриқлаб утирибсанми дейман?

— Шу дардисар бўлмаганда ҳозир мазза қилиб ухлаб ётган бўлардим, — деди жаҳл билан Зиёвуддин.

— Ичкаридами?

— Сомон устида чўзилиб ётибди.

— Қани, кирай-чи.

Самад жинчироқни олиб, отхонага кирди.

Қўл-оёқлари боглиқ Дилмурод ҳали ухламаган, хомуш ҳолда хаёл суриб утирарди.

— Сени чатоқ аҳволга солиб қўйишибди-ку!

Дилмурод бошини кўтарди ва қаршисида жинчироқ ушлаб турган Самадни кўриб, маъюсгина жилмайди:

— Бу ерда шундай кутиб олишаркан, илож қанча.

Самад кўзларини олиб қочди.

— Тамадди қилдингми?

— ...

Самад ташқарига чиқиб:

— Зиёвуддин, бир лаган ош олиб кел, шу ерда баҳам кўрайлик, — деди.

— Мумкинмас, — гапни калта қилди Зиёвуддин.

— Бор, олиб келавер, мен жавоб бераман.

Зиёвуддин ажабланиб турди-да, сўнг чиқиб кетиб, озгина вақт ўтгач, ош кутариб келди.

— Қани, энди бунинг қўлини ечиб қўй.

— Нима деяпсан? Мен ҳам Акбардек ўлиб кетайми?

«Демак, у бечорани ўлдириб юборишган экан-да», деб ўйлади Дилмурод.

— Сени қара-ю.

Самад ёнидаги пичоқни олиб, Дилмуроднинг қўл-оёғи богланган арқонни кесиб ташлади.

— Қани, ошга қарайлик.

Қилич қора ошни паққос тушириб бўлгандан сўнг Дилмуродни олиб келишларини буюрди. Самад Қилич қоранинг афтига қараб хавотирга тушди. Чунки у ҳадеб мўйловини бурарди. Бу эса газабланиш аломати.

Эшик очилиб, икки қароқчи Дилмуродни бошлаб келди.

Қилич қора таҳқиромуз тиржайди.

— Келдингми, содиқ қул? Ажалинг етганини англаётгандирсан.

Дилмурод бошини кўтарди.

— Қайдам. Ўлдиришингиз мумкин. Лекин очиги мен ҳеч кимнинг қули эмасман. Юнусбой хўжайиним эмас, балки душманимдир. У яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтариб, мени зиндонбанд этди.

— Ақлинг энди кирибди-да. Билиб қўй, оқ ит, қора ит — барибир ит. Лекин... гуноҳингни кечиришим мумкин. Фақат бир шарт билан.

Дилмурод Қилич қорага қизиқсиниб қаради.

— Қандай?

— Савдогарларга ҳужум қилиб гуноҳингни ювишинг керак.

— Бек ҳақ гапни гапирдилар, Дилмурод, — деди Самад жонланиб.

Атрофда утирганлар ҳам бу фикрни маъқулладилар.

— Менга қурол ва йигитлар берсангиз, бас, — деди Дилмурод бир оз уйланиб тургач.

Унинг қўлини ечиб, қасам ичирдилар.

— Биринчи овинг Олимбой карвони бўлади. Яқинда Хоразм томонга ўтади. Ҳозирча Самад сени бу атрофлар билан таништиради, — деди Қилич қора.

— Қуллуқ, бек.

Ҳовлида ивирсиб юрган қароқчилар Самад билан Дилмурод ичкаридан бирга чиқишганини кўриб, Қилич қора авф этганини тушундилар.

— Мана, ўз одамимиз бўлдинг. Лекин қочиб қолма. Қасам ичгансан. Мен кафил турдим. Сенинг кетганинг — менинг бошим кетгани, — деди Самад.

— Сўзим қатъий.

— Ишонаман. Юр-чи.

Икковлон сўқмоқ йўллар билан тоғ юқорисига чиқа бошладилар. Улар баланд кўтарилганлари сари ҳаво салқинлашиб борар, дарахтлар ўрнини эгаллаётган ўтлоқлар, харсанг тошлар охири қорли жойларга бориб туташарди.

Икковлон бир баланд тепаликка чиқиб, атрофга боқдилар. Ҳамма ёқ яққол кўзга ташланарди. Ёнлари дарахтзор билан бурканган қўргон ҳам кичкина бўлиб кўринарди. Атроф ям-яшил, пастда эса қизгиш қум. Чўққиларда қорлар музлаб ётибди. Саҳрода ўтлар сувсизликдан қақраб-қовжираган.

— Жуда ҳам гўзал жой эканми! — деб юборди Дилмурод.

— Мен эса бу ерда ҳеч қандай гўзалликни кўрмайман. Лекин биз барча йўлларни беш бармогимиздек билиб олишимиз керак.

Улар тоғ этагига тушишлари билан иссиқ ҳаво юзларига урилди. Карвон қаердан ўтишини, қайси томондан ҳужум бош-



лаш мақбуллигини Самад Дилмуродга кўрсатгандан сўнг ҳориб-  
чарчаб, кечга яқин қўргонга қайтиб келишди.

— Қани, олга! — деди Самад қиличини ялангочлаб.

Қароқчилар ҳайқирганича унинг ортидан от солдилар. Осмон ёришиб, кун энди илиб келаётган пайт бўлгани учунми Дилмурод ўзини енгил сезар, гўё қушдек учиб кетаётганга ўхшарди. Ўзи ҳам биринчи маротаба шундай қийқириқларни эшитиб, Қилич қорага йўлиққани ёдига тушди. Энди бўлса, мана ўзи қилич уйнатиб, қароқчилар билан ҳужумга кетяпти.

Олимбой қай аҳволга тушаётганикин ҳозир? У ҳам Юнусбойга ўхшаган бир ярамас-да. Бундайларга раҳм қилишнинг ҳожати йўқ. Лекин қарвонда камбағал хизматкорлар ҳам бор-ку? Уларда нима айб, уларни тирик қолдириш керак.

Қарвон яққол кўринди. Эликдан ортиқ туядан иборат бўлган катта қарвон юришдан тўхтаган, қуролланган қуриқчилари бир ерга гуж бўлиб олганларича пойлоқчилик қилиб, турардилар.

Қароқчилар яқинлашиши билан Олимбой саҳро ичкарисига от қўйиб қочиб қолди, қуриқчилар ҳам ўз жонларини сақлаб қолиш мақсадида ҳар ёққа тузиб қоча бошладилар. Қароқчилар уларнинг ортидан қувиб, баъзиларига етиб олган бўлсаларда, беш-олти нафари Олимбой изидан қутулиб қолишга улгурди.

Туяларга қаровчи хизматкорлар, сарбон бир чеккага чиқиб турар эдилар. Улар юзида қўрқув акс этар, ҳар дақиқада ўлимини кутардилар. Қароқчилардан бири булар олдига келиб, қиличини шайлаган эди, Дилмурод унинг йўлини тўсди.

— Тўхта, нима қилмоқчисан ўзи? Булар ахир бечораҳол одамлар-ку.

— Буларга туя берилиб, қўйиб юборилсин, — дея фармон берди Самад жанжалнинг олдини олиб.

Хизматкорлар омон қолганларига ишониб-ишонмай, қайта-қайта дуо қилишиб, кўрганларини ҳеч кимга айтмасликка қасам ичардилар. Улардан бири Дилмурод олдига келиб, ўзларига қўшиб олишни илтимос қилди, акс ҳолда хўжайини қаттиқ жазолашини айтди. Самад, бўлади, деган ишорани қилгач, у йигит ўзини Ҳасан деб таништирди. Шундан сўнг қўлга тушган туяларни бир ерга тўплаб, тоғ томонга йўлга тушдилар.

— Янги келган Ҳасанга узинг кафил, — деди Қилич қора Дилмуродни ўз ёнига чақириб олиб.

Дилмурод кўнглидаги саволни ўртага ташлади.

— Қачон узим бош бўлиб овга чиқаман?

— Яқин орада. Лекин йигитларни эҳтиёт қилишни унутма.

Дилмурод маъқул ишорасини қилиб, ҳовлига чиқди. Ҳасан беш-олти қароқчига ўз ҳаётини гапириб бераётган эди. У Дилмуродни кўриши билан гапни тухтатиб, унинг ёнига келди. Ҳасан эндигина йигирмаларга кирган, ориққина, лекин ҳаракатлари чаққон йигит эди.

— Қоладиган бўлдинг Ҳасан, бироқ бу йул сени яхшиликка етакламас-ов, — деди Дилмурод.

Ҳасан нима дейишини билмай, бошини қуйи эгди.

Биринчи карвонга ҳужум қилгандан сунг Дилмурод яна тўрт катта-кичик карвонни талаб, каттагина бойликларни Қилич қорага олиб келгач, анча мавқега эга бўлиб қолди.

Лекин, кунлар ўтиши билан Дилмурод бундай ҳаётнинг охири вой бўлишини англади. Кечалари тушига кўлидаги қиличи дамидан нобуд бўлган кишилар кирар, шунда чўчиб уйғониб кетиб, қайта мижжа қоқмасди. Хаёлига тез-тез Ойсулув келадиган бўлди. «Агар Ойсулувни ўғирласам, бу Юнусбойга ҳар қандай жазодан ҳам яхши таъсир этса керак», деб ўйлай бошлади у.

— Шаҳарга чиқиб тушсам бўладими? — деб суради бир кун Дилмурод Қилич қорадан.

— Шаҳарда нима бор?

— Бек, сиз ҳам бирор қизни севгандирсиз?

— Менми? Омон бўлсанг мавриди келганда гапириб берарман, — деди-ю Қилич қора ўйга толди. Сунг: — Хуш, ўзи кимнинг қизи? — деб суради.

— Қўлингиздан қутулиб кетган Юнусбой савдогарнинг қизи.

— Э, шунинг учун ушанда ҳимоя қилган экансан-да. Яхши, сенга рухсат бераман. Бойдан ўчингни ол, лекин эҳтиёт бўл, қўлга тушиб қолма, ўзингга маъқул йигитлардан бештасини танлаб ол. Навкарлар кийимини кийиб боринглар. Шубҳадан холироқ бўласиз.

— Ташаккур, бек, — деди Дилмурод қувониб.

«Умуман, қизикқон йигит экан», деб уйлади Қилич қора унинг кетидан.

Дилмурод Қилич қоранинг олдидан чиққач, Ҳасанни ёнига чақирди.

— Ҳасан, иш беш! Ҳалиги чақириб берадиган хотинга ишонса бўладими? Яна зарбага учраб қолмайлик?

— Унга ишонса бўлади. Бунақа ишларнинг пири. Пул деса ўзини томдан ташлайдиганлардан. Бизни кўча огзидаги бақатерак тагида пойлаб туради. Агар кўча ичига юрса, демак, ишимиз беш. Юрмаса, орқага қайтишимизга тўғри келади.

— Бўпти, қани бўлмаса йигитларни чақириб кел.

## VII

— Ойсулув, намунча ҳаяллаб қолдинг?

Жавоб бўлавермагач, бошига паранжи ташлаб олган Ҳошиябиби эшикни очиб, ташқарига қаради.

— Ҳошиябиби, қизингизни отликлар олиб қочибди. Суннатбойим ҳозир кириб айтди, — деди югуриб чиққан қўшни аёл.

— Вой ўлмасам!

Ҳошиябиби кўнгли озиб, ерга йиқилиб тушди. Бу орада болаларидан воқеани эшитган бошқа қўшнилар ҳам биринкетин чопиб келдилар.

Ҳошиябибини суяб уйга олиб кирдилар-да, айвондаги кўрпачалардан бирига ётқизиб, пешонасига ҳўл рўмол қўйишди.

— Жаъфар, қайдасан, бу ёққа чиқ, — деб шангилади маҳаллада огзи «очиқ»лиги билан ном қозонган аёл.

Ҳовли этагидаги кулбасидан Жаъфарали чиқди. Ҳозир уйқудан тургани учун бир дам каловланиб қолди.

— Ҳўй, меров чол! Нера анқайиб турибсан? Ойсулувни олиб қочишибди. Зудликда Юнусбойга хабар бер.

Жаъфарали ҳайронлик билан бир оз мулоҳаза қилиб турди-ю, кейин «э» деганча йўлак томон шошди.

Мачитдан чиқиб бозор бошига етган Юнусбой ўзи томон келаётган Жаъфаралини кўрди. Бойнинг кўнгли бир нимани сезгандай орзиқиб кетди.



Тез юрганидан ҳарсиллаб қолган Жаъфарали узоқданоқ:  
— Бахтсизлик рӯй берди. Пошшо Ойсулувни олиб қочи-  
шибди! — деди.

Юнусбой аввал ҳайрон бўлиб туриб қолди, сўнг газабдан бақирди:

— Нима дединг, ярамас!? Сен қаерда эдинг? Ким олиб қочибди?!

Бой олдига етиб келган Жаъфаралини елкасидан ушлаб, ўзига тортди.

— Аллақандай отлиқлар эмиш, бой ота. Бошим оғриб ёт-  
ган эдим.

— Мана сенга бош оғриғи, аблаҳ, — деди-ю бой хизмат-  
корини қаттиқ силтаб юборди. Жаъфарали «их» деганча йи-  
қилди.

Юнусбой биринчи галда мингбошидан ёрдам сўраш фик-  
рига бордию, унинг уйи томон югуриб кетаркан, кулолчилар  
кўчаси оғзига келганда эски паранжи ёпинган кампирга ури-  
либ, уни йиқитиб юборди. Кампир Юнусбойни йигламсираб  
қаргаб қолди.

Бўлак пайт бундай ҳақоратни эшитиб индамай ўтиб кет-  
майдиган бой кампирга эътибор ҳам бермай, югуришда давом  
этди.

«Қизинг уйнаши билан қочгандир, деб, мингбоши ёрдам  
беришдан воз кечса-я, — деб ўйлаб қолди тўсатдан бой. — Рост-  
дан ҳам жувонмарг Ойсулув бирор йигит билан қочиб кетди-  
микан. Бутун шаҳарга овоза бўлиб кетса, у эмас, мен шарман-  
да бўламан-ку. Савдогар аҳли орасида қандай қилиб бош кўта-  
риб юраман?...»

Эшик олдида қоровуллиқ қилаётган сарбоз ҳар доим шош-  
май, кеккайиб келадиган бойнинг ҳансираганча югуриб кела-  
ётганини кўриб ҳайрон қолди.

— Тақсирим шу ердаларми? — сўради ҳовлиқиб бой нав-  
карнинг саломига алик ҳам олмай.

— Шу ердалар, тақсир.

Бой чанг қоплаган уст-бошини қоққан бўлиб, ташқи ҳов-  
лига кирди.

Ишком тагига солинган супада нотаниш, кўсанамо киши  
билан чақ-чақлашиб ўтирган мингбоши бойнинг кўзларини



аланг-жаланг ҳолда кўриб бирор фалокат юз берганини сезиб, супадан тушиб, унинг олдига келди.

— Нима гап?

— Хонага кирайлик, ўша ерда айтаман, — деди Юнусбой ўзлари томон қараб турган кишига имо қилиб.

Қулмуҳаммадхон Юнусбойни арзчиларни қабул қиладиган хонасига бошлаб кирди.

— Фалокат юз берди, қизим Ойсулувни олиб қочишди.

Мингбоши чўғ устига ўтириб олгандек бир сакраб тушди.

— Нима? Нима дедингиз?

— Қандайдир отликлар олиб қочишибди. Тақсирим, улар шаҳардан чиқиб улгурмасларидан бурун ушлашга буйруқ беринг.

— Куппа-кундуз куни-я, — дея тўнғиллаган мингбоши эшикни очиб чақирди. — Холмат, ҳув Холмат.

Паст бўйли, туладан келган Холмат «лаббай, тақсир» деганча хонага бир зумда кириб келди-да, буйруқ кутиб жим қотди.

— Шаҳарнинг барча дарвозалари бекитилсин! Ўғрилар ора-лабди. Улар Юнусбойнинг қизини ўғирлашган. Қаердан бўлса ҳам топиб кел. Ҳар бир куча, ҳар бир хонадонни қараб чиқ. Бор тез!

«Худога шукр, қизим топиладиган бўлди», — деди ичида енгил нафас олган бой.

— Зап чаққон йигит-да. Олиб кел десанг, бошини олиб келадиганлардан, — деди мингбоши Холматнинг орқасидан қараб қоларкан. — Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келади. Лекин мен сизга айтсам яхши иш бўлмади. Шу баҳордаёқ туйни қилавериш керак эди. Йўқ, кузда, мева-чева пишигида дедингиз. Мана, сизга мева пишиги. Пишган мевани узиб қочишибди.

«Агар қўлимдан чиқиб кетган бўлса... сенинг терингни шилиб оламан, — дея ўйлади мингбоши бойга зимдан тикиларкан. — Шошма-шошма, агар қиз топилганда ҳам қора халқ, қолаверса уламолар мингбоши қандайдир бир ўғирланган қизни хотинликка олибди, деган маломатга қўймасмикан...»

— Мен қаердан билай, тақсир. Ўлимдан хабарим бор, лекин бундай бўлишидан хабарим йўқ эди. Э худо, наҳотки якаяю ягона қизимдан ажралган бўлсам!

Шу пайт эшиб очилиб, Дилмуродни қўлдан чиқазиб юборган мирза ранги ўчган ҳолда кириб қолди.

Мингбоши билан Юнусбой ялт этиб унга қарадилар.

— Нега бу ёқда юрибсан? — суради қовоғини солиб мингбоши.

— Мени кечирсинлар, ёмон хабар олиб келдим. Ҳозиргина мен турган дарвозадан олти қароқчи чиқиб кетди. Улардан бири аёл кишини чодирга ураб олганди. Қандай қилиб қўйиб юборганимни билмай қолдим. Улар навқарлар кийимида эдилар.

— Аҳмоқ! Ярамас! Нега дарҳол сарбозларга тутишга буюрмадинг?

— Қувиб етиша олишмади.

— Ҳали, шошмай тур зиндонда чиритаман, сени! Салим!

Мирзанинг гапини эшитган Юнусбой суяк тикилиб қолгандек ўтирган жойида тахта бўлиб қолди.

Қинсиз қилични ёнига тақиб олган дарвоз Салим ўқдай отилиб хонага кирди.

— Мановига йигирма беш таёқ уриб, зиндонга ташла.

— Гуноҳимдан ўтинг, бегим. Раҳматли отамнинг ҳурмати-ни қилинг, ёлвораман.

Мирза мингбошининг оёқларига йиқилди.

— Бас! Ўша қизни ўнгариб олган отлиқнинг қиёфаси эсингдами?

— Қиёфасими... ёши йигирма бешларга борган, қорачадан келган. Кенг елкали йигит эди. Негадир, бошига кўк салла ўраб олган.

— Дилмурод, ҳа, бу Дилмурод, — деб юборди Юнусбой тилга кириб.

Бой боя олдидан ўтган отлиқ ким эканлигини ниҳоят эслади. Нега ўшанда танимади-я? Ўша заҳоти навқарларга туттирган бўлмасмиди. Ё кўк салла билан навқар кийимини кийиб олгани учун чалғидими?

Дилмурод номини эшитиши билан мингбошининг пешонаси тиришди. Ҳали у зиндонда бўлган воқеани унутганича йўқ эди.

Тагин Дилмурод. Бу ўзи ким?

Мирзанинг гуноҳини отаси ҳурмати учун кечганини айтиб ўз жойига қайтишни буюриши билан у таъзим қилиб, лип этиб Салим кетидан чиқиб кетди.

Мингбоши уйланиб қолди.

— Ойсулувни қаерга олиб қочган бўлиши мумкин?

— У шундай чапдаст уғри эканки, Қилич қора билан ҳам алоқа қилишига шубҳам йўқ. Ҳа, у қароқчи экан-у, биз пайқамай ўз хизматимизга олаверибмиз.

— Ўҳ-ҳў, шундай денг. Бир фикр келди миямга ҳозир. Бир ҳамла билан иккисиниям қўлга туширишимиз мумкин. Ҳам қизингиз қутқарилади. Хон ҳам у бу қароқчининг калласи учун катта мукофот тайин этган эдилар.

— Лекин қандай қилиб уларнинг манзилига етиб бора olasиз? Қайси тоғу тошда яшириниб ётганини билмайсиз-ку?

— Сиз бошлаб борасиз.

— Мен?

— Ҳа.

— Қилич қора олди-я? Э... йўқ, бўлмайди.

— Қурқоқлик қилманг. Сиз қандай отасиз? Ўз қизингизни қутқаришдан бўйин товлайсизми? Шахсан мен ўзим кўп сонли навкарларим билан бориб иккисиниям қўлга тушираман.

Бой мингиллаб қолди.

— Хўп, розиман. Лекин ҳалигидай... нима десам экан...

Мингбоши илжайди.

— У томонидан хавотир олманг, бой ота. Худо хоҳласа қуруқ қолмайсиз.

Бой ялтоқланиб илжайди.

«Вой аблаҳ-е, шу ердан ҳам фойда чиқазишни ўйлайди-я», деб хаёлидан ўтказди мингбоши бой билан хайрлашаркан.

Юнусбой кўчага чиқди-ю, қадамини тезлаштирди.

Қуёш ботиб, кўчаларга қоронғулик тушаётган палла эди. Одатда, бундай маҳаллар кўчалар бир зум серқатнов бўлади-ю, сўнг яна ҳувилаб қолади. Фақат баъзи ёш-яланглар елкаларига қийиқчани ташлаб олганларича, чойхоналарга кириб бедана уриштирадилар ёки аския айтишиб, қаҳ-қаҳдашади.

Мачитлар мезанасига чиқиб азон айтаётган суфиларнинг овозлари алақандай мунгли эшитиларди.

Бир гала итлар жин кўчаларнинг биридан чиқиб қолиб, Юнусбойнинг бесаранжом юрагини кинидан чиқазиб юборай деди. Йўқ, ҳайтовур итлар унга қарамай югурганларича ўтиб кетдилар.

— Туф-туф. Ҳе, ҳаромилар, — деди бой беихтиёр сукиниб. Йўлда келаркан, «фалокат босиб уша тоғларда улиб кетсам-а», деган совуқ фикр бойнинг хаёлидан кетмай қолди.

Бой ҳовлисига кириши билан қўшни хотинлар юзларига чачвонларини ташлаб чиқиб кетдилар.

— Ҳай, дадаси, қандай кунларга қодик-а, — дея зорланди ранги оқариб кетган, йиллар бўйи хаста булиб ётган кишидек бутунлай ҳолсизланиб қолган Ҳошиябиби.

— Дард бўлди, бало бўлди! Сен эси пастга неча маротаба айтган эдим, авлиё келса ҳам эшикни Ойсулув очмасин деб. Мана, қизингдан ҳам жудо бўлдинг! Жаъфаралидан бу хабарни эшитдим, эсим оғиб қолди. Қандай қилиб мингбоши олдига борганимни ҳам билмай қолдим. Биласанми қизимизни ким олиб қочибди!

— Уҳ, айта қолсангиз-чи, юрагим ёрилиб кетай деяпти.

— Нон кўр қилгур хизматкоримиз Дилмурод олиб қочибди! Лаънати Жаъфарали шуни билиб атайлаб касалман, деб ётиб олган. Ҳали бу мияси айнаган чолни уйдан ҳайдамасамми!

«Нима бўлганда ҳам Дилмурод Ойсулувга ёмонликни раво қўрмас. Шу бечорани зиндонга ташлатган эди, худога шукр, қочиб қутулибди», деб уйлади Ҳошиябиби Дилмурод номини эшитиб кўнгли бир оз жойига тушаркан.

— Биласанми, мингбоши нимани уйлабди. Мени ўзига йўл бошловчи қилиб, тоққа чиқиб қароқчиларни тугатмоқчи. Ойсулувни қутқазиб олмоқчи. Хотин, дуо қил, қайтгач, қизингга уйланади.

«Олмай ўлсин. Қизим шунга теккандан кўра ўша Дилмурод билан бирга бўлгани маъқул», деди ичида Ҳошиябиби.

— Нима бало, оғзингга талқон солдингми? Нега хаёл сурасан. Гапимни эшитмаяпсанми, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз оча кўрма.

— Хўп, дадаси, хўп...

## VIII

Кун эрталабдан бошлаб одатдагидан ташқари исиди.

Шаҳарда ўзгача манзара пайдо бўлди, бу ҳам бўлса, эрта тонгдан найза, қилич, ойболта ва қалқонлар билан қуролла-



ниб олган кўп сонли сарбозларнинг от чоптириб юришлари эди.

Бозор-учарга келаётган йўловчилар бу аҳволни кўриб «Нима бало, жангу жадал бошланиб қолдими?» деб тахмин қилардилар.

Йил бўйи қилган меҳнатлари эвазига битган ҳосилни сотиб бўлиб қишлоқларига қайтмоқчи бўлган деҳқонлар шаҳар дарвозалари олдида келганларида ёпиқ дарвозаларни кўриб, таажжублари янада ортди.

Шаҳарнинг олти дарвозаси олди тезда одамлар билан тўлиб, қўқон араваларнинг тақир-туқири, туяларнинг пишқириши, эшакларнинг ҳанграши кишиларнинг шовқин-суронига «жўр» бўларди.

Ҳамманинг оғзида бир гап: «Нима учун шаҳар дарвозалари тақа-тақ ёпилган?» Ҳар ким узида тахмин қилади. Шаҳар ташқарисидагилар ичкарига киролмай хуноблари ошарди. Деҳқонлар «Мева-чеваларимизни қаерда сотамиз? Нобуд бўлади-ку», десалар, олислардан карвон билан келган савдогарлар соқчиларга ялиниб-ёлворардилар. Лекин девор устида турган жиддий қиёфали соқчилар, оғзиларига мум солгандай, миқ этмай дам шаҳар ичида бўлаётган олаговурни кузатади, дам ташқаридагисини.

Ташқаридагилар «Шаҳарда вабо тарқалган бўлса керак» десалар, ичкаридагилар «Уруш бошланганмиш» дейдилар.

Хуллас, гапларнинг бари бир-бирига зид эди.

Шаҳарнинг бош майдонида ногоралар тарақлагач, кишилар юрагида гулгула ўйнатиб, отларини елдириб юрган сарбозлар бир сафга тизилдилар. Қўрғондан мингбоши ва унинг мулозимлари учқур туркман отларига миниб, қўшин олдида чиққач, шимолий дарвоза томон йўл олдилар.

Юзбошилар ёнида Юнусбой виқор билан от миниб кетаётган бўлса-да, унинг юз-кўзларида қўрқув учқунлаётганини пайқаш қийин эмасди.

Шаҳар аҳли мингбоши ва унинг сарбозларини ҳайрат ичида кузатиб қолди.

— Ия, булар орасида Юнусбой нима қилиб юрибди?

— Э, шуни ҳам билмайсизми? Ахир қўлга тушган молларни бирон савдогар сотиб олиши керак-ку?

— Бой қизини қидириш ўрнига бу ёқда юрибди. Тавба, ота деган ҳам шундай бўладими?

— Қизи севган йигити билан қочиб кетганлиги...

Бутун йўл давомида ўз шаънига айтилган бундай «илиқ» гаплардан бойнинг қулоқлари қоматга келди.

Лекин начора, оғиз очиб бўлмаса. Ишнинг бундай кетишидан эса Қулмуҳаммадхоннинг кўзлари ёниб кетди. Демак, халқ булар жангга кетаяпти деб ўйламоқда. Худди шу нарса керак эди унга: «Агар шаҳарда Қилич қоранинг айғоқчиси бўлса ҳам найрангни пайқамайди. Пайқаганда ҳам қаноти бўлмаса, шаҳардан чиқиб кета олмайди», деб ўйлади мингбоши.

Қўшин дарвоза олдига етиб келгач, соқчилар оломонни икки томонга сиқиб йўл очдилару, охирги навкар чиқиб кетиши билан, ҳар қанча бақирӣқ-чақирӣқларга қарамай, темир қопланган дарвозани қайта ёпдилар.

Аввалига қўшин жадаллик билан Хива карвон йўлидан юрди, сўнг ўз йўналишини ўзгартириб, узоқда қорайиб ястаниб ётган тоғ этаклари томон бурилди.

Тақир ерлар отлар туғидан ларзага келиб дупирлайди. Турна қатор бўлиб чизилиб кетган навкарларнинг найза, ойболталари қуёш нурида товланиб, узоқдан қараган одамга худди пўлат қалъа силжиб кетаётгандек кўринади. Қуёш тикка келганда қўшин тезкорлик билан юриб тоғ этақларига етиб келди. Отни бундай йўрттириб юришга ўрганмаган бойнинг нафаси оғзига тикилди. Дам-бадам «их» ёки «ух» дея бериб мингбошининг гашини келтираётганини пайқамай, қандай қилиб, қаерда таланган ва қароқчилар қайси йўллар билан мана шу тоғ этагига олиб келганларини кўрсатиб, гапириб кетди.

— Шу ерлар эканлигига аминмисиз? — сўради мингбоши норози оҳангда, атрофдаги ҳаёт нишонаси кўринмаган тоғу тошларга шубҳаланиб қараркан.

— Бу кўзлар йўлда юравериб пишиб кетган. Худди шу ерлар. Ҳув анави ердан юқорига чиқиб кетгандек, — деди бой ишонч билан ўнг тарафдаги тоққа ўрмалаб кетган сўқмоқни кўрсатиб.

Мингбоши кўтарилишга буйруқ бергач, ҳар бир ўнбоши ўзига қарашли сарбоз билан тепага ўрмалаб чиқиб кетмоққа уринди, лекин харсанг тошлар, азим дарахтлар ҳалақит берар эди. Сарбозлар кўргонни тезроқ забт этиб, Қилич қоранинг бойикларини талаш орзусида эдилар. Мингбоши бунга бир

шарт билан рухсат берган, биронта қароқчи ҳам омон қутулиб кетмасин!

«Қилич қорани қўлга туширсам олий ҳазрат юқорироқ мансабни бериши ҳеч гап эмас. Бунинг устига ҳар бир савдогар минг тилладан берганда ҳам беш-олти хум тилла тупланади. Ҳозир қанча мол қўлимга тушади. Эҳ-е», деб ўйлади мингбоши завқ билан юқориларкан.

Бутун, албатта, қўлга тушади бу Қилич қора деганлари!

Лекин қўргон деворлари кўринавермади. Умуман яқин атрофда ҳаёт нишонаси, лоақал бирон қаққайиб турган чордевор ҳам куринавермагач, мингбошини шубҳа ўз исканжасига олди.

«Эҳтимол бу бой бизни бутунлай бўлак, қуруқ ерга бошлаб келаётгандир. Ҳа, ҳа шунинг учун бўлса керак, ўзи ҳам борган сайин қўрқувга тушмоқда. Балки журттага бизни тоғ оралигига олиб кириб, Қилич қорага ем қилмоқчидир», деб ўйлади Қулмуҳаммадхон асабийлашиб.

Юнусбой мингбошининг тез-тез ишончсизлик билан қараётганини сезгач, кўзларини қаерга яширишни билмай қолди. Наҳотки йўлдан адашган бўлса?

— Бизни қаерга бошлаб келаяпсиз? Қани қўргон? — деб сўради мингбоши бирдан зарда билан отини таққа тўхтатиб.

— Яна озроқ юрайлик, нақ олдидан чиқамиз. Чамамда, хув анави тепалик кўриняпти-ку, шунинг орқасида бўлса керак-ов.

— Агар шу тепаликка етганимиздан сўнг ҳам қўргон кўринмаса, аскарларга орқага қайтишни буюраман. Сизни эса шаҳарда сазойи этиб, мол-мулкингизни мусодара қилдираман, уқдингизми?

— Тақсир, минбаъд ёмон хаёлларга бормасинлар. Иншоолло тезда қўргонга етурмиз, — деди ранги оқариб, оғзи қуруқшаб қолган Юнусбой.

— Валдирашни бас қилиб, олдинда кетаётган кузатувчи соқчилар олдига етиб олинг.

— Ҳозир, ҳозир.

Юнусбой юзбошилар олдида иззат нафси ерга урилгандан хафа бўлганча, мингбоши олдидан узоқлашди.

Ниҳоят узоқдан қорайиб турган қўргон девори кўриниб қолгач, сарбозлар отларини янада жадаллатдилар...

Дарахт тепасига яхшилаб урнашиб олган Ҳаким қароқчи теварак-атрофни кузатаётиб, ногоҳ ўзлари томонга бостириб келаётган сарбозларни кўриб қолдию, билинтирмай дарахтдан тушиб отга минди-да, елдак учиб қургонга етиб келгач:

— Ёвлар! — деб ҳайқирди.

Ҳолбуки, қургонда жон асари йўқдек эди...

## IX

— Саломат қайтдингларми, йигитлар! Уҳ-хў, Дилмурод, овинг дуруст-ку, — деди қургонда етакчи бўлиб қолган Абубакир узун таёқ билан гулханни титкиларкан.

— Қаттиқ кўрқиб, ҳушидан кетибди. Табиб шу ердамикан? Чорланг, хонага кирсин.

Дилмурод шундай дея отхона томон бурилди, қолган беш суворий отларини огилхонага боглаб, гулхан атрофига жойлашдилар.

Ҳасан Дилмуроднинг имоси билан югуриб келди-да, от тизгинини ушлади. Дилмурод Ойсулувни даст кўтариб, кенг хонага олиб кирди-да тушакларнинг бирига ётқизди. Куп утмай, соқоли куксига тушган қария ҳар хил доривор кукатлар солинган халтасини кўтариб кириб келди.

— Бўтам, қаеринг огрияпти?

— Мен согман, мановига қаранг.

Табиб чол аёл кишини, тагин ёшгина, чиройли бир қизни кўриб, калавасининг учини йўқотиб қўйгандек, ажабланиб қараб турган, ранги бўзариб, лаблари бир оз қимтилган Ойсулув ёнига чўккалаб утириб, юзига тикилди. Кейин халтасини узоқ титкилаб, ялпиз ҳидини берувчи суюқлик солиб қўйилган шишачани олди-да, кукатлардан бирига сепиб, Ойсулувнинг бурнига яқишлангирди, қизнинг нафас олиши тезлашгандай бўлди.

— Бўтам, бугун эртага ўзига келиб қолади. Ҳозир ухлаб, ором олсин.

Дилмурод пиликнинг хира ёруғида Ойсулувга бир муддат қараб, букчайиб қолган табиб кетидан ташқарига чиқаркан, Ҳасанга хонани кўриқлаб туришни, бирон гап бўлса чақиришни сўраб, гулхан олдига келди.



— Қани гапир, қандай қилиб қўлга туширдинг? — сўради қизиқиб Абубакир.

— Нимани гапираман? Мана, йигитлар айтиб бергандир.

— Ҳа, мунча? Хурсанд бўлиш ўрнига қовоғинг осилиб кетяпти. Туй қачон бўлади, шундан гапир.

— Қуйсанг-чи. Ток сувидан олиб кел. Бугун бир йигитларни хурсанд қилай, — деди Дилмурод ўзидаги нохушликни тарқатиш учун.

Куз эмасми, этни жунжиктирадиган «гир-гир» шамол эсарди. Юлдузларга тўла осмоннинг гарбий чеккасида бир митти юлдуз ялт-ялт этиб кўринди-ю, ўчди.

«Бизнинг юлдузимиз ҳув анови ёрқин Зухро юлдузидек порлай беради. Наҳотки орзуимга етсам, наҳотки менга ҳам бахт кулиб боққан бўлса. Ё буларнинг ҳаммаси ширин тушмикан», деб ўйларди ичи бироз қизиган Дилмурод.

Абубакир Қилич қора хонасига кирганда у Дилмурод билан суҳбатлашиб утирарди.

Қилич қора мўйловини бураб илжайди.

— Бунақа жойда ўлаётган одам ҳам оёққа туриб кетади. Туйни катта қиламиз-да энди.

— Қандай буларкан, — унгайсизланиб деди Дилмурод.

— Зур бўлади!

— Тўғри.

Абубакир салом-алиқдан сўнг хонтахта олдига чўккалади-да, Дилмурод узатган пиёлани қўлига олиб, икки ҳўплаб бўшатгач, сўз қотди:

— Катта бир ўлжа ҳидини сезиб қолдим. Яқин кунда бизнинг йўлдан хирож ортилган карвон ўтади.

— Чинданми?

— Чиндан, ҳўжам. Фақат қўриқчилариям ўзига мос чиқар...

— Карвонга яраша олишамиз-да! Бўпти, йигитларга айт, тайёр бўлиб туришсин. Отлар дам олдирилсин. Ҳеч қаерга чиқилмасин. Уқдингми, Абубакир?

— Мен ҳам бораманми? — деб сўради, Дилмурод.

— Йўқ, сен шу ерда қоласан. Ёринг ёлғиз қолмасин ишқилиб, учиб кетиши мумин.

— Бир гап айтмоқчи эдим, — деди-ю, уйланиб қолди Дилмурод.

Қиличнинг йигитига айланган куни қанчалик узоқлашиб борса, шунчалик бундай ҳаётга — қашқирлардек чўлма-чўл, тоғма-тоғ юришга кўникиб кетолмаслигини равшанроқ сезмоқда эди. Лекин буни Қилич қорага қандай қилиб тушунтирса экан? Ишинг битиб эшагинг лойдан ўтдими демайдими? Бироқ нима бўлганда ҳам дардини айтиши керак.

— Қулоғим сенда, гапиравер.

Дилмурод ерга қаради.

— Қўлларим кетмонни соғинди...

— Гап бу ёқда дегин. Бу ерлар сенга ёқмай қолибди шекилли?

— Йўқ, аксинча, мурувватингиздан баҳраманд бўлиб, шу кунгача тўқ-омон яшаб келдим. Лекин кишининг фақат усти-боши бут-у, қорни тўқ бўлиши билан иш битмас экан.

— Очигини айтсам, сендан бундай гапни кутмаган эдим. Афсусланиб қолмасанг бўлгани. Кетмон билан кун кўриш осон эмас. Майли, сафардан қайтиб келганимдан сўнг обдон ўйлаб жавоб қайтарарман. Ҳозирча Самад бошлиқ ўттиз йигитни шу ерда қолдираман. Қўргонга ҳушёр бўл.

— Қўргонга одамку одам, қушни ҳам киритмасликка ҳаракат қиламиз, — деди Дилмурод Қилич қора юзига тик қарамай...

Тўрт кун бўлаптики, Қилич қорадан ҳамон дарак йўқ. Бу кунлар қўргонда қолганлар бекорчиликдан зерикиб ўрмон ичкарисига, довонга бориб у-бу ҳайвонларни овлаб келардилар.

Оғир шароитда яшаётган Ойсулув аввалига даҳшатга тушган бўлса, Дилмуродни кургач, сал ўзига келиб, бир оз хотиржам тортди.

Лекин ҳар гал Дилмурод гуноҳкорларча бошини эгиб, бирор-бир егулик олиб кирганда, қиз юзини яшириб миқ этмай ўтираверарди. Хафа ҳам бўлмасинми? Сўрамай-нетмай ота-онасидан айириб, қандайдир жойга олиб келди. Онажониси ҳозир, Ойсулув қизим қайда қолди, деб бўзлаб ётгандир...

Ойсулув шуларни ўйласа, гапиргиси ҳам келмасди. Аммо, шу алпозда чурқ этмай ўтира берсам жаҳди чиқиб ташлаб кетса-я, деган фикрдан қўрқувга тушиб, энди гап қотса, албатта гаплашаман деб, аҳд қилиб ҳам қўярди.

Мана, ҳозир ҳам Дилмурод эшикни очиб, кириб келди-да, ҳол-аҳвол сўради. Ойсулув ортиқ чидолмай, кўнглида йиғилиб юрган гина-кудратини тўкиб солди:

— Айтинг мен бечорани қай гўрларга олиб келдингиз? Шўрлик аямнинг аҳволи не кечдийкин? Утинаман, тезда уйимга элтиб қўйинг. Қафасга солинган қушдекман, тутқунлик жонимга тегди.

Қизнинг ёноқлари узра думалаб тушган ёш томчилари уни гапдан тўхтаб, юзини яширишга мажбур қилди.

— Хайрият, гапирадиган кўнингиз ҳам бор экан-а. Юрагим қон бўлиб кетай деди-я, оғзингизни пойлайвериб. Тушунсангиз-чи, Ойсулув, мен ўзим кейин... ойим Ҳошиябибига хабар қилиб, кўнглини тинчитаман. Сизни бу тоғ-тошга олиб келганим сабаби... ўзингиз ҳам биласиз. Наҳотки ўша... мингбошига узатишларига рози бўлсангиз.

— Вой ўлмасам, ростми?

— Ҳали хабардор эмасмисиз?

— Аям бу тўғрида бирон маротаба оғиз очмаган эдилар. Лекин турқи совуқ мингбоши уйимизга тез-тез келиб тургувчи эди. — Ойсулув куз ёшларини артиб, хиёл жилмайганча Дилмуродга утирилди. Юзлари қизариб кетди. Ажабланиб сўради: — Бу одамлар кимлар? Сизни зиндондан ҳойнаҳой шулар қутқазган бўлса керак. Ўша куни, сизни олиб кетишгаётганда, бирам қўрқдимки, асти қўяверасиз... Энди... сизни кўра олмайманми деб ўйловдим...

«Ўзим орзиқиб кутган сўзлар-ку булар», деб уйлади Дилмурод сўнгги жумлани эшитиб.

— Мени зиндондан қутқазган ҳам, сизни бу ерга олиб келишга ёрдам берганлар ҳам — шулар. Лекин буларнинг мақсади, йўли булак. Ишонинг, мен бу йўлдан кетмайман, чунки бу йўлга ўз ихтиёрим билан кирган эмасман. Хотиржам бўлинг, биз тез кўнларда биргаликда тинчроқ ерга кетамиз... агар рози бўлсангиз.

— Ота-онамнинг ҳоли не кечади?

Шу маҳал эшик шиддат билан очилиб, ранги учган Самад муралади.

— Тинчликми? — сўради хавотирланиб Дилмурод, сўнг тезда ташқарига чиқди.

— Нима бўлди?

— Сарбозлар босиб келаётир!

Дилмурод хонасига қайтиб, қурол-яроғларини тақиб чиқди. Қўргонда қолган оз сонли қароқчилар ҳам алақачон қуролланган ҳолда Самад атрофига тупланган эдилар.

Тепалиқдаги соқчи отлиқларнинг бирин-кетин тушиб келаётгани куринди.

Дилмурод ўртага чиқди.

— Биродарлар, қандай қилиб бўлмасин қўргонни омон сақлаб қолишимиз керак. Қилич қора шу пайтгача ҳаммамизга кийим-бош, озиқ-овқат ва қурол-яроғ берган. Энди биз ҳам хизмат қиладиган пайт келди. Қолаверса, ўзимиз учун курашайлик, — деди Самад ҳаяжон билан. — Сен, Ҳасан, зудлик билан тоғ тарафдан Қилич қора изидан от сол, агар келаётган бўлса воқеадан хабардор қил! Дилмурод, сен Ойсулувни яширин хонага обкириб қўй. Кириш йўлларини беркитиб ташла. Шунини унутмагинки, барча бойликлар ўша ерга яширилган. Қолганлар эса менинг орқамдан ҳужумга!

Аввалига оз сонли ҳаммаслақларига эга бўлган Қилич қора шаҳарга яқин қамишзор ичида бекиниб юрган бўлса, кейинчалик, йигитлари купайгач, мустаҳкам бир қўналга кераклигини сизди ва мана шу ҳозирги яшаб турган жойни танлади.

Агар қамишзорда яшаб юрганда тез-тез тусатдан бостириб келиб қоладиган мингбоши навқарларига туқнаш келавериб, кўпгина йигитларидан ажралган бўлса, бу ер ҳақиқий қўргонга айланиб, сарбозлар нигоҳидан четда қолаверди.

Қилич қора йигитлари ёрдамида тош горларни тураржойга айлантириб, уларга туташ қўшимча уй, отхона ҳамда бостирмалар қуриб, атрофини гов билан ўраб олди.

Қилич қора бир кун табиий горлардан бирини охиригача текширмоққа жазм қилди, энсизгина тешикка дуч келиб қолгач, ортига қайтиб қўя қолмоқчи ҳам бўлди, лекин нечундир қизиқиши ортиб, қўлидаги болта билан тешикни кенгайтирди-да, юришда давом этди. Гор шипи кўп ўтмай кенгайиб, каттагина гумбазсимон хонага айланди. Бундан бу ёғига йўл йўқ эди.

— Қўлга туширилган ўлжаларни сақлайдиган зап жой эканми, — деди ёнаётган тараша кўтариб келаётган Абубакир.



— Қойилмисан, — деди мағрурланиб Қилич қора

Шундан кейин табиатнинг ўзи холисона яратган бу омборхонада қимматбаҳо ўлжалар сақланадиган бўлди. Дилмурод Ойсулувни худди шу ерга олиб кирди. Унинг қўлидаги шам атрофни базўр ёритарди.

— Шу ерда кўрқмай ўтираверинг. Анови бурчақдаги хумда сув бор. Асло хавотир олманг, тезда ўзим келиб, олиб чиқиб кетаман.

Дилмурод кириш йўлларини пухта бекитиб, ҳовлига қайтиб чиққанда уларнинг беш-олти йигити мингбошининг кўп сонли сарбозлари билан шиддатли жанг олиб борар эди.

Дилмурод қиличини яланғочлаб, сарбозлар устига жонжаҳди билан ташланди. Худди шу маҳал бир серсоқол, баҳайбат сарбоз Самадга найза санчди. Чўккалаб тушган Самад урнидан турмоқ ниятида ўнг қўлига тиралиб, қаддини кўтарди-ю, аммо мадори етмасдан қайта йиқилди.

Қуршовда қолган қароқчилар мўр-малаҳдай босиб келаётган сарбозларга зўр бериб қаршилиқ кўрсатсалар-да, вазият борган сайин огирлашар ва улар қилич, найза зарбидан бирин-кетин нобуд бўлардилар.

Ўзига сарбозларни яқинлаштирмай, ўнгу сўлга қилич солаётган Дилмуродни улардан бири сиртмоқли арқон отиб ерга қулатди.

Қулмуҳаммадхоннинг ёнида гердайиб турган Юнусбой:

— Ҳа, баччагар, қўлга тушдингми! — деб қийқириб юборди.

Бошқа биронта тирик қароқчи қолмагач, мингбоши қўргонни талашга рухсат берди. Сарбозлар оч бўрилардек тўзғиб кетдилар.

Икки сарбоз Дилмуроднинг қўлини орқасига боглаб, мингбошининг олдига олиб келди.

Мингбоши сўроқни бошлади.

— Мутгаҳам жосус, қўлга тушдинг-ку ахир. Қани, гапир, Қилич қора қаёққа қочди? Бор лашкаринг шуми ё яна борми?

Дилмурод мингбошига тик боқди.

— Билмайман.

— Билмайсанми?

Мингбоши бутун кучи билан Дилмуроднинг юз-кўзи аралаш қамчи солиб юборди. Шу заҳоти Дилмуроднинг чап бети қон-талашиб, қавариб чиқди.

— Ойсулувни қаерга яширдинг!

— Билмайман.

— Ёлгон, қизимни олиб қочган сенсан, сен! — деди Юнусбой тутоқиб Дилмуродни тепаркан.

Навкарлар кўзлари газабга тўлган асирни судраб кетдилар.

— Қизингиз ҳеч қаерга кетиб қолмайди. Агар ҳақиқатан ҳам Дилмурод ўғирлаб шу ерга олиб келган бўлса. Ёнингизга бир навкар олиб бу ернинг паст-баландини кўринг, — деди мингбоши ҳарсиллаб қолган бойга.

Бу маҳалда хоналардан навкарларнинг баъзилари иршайиб, қўлларида ҳар хил буюмлар кутариб, баъзилари эса ўзларига ҳеч нима тегмай қолгани учун қупқуруқ ҳолда ўшшайиб чиқмоқда эдилар.

Юнусбой ҳар бир хонани кўриб чиқаётганда уларнинг бирида Ойсулув шошилинича қолдириб кетган рўмолини топиб олди.

— Ойсулув қизим, қаердасан? — деб қичқиришга тушди бой, лекин Ойсулувнинг овози эшитилмади.

Отхона, пичанхоналарни қидириш ҳам бефойда бўлди.

— Топилдими? — сўради мингбоши Юнусбой олдига ёлғиз қайтиб келаётганини кўра туриб.

«Шаҳарга борай, ўша ерда мартабангни пасайтириб, расво қиламан. Бузуқи қизингни Дилмурод Қилич қора қўйнига солиб қўйганини шаҳардаёқ пайқаган эдим. Ҳа, шунинг эвазига Дилмурод бу ердан паноҳ топган», деб ўйлади мингбоши заҳарханда илжайиб.

— Хоналарнинг биридан қизимнинг рўмолини топиб олдим. Демак, ўлдиришган, — деди кўзига ёш олиб Юнусбой.

— Э, нафасингизни иссиқ қилинг. Балки Қилич қора олиб қочгандир. Биз энди зудлик билан орқага қайтишимиз керак. Қўрғонга эса ўт қўйилади!

Ўзбошилар бу фикрни маъқуллашди. Бир нечта қароқчининг калласи халққа кўрсатиш учун қопга солинди.

Қўрғон аланга ичида қолганда қўшин йўлга тушди.

Юнусбой тушкун кайфиятда от устида чайқалиб борарди. Жудолик, оталик ҳис-туйғулари унинг қалбини кемираётган эди.



Дилмурад чиқиб кетгач, хонадаги жимжитликдан Ойсулув ваҳимага тушди. Ўзини бардамроқ ҳис қилиш мақсадида билган ашулаларидан хиргойи қилиб ҳам курди. Бироқ бу қилиғи ўзига кулгули туюлди.

Қиз атрофга боқиб, шам ёруғида гира-шира куринаётган катта-кичик сандиқларни, ўртадаги гиламда аралаш-қуралаш бўлиб ётган буюмларни томоша қилди. Афтидан, булар ҳали саранжомланмаган эди.

Унинг назарида иссиғи чиқаётгандек бўлди ва боя Дилмурад кўрсатиб кетган қоронғу бурчакка қўрқа-писа бориб, хумдаги муздек сувдан ичганди, тишлари қамашиб кетди.

Шу дам кимдир «Ойсулув-в», деб қичқиргандай бўлди.

«Худди отамнинг овозига ухшайди-я», деб ўйлаган қиз диққат билан қулоқ солди, лекин чорлов бошқа эшитилмади. «Менга шундай туюлгандир. Отам бу ерда нима қиладилар», — деб ўйлади у.

Шам хира шуъла таратиб, аста-секин липиллади ва «пўп» этиб ўчди. Хонани зимистон чулғаб олди. Қўрқувга тушган қиз эшик томон юрди, лекин унинг қай тарафдалигини унутиб, довдираб қолди. Қўрқув ҳисси юракка ваҳм солди. Қиз ўзи ёд билган бир неча дуони қайта-қайта пичирлади, лекин бу ҳам тасалли бермади. Энди ўзини тамоман йўқотганча, хона ичида тўғри келган томонга юраётиб, нимагадир қоқилиб кетди ва «А-а-а-!» деб қичқирганча қулаб тушди. Ойсулув ҳушидан кетган эди...

Отхонадан отини олиб чиққан Ҳасан яқинлашиб келаётган сарбозлар гуруҳини кўриб, агар зудлик билан Қилични бошлаб келмаса, қўрғонни ҳимоя қилиш учун қолган йигитларнинг ҳаммаси нобуд бўлишини англади.

— Чух, жонивор!

Саман от ҳам хавфли тоғ сўқмоқлари бўйлаб жадал елиб кетди.

Бу маҳал қуёш уфқ томонга анчагина оғиб, тоғ этакларидаги дарахтларнинг учларинигина сўнгги заррин нурлари билан чуллаган эди.

Туёқлари тошларга «тақа-тақ», «тақа-тақ» урилаётган от елиб кетаётса-да, Ҳасаннинг назарида жонивор гўё имиллаётгандек туюлиб, устма-уст қамчи босарди.

Оғзи оппоқ купикка ботган аргумоқ Ҳасанни яйдоқ тепаликка олиб чиқди. У чўлга синчиклаб қараб олисда келаётган отликлар издихомига кўзи тушди, шунда дарҳол қиличига салласини бойлаб, боши узра тез-тез силкита бошлади.

Отликлар бу ишорани дарров тушунди чоги, иккитаси шу томонга қараб отларни шитоб билан елдирди.

Бу галги «ови»да катта улжани қўлга киритгани боис кайфи чоғ бўлиб келаётган Қилич қора дафъатан яна қўлини мўйловига югуртди, якка кўзи эса қонга тўла борди.

У отига пайдар-пай қамчи уриб йигитлар ортидан учиб кетди. Қилич қорани кўрган Ҳасан олисдан қўлини оғзига қўвача қилиб кичқирди:

— Сарбозлар чангалида қолди-к!

Қилич қора газабдан отига яна устма-уст қамчи уриб юборганини пайқамай қолди. От суриб кетди. Сержун ва бақувват қўл тизгинни маҳкам тортган бўлса-да, от типирчилаб кишнаганча олдинги оёқларини беш-олти маротаба кўтариб ташлади.

Узангига оёгини қаттиқ тираб қаддини ростлаган Қилич қора йигитларининг яқин келишини бирпас кутиб турди-да, сўнг гулдираган овозда деди:

— Ниҳоят, мингбоши билан учрашадиган кун ҳам келибди-да! Биз уларни тоғ этагида кутиб олиб, ёввойи арпадек уриб ташлаймиз. Шерикларимизнинг учини оламиз. Ҳасан, сен эса, йигитлар билан улжаларни қуриқлаб, тоққа кўтарилавер.

Галаба суруридан маст сарбозларнинг олдинги қисми тоғдан тушганлари заҳоти кўтилмаганда Қилич қоранинг йигитларига тўқнаш келиб, эсанкираб қолдилар.

«Агар барча сарбозлар пастликка тушиб олгандаку-я, эҳтимол бу якка кўзни ҳам қўлга тушириш мумкин бўлармиди», деб уйлади мингбоши алам билан. Бироқ сарбозларни бир ерга туплашга уриниш беҳуда кетди.

Қароқчилар шиддат билан ҳужумга ўтишди.

Сарбозларнинг кўплари саҳро томон от қўйиб қочиб кетаётганини кўргач, ўз жонини қутқазиб қолиш зарурлигини, акс ҳолда бекордан-бекорга нобуд бўлишини англаган Юнусбой ҳам, ҳеч кимга қарамай улар кетидан от қўйди. Лекин

қароқчилардан бири Юнусбойнинг тагидаги туркман отига қизиқиб қолиб бир пасда уни қувиб етди-да, калласига қилич солди.

Дилмуродни ўнгариб олган Холмат мингбоши кетидан секингина бир ўнгирга туша бошлади. Қўл-оёғи, кўзлари боғлиқ Дилмурод Қилич қора ҳужум қилганини пайқади ва бор кучини тўплаб:

— Мен бу ердаман, Қилич! — дея олди, зўрга.

Холмат қамчи дастаси билан унинг бошига бир туширди.

Таниш овозни эшитиб қолган Қилич қора Қулмуҳаммад-хон кетидан қувишни ҳам унутиб, йигитлари билан Холматнинг изидан тушди.

Оралиқдаги масофа борган сари қисқариб бормоқда эди. Дилмуроддан ажралиш мингбоши марҳаматидан маҳрум бўлиш эканини тушунган Холмат аламзадалиқ билан тишларини ғижирлатди, сўнгра шарта пичоғини қинидан суғурди-да, Дилмуроднинг биқинига бир санчиб, отидан тушириб юборди.

Қилич қора етиб келганда қумда ғужанак бўлиб ётган Дилмуроднинг биқинидан қон сизиб, оқ яктагини қип-қизартириб юборганди.

Қилич қора дарҳол қийиқчасини ечиб, жароҳатни боғлади. Жароҳат унчалик хавфли эмас эди, афтидан, кучли ҳадикҳаяжонда бўлган Холмат пичоқни мўлжалга аниқ уролмаганди.

Қароқчилар шу кечаси қўрғонга кўтарилмай, тоғ ён бағрида тунаб қолишга қарор қилдилар.

Беш-олти ерга гулхан ёқиб, бутунги машаққатли кун тўғрисида, мингбошини бу жойларга ким бошлаб келган бўлиши мумкинлиги хусусида тортишдилар.

Улар Дилмуроднинг ярасига наमतни куйдириб, кулини босишганди, қон дарҳол тўхтади. Кечки изгирин маҳал у ўзига келиб, бир мартагина: «Ойсулуннинг ҳоли нима кечди...» — деди-ю, яна ҳушини йўқотди.

Эрта тонгда иситмаси пасайиб, ҳушига келган Дилмурод ўз қаршисида турган Қилич қорага кўзи тушди.

— Қалай, огрик босилдими? — дея меҳрибонлик билан сўради Қилич қора.

— Ҳа, босилиб қолди. Ойсулунга нима бўлди экан-а, — деди хавотирли оҳангда Дилмурод.



— У қаерда ўзи? Ёки олиб кетишдими?

— Йўқ, горга обкириб қўйгандим. Лекин, афсус, Самад ҳалок бўлди-да...

— Ҳа, нимасини айтасан, кўп йигитимдан жудо бўлдим. Ҳар бири лочиндек эди...

Кечаси жангда нобуд бўлганларнинг жасадини бир ерга тўплашаётган маҳал Қилич қора улар орасида Юнусбойнинг жасадини ҳам куриб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Ҳа, энди билдим бу ерга сарбозу навкарларни ким бошлаб келганини. Эссиз, мана шу лаънати Юнусбой сабабли шунча одам нобуд бўлди. Йигитлар, бунинг жасадини бир қирчанги отнинг думига боғлаб, чулга қўйиб юборинг. Қўзи бойликка тўймаганди, энди қумга тўлсин!

Бутунлай хонавайрон қилиниб, ёндириб юборилган қўргонни узоқдан куриб таниёлмай қолдилар.

— Ойсулувга нима бўлдийкин? — дея Дилмурод огрикқа ҳам қарамай, Ҳасанни ёнига олиб, гор огзига келди.

Ҳасан қўлидаги болта билан тошларни уриб туширгач, Дилмурод димланиб қолган торгина йўлақдан утиб, омборхонага кирди.

— Ойсулув!

Қоронги хонадан садо чиқмади.

— Дилмурод ака, бу ёққа бир қаранг, — деб юборди Ҳасан машғалани баланд кўтариб, ерда ҳушсиз ётган Ойсулувни кўрсатаркан.

Дилмурод Ойсулувнинг бош томонига тиз чўкиб, юзига тикилди-ю, нафас олаётганини пайқаб, унинг фақат ҳушдан кетганини англади.

— Хайрият, Ойсулув, тирик экансан!..

Ойсулув сесканиб кўзини очди.

— Дилмурод ака!

## Х

— Турмушимиз осон ўтмаётган бўлса-да, лекин мен бахтиёр эдим. Суюкли хотиним Муниса ҳамда Рустам ўғлим бор эди.

Қишлоғимизда Темирбек деган киши бўлиб, катта ер-сувга эга эди. Бирон одам йўқ эдики, ундан қарздор бўлмаган



булса, — дея Қилич қора гапидан тухтади-да, кўзачадан май қуйиб сипқорди.

Дилмурод ҳамсуҳбатининг ҳикоясини берилиб тингларди. — Мана шу аблах Темирбек Мунисамга кўз олайтириб юрган экан-у, қайнотам рози булмаган экан, — дея ҳикоясини давом эттирди, кўзлари чақнаб Қилич қора. — Тез орада туйимиз булиб утгач, Темирбек қарз бадалига деб, қайнотамнинг ерсувини тортиб олди.

Лекин у бу билан ҳам тинчимади. Бир куни мени қўшни қишлоққа иш билан юборди. Қишлоқ олисда, тоғ оралигида жойлашган эди. Қуёш ботганда етиб бордим. Ишим битгач, Темирбек тайинлаган бой ҳовлисида ётиб қолмадим-да, орқага қайтдим.

Қишлоғимизга яқинлашганимда негадир юрагим ғаш тортди. Шундай булса-да, аввал тайинланган нарсаларни Темирбекка топшириб, сўнг уйга утмоқчи бўлдим...

Қилич қора май тўла пиёлани қўлига олиб бир зум ушлаб турди-да, кейин ташна одамдек устма-уст қуйиб ичди.

— Темирбек ҳовлисига кирдим-у, тахта булиб қолдим. Ичкари уйдан Мунисамнинг дод-фарёди эшитиларди.

Шундагина Темирбек мени нега олис қишлоққа иш билан жунатиб юборганини тушундим...

Ўтинхона олдида ётган эски болтани оласолиб, уйга бостириб кириб, қандай қилиб Темирбекни қиймалаб ташлаганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Қарасам, ясатиглик хона ўртасида Мунисам юз тубан ётар, олдида эса эндигина бир ёшга тўлган Рустамжонининг жонсиз гавдаси...

Кейин билсам... Мунисам, «Лоақал ўғлим ҳурмати мени булғама», деганда аблах Темирбек Рустамни чавақлаб ташлаган экан...

Бу воқеадан сўнг Мунисам адои тамом бўлди. Мен қамишзорда анча маҳал яшириниб юрдим.

Бир куни қаттиқ тепкидан уйғониб кетдим. Атрофимни сарбозлар ўраб олганди. Сарбозларни Темирбекнинг хон саройида хизмат қилаётган ўғли Султонбек бошлаб келибди.

Ўша куниёқ Султонбек Мунисамни саройга чўри сифатида топширди.

Бахтимга зиндонда узоқ ётмадим. Зиндонга йўлтўсар Носир тушиб қолгач, биргалашиб тезда қочиб қутулдик.

Мен аввал қишлоққа бориб, Темирбекнинг мол-мулкига ўт қўйдим, кейин тоққа чиқиб кетдим.

Мунисамни кўп суриштирдим, аммо охири эшитсам, ўз жонига қасд қилибди...

Қасос учун Султонбекнинг йўлини роса пойладим, лекин у ҳар гал тутқич бермасди. Кейин эса ер ютгандай ғойиб бўлди-қолди. Ўшанда сен қўлида жизмат қилган ўша хасис Юнусбойни ўлдирмаганимнинг сабаби, ундан Султонбек ҳақида сураб-суриштирмоқчи эдим.

Бу оғир таъвишлар бошимга тушгач, бутунлай ўзгардим-қолдим. Ҳатто отим ҳам ўзгариб кетди. Асли отим Қилич эмас, Абдурахмон эди.

Қилич қора бир оз гапидан тўхтаб, «ана шунақа», дегандай калласини лиқиллатди. Сўнг:

— Агар уддалаб Султонбекни тирик ушлаб келсанг, турт томонинг — очиқ. Ушлаб келтирмасанг қўл остимда хизмат қилавер, — деб қўшиб қўйди.

— Ер тагидан бўлса ҳам топиб келаман, — деди Дилмурод ўйлаб ўтирмай.

— Қани бўлмаса, ичайлик. Э, бу дунёи қўтирларини...

Улар узоқ вақтгача майхўрлик қилишди...

\* \* \*

Тонг палласида Урганч атрофидаги қишлоқлардан бирига ўтуланлар қовжираб қолган қирлар оша қўқон арава кириб келди.

Аравани ҳайдаб келаётган ўрта яшар йигит отга онда-сонда камчи уриб қўяркан, орқасига ўтирилиб, соябон ичида утирган икки кишига кўз ташлаб қўярди. Буларнинг бири — кизил духоба паранжи чачвон ёпиниб олган аёл, иккинчиси эса етмиш ёшлардаги мўйсафид эди. Мўйсафид ҳаяжон билан ҳикоя қилиб келарди:

— ... Шундай қилиб, авжи наврўз, жума бозор куни эди. Бир пайт одамлар зиндон олдидаги майдонга югуриб қолдилар. Билсам, Қилич қора йигитлари билан жазоланаяпти экан...

Араваканш йигитнинг туси ўзгарди.

— Ҳамма қатори, болам, мен ҳам жазо майдонига бордим. Сарбозлар атрофни ҳалқадек ураб олганди. Ниҳоят халойиқ тупланиб бўлгач, Қилич қоранинг ҳам, яқинларининг ҳам боши биттама-битта танидан жудо қилинди...

Йигит жаҳл қилибми, отга устма-уст қаттиқ қамчи урди, арава тарақлаб, тез юриб кетди.

— Билганим шу бўлдики, бир марта сичқоннинг инини минг танга қилгани учун алами ичида юрган мингбоши хондан кўп сарбоз сўраб олибди-да, қароқчиларни таппа босибди.

Қилич қорани ушлашга ушлашибди-ю, лекин мингбошининг ўзи жангда ўлибди. Сичқоннинг ўлгиси келса мушук билан ўйнашади деганлари шу-да. Аммо сен Қилич қора билан вақтида хайрлашиб кетган экансан, иним Дилмурод. Бўлмаса, худо кўрсатмасин, сени ҳам қатл қилишган буларди.

— Э, нимасини айтасиз, Жаъфарали ота. Кўпдан-кўп хун-резликларни қилган бўлса-да, нафсиламрини айтсам, лафзли йигит эди. Султонбекни тириклайин олиб келганимдан сўнг сўзида туриб, кетишимга изн берди.

— Султонбек қаерда экан?

— Бухоро хонлигида ўзига бир ковак топган экан. Бир куни хон саройидан ширакайф ҳолда чиқиб, уйига қайтаётганда қўлга туширдим.

Қилич қора билан хайрлашаётганимда йўқ деганимга қарамай, менга ҳам анча-мунча нарсани инъом қилганди, жуда асқотди бу ерда. Ер олиб, ҳовли-жой қурдик. Ҳув анави икки туп садақайрағочни кўраяпсизми, ҳовлимиз ўша ерда.

Ҳойнаҳой, Ойсулув ҳозир ўғлим Азаматнинг бешиги олдида ўтириб олиб, тикиш-бичиш қилаётгандир. Ҳошиябиби ая, сиз ҳозир тўсатдан кириб борсангиз, билмадим, Ойсулув суюнганидан қай аҳволга тушаркан.

— Ҳай айланай, ўзимни айтинг, ўзимни... Ахир қизгинамни кўрмаганимга бир йилдан ошди-я...

Қўқон арава янгигина пахса девор урилган ҳовли дарвозаси олдида келиб тўхтади...







## ОЛТИН БАРГ

(лирик новелла)

О лис-олислардаги юлдузлар дарахт барглари орасидан милтиллаб кўринади.

Азим чинор тагидаги ўриндиқда утирган қиз билан йигит бир-бирларига зимдан қараб қуйиб, бирпас хаёл огушига шўнгийдилар. Муҳаббат.

«Мен сени бир умрга севаман», жоним — дейди йигит хаёлан қизнинг тим қора сочларига тикилганча.

«Умрбод вафодор бўласизми?» — деб ўйлайди қиз.

Улар шундай — бир-бирларига хаёлан мурожаат этиб, хаёлан жавоб оладилар.

Чинор тагига бундай ёшлардан неча-нечаси келиб, «дардлашмайди» дейсиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам муҳаббат ҳақида уй сурадилар, суҳбатлашадилар. Кекса чинор эса уларнинг аҳду паймонларини ўз баргларига шитирлатиб ёзиб олаверади...

Лекин бугун бир-бир қадам ташлаб келаётган икки кишини кўриб ажабланди. Булар — оппоқ доқа рўмол ўраган кампир билан ҳассага суяниб олган нуроний чол эди. Улар ҳам келиб, ўриндиққа ўтирдилар.

Аввалига чинор баргларини шовуллатиб, чол-кампирни турғизиб юбормоқчи, бу ерда сизларга нима бор, демоқчи бўлди. Кейин қани булар нима ҳақда гапиришларини бир билай-чи деб, жим қолди.

— Чарчаб, толиқиб қолмадингми?

— Йўқ, ўзингиз-чи?

— ... Эсингдами, худди шу жойда биринчи маротаба учрашгандик.

— Ҳа, эсимда. Назаримда, кечагина учрашгандекмиз.

Улар жим қолиб, ёшликларини эслай бошладилар...

Чинор шундагина чол-кампирни таниди. Баргларини шитирлатиб, чол-кампиρνнинг биринчи учрашувга келганларини эслади. Бундан роса эллик йил олдин экан.

Уларнинг учрашуви ёзиб қўйилган барги ҳам аллақачон олтин тусли бўлиб қолибди. Чинор қаттиқроқ шитирлаб, тилла баргни кампиρνнинг румоли устига туширди. Барг кампиρνни чучитиб юборди.

— Вой, нима?

— Барг тушибди ...

Чол соқолини, оҳистагина тутамлаб, нималарнидир эслади шекилли, мис рангли ёноқларида жилмайиш пайдо бўлди.

— Ёшлигингда қандай ўт-олов, қандай шаддод эдинг-а. Бир марта урик учига чиқиб кетганинг эсингдами? Ўшанда мен ҳам тезда орқангдан чиққанимда, дарахтма-дарахт утиб бог кучага сакраб қочиб қолгандинг. Юрагим тоза шувуллаганди, — деди-да чол румол устидаги баргни олиб кўрсатди. Кампир чолнинг гапини эшитиб, жилмайган эди, нуроний юзи янада ёришиб, ўзи ҳам бир дам ёшаргандай бўлди.

— Оҳ, олтин ёшлигимиз.

Кекса чинор эса бир дам ҳайрон бўлиб қолди. Буларнинг иккинчи учрашувини ҳам баргларига ёзиш керакми? Бунақасини ҳеч ёзмаганди-ку? Лекин булар ҳам муҳаббат ҳақида ўй суряптилар-ку?

Демак, ёзиш керак.

Чинор баргларини шитирлатиб ёза бошлади...

## ШАФТОЛИ ГУЛЛАГАНДА

Ҳар баҳор шафтолизорга бориб, расм солишни хуш кўрадим. Уйимиздан унча узоқ бўлмагани учун катта ариқ ёқалаб, пиёда кетардим. Бу сафар ҳам яёв йўлга тушдим.

Ариқларда баҳорнинг биринчи лойқа суви тўлиб-тошиб оқарди. Осмонда қора булутлар бир дам тупланиб, яна қайта ёйилиб кетар, енгил шамол эсарди. Сув бўйидаги кўкатлар орасидан ялпиз ҳиди гупиллаб димоққа уриларди. Узоқдан пушти гулли ҳарир пардага бурканган келинчакдек шафтолизор кўринди. Шафтолизордан берироқда ўсган икки ёш терак учлари сулув қизнинг икки ўрим сочидай ерга тегай-тегай дерди.

Терак тагидаги майсага ўтириб, расм чиза бошладим. Шамол шафтоли гулларининг япроқларини тузитаркан, улар дамбадам альбомим устига келиб тушарди.

Расмни буюқда бошлаётганимда кўк юзини яна қора булутлар қоплади. Шу пайт шафтолизор ичидан қоп-қора палахса тупроқни босиб, енгларини шимариб олган, ўн саккиз ёшлардаги олма юзли бир қиз ҳар хил ёввойи дала гулларида гулдаста ушлаб чиқиб қолди. Қани энди бир дақиқа тухтаб турса-ю, қоматини қогозга тушириб олсам. У эса ёнимдан бепарвогина ўтиб кетди. Лекин унинг кўзлари бир зум бўлсада альбомга назар ташлаганини сездим.

Бир пайт кўкдан бир-икки томчи тушди-ю, сўнгра ёмғир шаррос қуйиб юборди. Альбомни ёпиб, пана жой излаб қолдим. Узоқдаги кекса чинор дарахтига кўзим тушди. Югуриб чинор тагига борсам, бояги қиз ҳам шу ерда экан. Чинорнинг эгилган шохлари, қавариқ жойи қизни ёмғирдан сақларди. Уни ноқулай аҳволга солиб қуймаслик учун кетмоқчи бўлдим.

— Ёмғирда қаёққа борасиз, ивиб кетасиз-ку, — деди қиз енгларини тушираётиб. Мен ҳам чинор тагида қолдим.

Альбомни очиб, қогозларимни тўғрилаб жойлаштираётгандим, қиз:

— Кўрсам бўладими? — деб қолди.

Расмларни узатдим. Қиз баъзи суратларга узоқ тикилиб қоларди. Мен қизга боқдим. Икки ўрим сочларини чамбарак қилиб олган, қулоқларида бежирим зирак.

Қўлларим беихтиёр қаламга югурди.

— Расмингизни чизсам бўладими?

— Шундай аҳволда-я?

— Ҳа, бир зумда чизаман.

— Майли.

Қаламни оқ қогоз узра югуртира бошладим. Ҳаяжонланганим учунми қўлларим титрарди.

— Бўлдими? — деган сўз мени уйготгандек бўлди.

— Озроқ чаласи қолди-да.

— Чаласини кейин чизарсиз. Мана, ёмғир ҳам тиниб қолди, кетмасам бўлмайди. У шундай дея пана жойдан чиқди. Кўк юзи тиниқлашиб, атроф янада гўзаллашганди.

— Эртага вақтингиз бўлса, шу ерга келолсангиз, расмингизни тугатар эдим.

У жавоб ўрнига бир ёқимли жилмайди-ю, ёлғиз оёқ сўқмоқдан қишлоқ томон кўм-кўк нам майсаларни босиб жадал юриб кетди.

Лоақал исмини ҳам сўраб олмадим-а. Майли, эртага исмини ҳам, ўқиш жойини ҳам билиб оларман, деб уйладим. Лекин у эртасига ҳам, индинига ҳам бу ерга келмади. Мен учун ундан бир хотира — тугалланмаган сурати қолган эди. Ҳанузгача ҳар баҳор ўша альбомни олиб, катта ариқ бўйлаб шафтолизор томон бораман. Ҳар сафар қизнинг мен ҳали чизиб улгурмаган бирон-бир белгиси кўз олдимда жонланиб, сурат тобора қизнинг ўзига ўхшаб борарди.

## ХАРАКТЕРЛИ ҚИЗ

Ўқитувчимиз бизларга янги топшириқ берди. Характерли одамларнинг суратини чизиш. Альбомни олдим-у, ўқиш жойимизга яқин бўлган кўл бўйига бордим. Кўпдан-кўп характерли одамлар кўзга ташланарди, бироқ улар кўнармикин. Шундай ҳаёл билан боғ айланарканман, кўзим салқин ерга қўйилган ўриндиқларнинг бирида ўтирган қизга тушди. У китоб ўқишга берилиб кетган экан, ёнига бориб ўтирганимни ҳам пайқамай қолди. Мен қидираётган характерли одамлардан бири шу эканлигини пайқадим. Бурни пучуқ — бир, кўзлари катта — икки, лаблари қалин — уч ... қўллари эса узун, бироқ ўзи нозик. Лекин бу қиз бола бўлса, суратини чизишимга рухсат берармикан?

— Бир нимани сўрасам майлими? — дедим аввалига бир йўталиб олиб.

— Кўча тўла одам, шулардан сўрайверинг, — у менга қарамай, шундай деди-ю, яна китобга шўнғиди.

«Вой-бу, нози фироқни кўринг», деб уйладим ичимда. Сўнг мулозимлик билан:

— Сизда ишим бор эди, — дедим.

Қиз менга ажабланиб қаради.

— Нима ишингиз бор?

— Биласизми, мен бўлажак рассомман. Характерли қиёфага эга бўлган қизлардан бирини ахтараётган эдим. Қарасам, сиз



жуда характерли экансиз. Агар рухсат берсангиз, суратингизни чизаман. Расмингиз кўргазмага қўйилади.

— Рассомман денг, — деди у, сўнг менга бошдан-оёқ назар ташлади, — ҳозирнинг ўзида чизиб бўласизми?

— Йўқ. Ҳар куни икки соатдан чизиб, ўн икки кунда туга-таман. Ҳаммаси бўлиб, йигирма тўрт соатда суратингиз тайёр бўлади.

Қиз бир оз ўйланиб қолди, сўнггра:

— Куп вақт керак экан-ку, — деди афсуслангандек.

— Ҳар куни икки соатдан вақтингизни ажратсангиз, бас. Икки соат икки дақиқадай ўтиб кетадиган гап.

— Имм ... ҳалигидай, қаерда чизасиз?

— Хоҳласангиз шу ерда, табиат фонида чизаман. Ёки ўқиш жойимизда.

— Шу ерда бўла қолсин.

— Сизга минг раҳмат. Жуда ҳайрон бўлиб тургандим. Кечирасиз исмингиз нима, билмасам.

— Тожиниса.

Исми ҳам жисмига мос характерли экан, деб ўйладим.

Эртасига вақтли планшет кўтариб богга келдим. У ўтирган экан.

— Ассалому алайкум, яхшимисиз, — деди у мени кўриб жилмайиб ўрнидан тураркан.

— Ваалайкум салом. Қани бошлайвераимизми? — дедиму, планшет устидаги газетани олдим. Тожиниса лабини бир оз чўччайтириб, қаршимдаги скамейкага ўтирди.

— Бошингизни юқори кўтаринг, бир қўлингизни тиззангизга, иккинчи қўлингизни биринчи қўлингизнинг тирсагига қўйинг, — дедим.

Ҳадеганда қиз керакли ҳолатда туролмади. Бир неча бор унга қандай ўтиришни кўрсатдим. Шундай сўнг анчагина тўғри ўтирди. Қаламни олиб оқ қоғоз узра югуртираётиб, ора-сира «бошингизни юқори кўтаринг», деб қўярдим. Секин-аста умумий чизиқларда ҳолати шакллана бошлади. Лекин у тезда чарчаб қолди шекилли, ортиқ бир кўринишда туролмади. Бугунча шу бўлар, деб чизишдан тўхтадим ва эртага шу ерда учрашишга келишиб тарқалдик. Эртасига келиб суратини давом эттирдим. Пучуқ бурнини, қалин лабини қоғозга туширдим.

Кунлар утиши билан бирга орамизда аллақандай яқинлик пайдо бўлаётганини сездим. Баъзи кунлари суратни вақтлироқ тугатиб сайр этадиган, қайиқда учадиган ҳам бўлиб қолдик. Энди у менга кийик кўзли, бурни бежирим, лаблари ғоят нозик бўлиб кўрина бошлади.

— Биласизми? — дедим ўн иккинчи куни, — сурат ўзимга ёқмаётибди. Сизнинг латиф қоматингиз бунда яхши кўринмаяпти.

— Бўлмаса, нима қиласиз?

— Келинг, яхшиси янгисини бошлаб қўяқолай. Розимисиз?

— Вой сизни қаранг-у, — деганча Тожиниса менга бир хўмрайиб қаради-да, кетиб қолди.

«Гапимдан хафа бўлди шекилли, эртага келармикан» деб уйладим. Уйга қайтдим-у барибир хаёлим унда бўлиб қолди. Тунни беоромлик билан ўтказиб, ҳаяжонланганча боққа келсам, қўлида атиргул ушлаб Тожиниса таниш ўриндикда ўтирар эди.

## ҲАССА

Чол дунёдан кўз юмди. Кампир бу огир мусибатдан сўнг хасталаниб ётиб қолди. Ўғиллари, неваралари бошида гирди капалак бўлиб, кўнглини овлашга интилдилар. Ниҳоят, кампир ёстикдан бошини кўтарди. Энг кичик невараси сиртига жездан нақшлар ишланган ҳасса олиб келди. Аммо, кампир фақат чоли тутган, беҳи наводасидан қилинган ҳассани кўлига олди. Ҳассага қараб туриб, кўзлари беихтиёр намланди. Водариг, яқиндагина чоли шу ҳассага суяниб юрарди-я. Кампир ҳассага таяниб, бир-икки қадам ташлади. Назарида ҳассага эмас, гўё чолига суяниб юраётгандай туюлди.

## ЧОЛ ВА ҚУЁШ

Куннинг айна қизиган пайти.

Ҳамма ўзини соя-салқинга олади. Ҳатто қушлар ҳам.

Фақат юқори кўчада яшовчи бир чол эшиги олдидаги су-пачада ўтирарди. У қуёш нуридан баҳра оляпти шекилли, кўзлари юмилган. Гоҳи-гоҳида юзида жилмайиш пайдо бўлади.

Кучадан ўтаётган кишиларнинг баъзилари «кўкнори чол бўлса керак» деб ўйлаётган бўлса ажаб эмас. Чол гоҳи-гоҳида оёқларини силаб кўяр, кишилар буни кўриб «бод касали бор экан-да» деган хаёлга боришлари ҳам мумкин.

Мен яқинроқ танишиш мақсадида супача олдига бордим.

— Келинг, ўғлим, — деди чол қаршиларкан.

— Ассалому алайкум, отахон, бундай жазирамада ўтириб-сиз, аҳволингиз яхшими?

— Киши қаригач, нурга, офтобга интилувчан бўлиб қоларкан. Менинг бод касалим ҳам йўқ, кўкнори ҳам эмасман. Мен ҳозир шу жойда ўтирибману аъзойи баданим роҳатланаяпти. Оҳ, офатижон, офтоб, — деди-ю, яна кўзларини юмиб мудрай бошлади.

Куёш ҳам бор ҳароратини чолга тўкарди.

## КЎКАЛДОШ

Кўкалдош мадрасаси олдидан ҳар куни ўтганим учунми у кўзимга бир оддий қадимий бино сифатида кўриниб, фавқуллодда бирон нарса ҳис қилмасдим.

Бир куни Кўкалдош ёнида турган бир гуруҳ саёҳатчиларга кўзим тушди. Улар мадрасага ҳайрат билан боққанча фотоапаратларини шириқлатиб бинонинг турли четидан суратга олишар, менга нотаниш тилда бир-бирларига бинонинг безакларини кўрсатиб гаплашардилар.

Уларнинг юз-кўзларидаги ифодадан шундай бинолар яратган халққа таҳсинлар ўқишаётганини, ҳайратланишаётганини англадим.

Шу пайт вужудимни аллақандай ҳиссиёт эгаллади. Кўкалдош кўкка янада бўй чўзиб ажиб салобатга эга бўлгандек, гўё шу маҳалгача мен пайқамаган нарса «ялт» этиб ёнгандай бўлди.

Гурур билан дам саёҳатчиларга, дам Кўкалдошга боққанимча «Кечир мени, Кўкалдошим» дердим.

## ҚЎГИРЧОҚ

Лоланинг коптоғи Иброҳим амакининг ҳовлисига тушиб қолди. Лола қаддини букиб юрадиган, қовоғи ҳар доим со-



лиқ амакидан қўрқарди. Аммо, нега қўрқишини ўзи ҳам билмасди.

Энди бўлса коптоги келиб-келиб, унинг уйига тушиб кетди. У журъатсизлик билан ҳовлига кирди-ю, кўзи айвонда қўғирчоқ ушлаб ўтирган Иброҳим амакига тушди. Қўғирчоқни кўриб, қўрқувни ҳам, коптокни ҳам унутди.

— Амати, бу тимти? — сўради бийрон тил билан айвон олдига яқинлашиб.

— Ия, сенми, қизим. Буми ... ма, сен ола қол, — деди Иброҳим амаки бошини кутариб.

Лола иккиланиб, бир муддат қўғирчоққа қараб қолди.

Иброҳим амаки Лоланинг кўнглироқ сочларини силади, хўрсинди. «Битта шунақа қақажоним бўлганида овуниб юардим», — ўксиниб кўнглидан ўтказди. Бефарзандлик ўзини тўнг, одамови қилиб қўйганини энди тушунди.

— Ол, ола бер, — деди мулойимлик билан.

— Раҳмат, амати!

— Омон бўл, қизим ...

Лола бошини лиқиллатиб бир қўлида қўғирчоқ, бир қўлида копток билан эшикка йўналди.

— Яхши амати экан, — деди ўзича қувониб.

## САЛОМ

Ўқишдан чиқиб, уйга келаётган эдим. Ўймакор эшик олдида бир қизалоқ тупроқ уйнар, «Ҳаммом пиш, аталай пиш», деганича дуппидек юмалоқ тупроқни қўли билан силарди. Мени кўрди-ю, бир зум жим қолди, кейин чангли қўлларини кўксига қўйиб:

— Ассалому алайкум, — деди ва яна уйин билан овора бўлди.

Жавоб қайтардим-у, руҳим кутарилиб кетди. Бу — менга берилган биринчи салом эди.

Ўзимни аллақандай катта одам бўлиб қолгандек ҳис қилдим.

## БИЛМАС ЭДИМ

Муҳаббат. Гузал қизлар билан неча бор суҳбатлашган бўлсам-да, биронтаси кўнглимда узоқ яшаб қолмасди. Китоб



қахрамонларининг муҳаббат ишқида ўртаниб ёнишларини ёзувчи ҳаёлининг маҳсули деб билардим.

О, билсам, гўр эканман.

Сен билан учрашдим-у, муҳаббат нималигини англадим.

Ҳижрон. Кутиш нималигини билмай, озод қушдек эркин юрардим. Севгилимнинг рухсорини бир кўришни ўйлаб, тунларни бедор ўтказишимни билмас эдим. Сен билан учрашдим-у, ҳижрон азобини чекдим.

Висол. Авваллари висол онлари нималигини тушуна олмасдим. Сен билан учрашдим-у, висол лаззатидан тотиб кўрдим.

Рашк. Бола бўлиб бировдан ҳеч нарсани қизганмаган эдим. Сен билан учрашдим-у, қизганчиққа айландим. Йўқ, одамлардан буюмларни эмас, ёлғиз сени қизгандим.

Бевафолик. Севги ҳеч қачон дарз кетмайди, у метин тошдек мустаҳкам бўлади деб тушуна бошлаган эдим.

О, билсам, бола эканман.

Сен билан учрашдим-у, вафосизлик аламини чекдим.

Нафрат. Қабиҳ кишилардан, ёмон одатлардан ёшлигимда ҳам нафратланардим. Сен билан учрашдим-у, қабиҳ кишилардан, ёмон одатлардан эмас, балки бевафо қиздан ҳам нафратланишни ўргандим.

## ИРОДА

«Мураббий йиқилаётган болани тутиб қолди. Унинг атрофида лўппи юзли кичкинтойлар шодон ўйнаб юрибди. Жажжи қўлларида белкуракчани маҳкам ушлаганча, олдинроқда бир бола уйинчоқ машинага қум соляпти. Дарахтлар орасидан эса қуёш нурлари мўралаб турибди». Залда ўтирганлар, комиссия аъзолари бу суратга узоқ вақт сукут сақлаб қараб қолдилар.

Сурат бир овоздан аъло баҳога сазовор бўлгани эълон қилиниши билан залда қарсақлар янгради. Картина ёнида урта бўйли, қорачадан келган, яноқлари бир оз туртиб чиққан йигит турарди. Унинг пешонасини тер босган. Ҳаяжонланиб, директор олдига яқинлашди.

— Бутун билим юрти номидан диплом ишингиз беш баҳо олгани билан табриклайман.

Бу сўзларни эшитаркан, эшикка яқин жойда ўтирган, атлас кўйлакли қизнинг кўзлари беихтиёр намланди. У шошиб, қора сумкасидан даструмолини олди, сўнг ташқарига йўналди. Офтобнинг оташ нафаси юзига урилди.

«Менинг ҳаққим йўқ, ортиқ кўришга. У мени кечирмайди. Ўзим унинг ўрнида бўлганимда кечирармидим?»

Қиз шундай хаёл билан узоқ вақтгача собиқ севгилиси — олқиш олган картина соҳибини ўйлаб кучаларда бемақсад айланиб юрди...

\* \* \*

— Нима қилди, қўлимга деяпман?

— Кейин биласиз, кейин.

Врач, шундай, де? Пулат олдидан узоқлашди.

«Мен ўқишга боришим керак эди-ку. Ҳа, ҳа ... богдан сурат чизиб келаётганимда ... Айтмоқчи бола тирикми?» — деб ўйлади Пулат.

— Ҳамшира, бола тирикми?

— Ҳа, тирик қолди.

«Бола тирик бўлса, нега мен ётибман бу ерда. Чизган суратларим қаёқда қолдйкан». Бошини қия кўтариб кафтлари ўрнида дўппайиб турган бинтни кўрди. Шу пайт миясига бир нима зарб билан урилгандай бўлди. У яна ҳушидан кетди.

Шу куни олдига ота-онаси келиб кетди. Она ўғлини кўриб юм-юм йиглади, ота фақат «Бардам бўл, ўғлим» дея олди, холос.

Эртаси куни Пулат анча тетиклашиб, кўзини очди-ю, хаёлига дастлаб Барно келди.

«Айтмоқчи, Барно билдимикин мени бу ерда ётганимни. У билан охирги мартаба қачон учрашдим? Тўрт кун у ҳафтадан, уч кун бу ҳафтадан, демак, етти кун бўлибди-да», — деб ўйлади Пулат.

Орадан уч кун ўтгандан сўнг Барно елкасига оқ халат ташлаб келиб қолди. Оппоқ юзидаги қора холи унинг ҳуснини очган. Сочини юқорига қилиб олгани учун думалоқ юзи бироз чўзилгандай кўринади.

— Кеча эшитиб қолдим. Қаттиқ жароҳатландими қўлингиз?

— Назаримда, бармоқларимни кесиб ташлашганга ўхшайди.

— Нима деяпсиз? — деди Барно кўзларини катта очиб.

«Наҳотки сен мендан юз ўгирсанг, Барно? Йўқ, у ачинапти, холос», деб ўйлади Пулат унинг юзига боққанча.

Лекин Барно ортиқ келмади. Курсдош ўртоқлари келганда уларнинг юзида ачиниш ҳиссини пайқаб қолиб, юраги баттар сиқилди.

Бинтлар ечилган куни Пулат ўз қўлларини куриб таниёлмай қолди. Иккала кафти йўқ. Унинг уринда тирсагидан пастки қисми ораси операция йўли билан очилганди.

«Оташқуракнинг худди ўзи бўлибди», деб ўйлади Пулат алам билан.

Касалхонадан чиққандан сўнг беш-олти кунгача уйда ётди. Лекин тезда зерикиб қолди. Бир куни эрта тонгда туриб, кўчага чиқиб кетди.

Узоқ вақтгача кўчаларда айланиб юрди. Назарида, ҳаммаёқ ўзгариб қолгандек эди.

«Нега Барно касалхонага атиги бир маротаба келди?» Унинг хаёлига шу сўз қайта-қайта келарди. Пулат институт ёнига тушга яқин етиб келди-да, пойлай бошлади. Ниҳоят, дугонаси билан кулишганича Барно чиқди. Кўзи Пулатга тушган заҳоти у кулишдан тўхтаб, дугонасига бир нималарни айтиб, унинг олди-га яқинлашди.

— Салом, тузалиб кетдингизми?

Улар салқиндаги ўриндиққа бориб ўтирдилар. Орага огир сукунат чўқди. Пулат гапни нимадан бошлашни билолмай хуноб бўларди. Барно тезроқ қўлларини кўра қолганда эди.

«Бармоқларим, кафтим йўқ дейми? Ҳа, шундай деганим яхши. Ахир бизнинг севгимиз мустаҳкам-ку. Кафт нима бўлибди. Барно иккала қўлим кетса ҳам барибир севади», деб ўйлади ички гурур билан Пулат.

— Барно, биласизми, менинг кафтларим ўрнига мана булар қолди, — деди у қўлини кўрсатиб.

«Худди қисқичга ўхшайди» деган фикр Барнонинг миясига ялт этиб келди. «Энди мен уни бундай аҳволда қандай сева оламан? Ўртоқларим келиб-келиб ногиронни топдингми дейишмайдими? Аллақандай гўдак болани кутқазаман деб, шундай аҳволга тушибди-я», деб ўйлади Барно.

— Негга гапирмайсиз, Барно?

— Нима десам экан. Сиз ... тушунинг, мен қийин аҳволда қолдим. Келинг, яхшиси энди ...

Барно ўрнидан туриб, югуриб кетди.

Пулат, «тўхтанг, Барно», демоқчи бўлганда, томоғига бир нима қадалиб қолгандай туюлди.

«Наҳотки севги шу бўлса?» — деб ўйлади алам билан Пулат. Ўрнидан туриб тез-тез қадам ташлаб, сершовқин чорраҳага келди. Машиналар елиб ўтарди. Юк машинаси келаётганда асфальтга қадам ташлади.

Бирдан қаттиқ тормоз овози, шофёрнинг бақиргани эшитилди. Атрофига одамлар тўпланди.

— Ҳей йигитча, нима бало, ўлгинг келяптими?

— Ичиб олгандир-да.

Пулат қизарганча тўпланганлар орасидан чиқиб, йўлка бўйлаб юриб кетди.

«Нега мен ўзимни ҳалок қилмоқчиман? Барнога ўчакишибми? Айбим нима?»

\* \* \*

Планшетга оқ қоғозни қўйиб, қўлига қаламни олди. Лекин қўлидан қалам тез-тез тушиб кетар, қоғозда эса эгри-бугри чизиқлар пайдо бўларди. Хона деворларига осиглиқ суратларга куз югуртирди.

«Наҳотки шулар сўнгги ишларим бўлиб қолса?» — деб ўйларди-ю, қаламни яна қоғоз узра юргиза бошларди. Кечаю кундуз қаламни қўймай, кўпдан-кўп қоғозларни бўяб ташлади.

Кунлар ўтиши билан қаламни эркинроқ юргизиб, тўғри чизиқлар тортадиган бўлиб қолди. Олдига чойнак, пиёлани қўйиб олиб суратини чизарди. Расм солишни биринчи бор худди шундай оддий буюмларнинг тасвирини чизишдан бошлаганди. Энди ҳаммасини қайтариш керак.

Кунлар ўтиши билан мураккаб шаклларни ҳам чизди, бўёқда ҳам ишлади.

Бир куни қоғоз папкадаги расмларни кураётиб, Барнонинг суратини кўриб қолди.

Юраги увишгандай бўлди. Аввалига қўлига олиши билан йиртиб ташламоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутди. Назарида

суратдаги Барнонинг кўзлари «мен сизни севардим-ку» деб тургандай кўринди.

«Ҳа, унда мени севардинг. Шунинг учун охиригача тутатишим зарур. Ўша вақтдаги муҳаббатга лиммо-лим бўлган кўзларингни акс эттиришим керак», деб ўйлади Пўлат.

Планшет устига расмни қуйиб, камчиликларини тугрилай бошлади. Муйқаламни юргизганча Барно билан учрашувларни эслай бошлади. Расмда Барно тирик инсондек, ҳозир гапириб юборадиган ҳолатда гоят жонли, тулақонли чиққанди.

\* \* \*

Барно институт биносидан ёлғиз ўзи уйчан қиёфада чиқди. Пўлатни кўриши билан юзида беихтиёр жилмайиш пайдо бўлди-ю, дарҳол сўнди.

— Суратингизни олиб келгандим.

Пўлат суратни Барнога узатди-ю, сўнгра кескин ўтирилиб, тез-тез юриб кетди.

### ҚИЗИ ТУШМАГУР

Мастура хола уй йигиштираётиб, қатор терилган тарелкалар тагидан кичкина хат топиб олди. Қизиқсиниб ёруққа олиб келди-да, ҳижжалаб ўқий бошлади.

— «Салом, Шоира. Кеча нега келмадингиз? Эртага богда учрашайлик. Йўқ, деманг, келинг, кутаман. Мансур».

Мастура холанинг пешонасидаги ажинлар чуқурлашиб, оғир ўйга толди.

Нима қилсин? Қизини уришсинми? Қайси гуноҳи учун?

Эсида, ўн беш-ўн олти ёшларида қўшнининг ўғли Омон тез-тез уйларига девордан мўралаётганини пайқаб, дадаси Мас-турани уйга қамаб қуйиб, Омонни маҳалла-қўй ўртасида бадном қилганди.

Шу маҳал эшикдан ойдеккина Шоира кириб келди-ю, онасининг қўлидаги хатни куриб, қизариб кетди.

— Қизим, бу хат саникимасми? Қарилик қурсин, кўзим тиниб ўқий олмадим.

«Ўқий олмадим»ни эшитиб Шоира енгил нафас олди.

— Арзимаган бир хат, ойижон. Ҳалиги, бугун институтда мажлис бўлади, борсам майлими?

— Борақол, қизим, борақол.

Шоира севинчдан онасини қучоқлади, сўнг зум ўтмай кийиниб чиқди.

— Бемаҳалга қолмагин.

Шоира, «хуп-хуп», деганича ҳовлидаги атиргуллардан бир нечтани узиб, эшик томон йўналди. Эшик ёпилиши билан Мастура хола:

— Вой, қизи тушмагур-ей, — деди-ю, бутун вужуди тўлқинланиб, лабларига табассум югурди.

### САБОҚ

— Нечанчи курсда ўқийсан? — деган товуш эшитилди.

Ўғирилдим.

Ёнимда қарироқ, ёшига нисбатан юзи серажин бир киши турарди.

— Биринчи курсда, — ҳайрон бўлиб жавоб бердим.

— Қайси бўлимда?

— Расм ўқитувчилиги.

Рассомчилик мактабида ўқиётганимни қаердан билган экан, деб ҳайрон бўлдим.

— Мен ҳам ўқигандим бир пайтлар, — деди худди менинг саволимга жавоб бергандай.

— Ҳозир ҳам ижодий иш билан шугулланасизми?

— Этик мойловчилик қиламан.

— Нима?

— Мен ўттиз бешинчи йилларда ўқиганман, Олмаотада. У пайтларда қогоз, бўёқ етишмасди.

Бир оз жим қолди. Юзига диққат билан қарадим. Пешонасида ажинлар қат-қатлашиб, кўзлари қисилган. Бу кўзлар аламқайгуларни курганидан далолат бериб турарди.

— Тузуккина расм солардим.

У чуқур уҳ тортди. Намланган кўзларини гижимланган дастрўмоли билан артди.

... Ёмон болаларга қўшилиб кетаётганимни ҳеч англамадим. Секин-секин ичишга ўргандим. Ўқишга хоҳласам бориб,

хоҳласам — бормадим. Баҳоларим пасайиб кетди ... Жим қолиб, бир пас бошини қуйи эгди, кейин яна гапини давом эттирди.

— Ўқишни ташлаб кетдим. Кўп йиллар ўтди. Бир куни ўзим ўқиган мактабга бориб қолдим. Менинг ҳам расмларим залда осиглиқ турган экан. Ўз расмимга қараб, беихтиёр кўзимдан ёш қуюлди ... Энди қўлларига планшет ушлаган ўқувчиларни кўриб қолсам, ёшлигим эсимга тушади.

У атрофга бир зум қараб турди-да, сўнг тили гапга бормай хайрлашиб узоқлашди. Шунда мен унинг қаддини букиб, бошини бир ёнга қийшайтириб юришини пайқаб қолдим. Воқеа менга қаттиқ таъсир қилди. Сўнг қўйнимдаги «яримта»ни олиб, бурчакда турган қути ичига улоқтирдим. Қирсилаб синиши билан кўз олдимдаги туман тарқалиб, атроф ойдинлашгандай бўлди.

## СУРАТ

Деворда осиглиқ турган суратни ҳар кўрганимда изтиробга тушаман. Неча маротаба олиб ташлашга ҳаракат қиламан-у, лекин олиб ташлай олмайман. Эҳтимол суратда маъсум боқиб турган кўзлар мени ўз шаштимдан қайтарар? Мунча ҳам қопқора-я бу кўзлар. Расм йиртилган бўлиб, у қайта бир-бирига ёпиштирилганди.

Унда богдаги ўриндиқда қўлида гулдаста ушлаб ўтирган қиз тасвирланганди.

Эҳ, шу сурат бўлмаганда эди ...

Ўз севгилисига вафо қилмайдиган қизни севиб юрган эканман. Бироқ суратга ҳар гал қарайман-у, бу тахминимдан ўзим шубҳаланаман. Нега бахтиёр дамларим бир кунда, бир сонияда оёқ ости бўлиб кетди? Ким айбдор?

Уми ёки менми деган савол миямга келиши билан охириги учрашувимиз кўз олдимга келади. Ўшанда, кайфи бузуқ одамдек, ҳаво дам очилиб, дам қоронғулашиб турар эди. Богдаги дарахтларнинг барглари шамолга бардош бера олмай тутдай тўкиларди. Ҳар бир барг ўзи куртак ёзиб ўсган шохчасидан ўкинч билан «чирт» этиб узиларди-да, буралиб-буралиб ерга ёки ариқ ичига тушарди. Шу куни Шоира кечикиб келиб, менга шу суратни кўрсатди.

— Биласизми, менга бу суратни бир ёш рассом йигит чизиб берди.

Ичимни бир нарса тирнагандай бўлди.

— Эҳтимол қўлингиздаги гулни унга тақдим этгандирсиз. Нега кеч қолдингиз, десам унинг олдида экансиз-да, — дедим жаҳл билан.

— Ҳамид ака, бу нима деганингиз, — деди Шоира мендан хафа бўлиб. — Қаранг, қандай чиройли чизилган сурат.

Шунда узим билмаган ҳолда дарров расмни қўлидан олиб, йиртиб ташладим. Шоиранинг қулиб турган чехраси туманлашди-ю, бирдан югуриб кетиб қолди.

— Шоира, — деганимча қолдим.

Кўкда тупланиб, ёйилиб турган булутларнинг сабрлари тугагандай шаррос ёмғир қуйиб юборди. Терак барглари ёмғир билан аралашиб юзимга урилар, лекин мен ҳеч нарса сезмасдим. Нима иш қилиб қўйдим? Нега унинг гапига ишонмадим? Шу каби саволлар оқими тўхтовсиз миямга қуюлиб келар, лекин биронтасига ҳам жавоб тополмасдим.

Кўп маҳалгача суратни ким чизганини тополмай юрдим. Бир куни уйимизга уртоғим Маҳкам келди. Кўпдан бери куришмагандик, чунки у иш билан аллақайси шаҳарга кетганди. У ҳали стулга утирмасдан, девордаги суратни куриб қолиб, олдига яқинроқ борди.

«Наҳотки, Маҳкам ...» деб уйлашим билан у:

— Ия, мен чизган сурат-ку, — деб қолди. — Бўлажак қайлигим Раънонинг суратини чизмоқчи бўлганимда, шу ўртоғини бошлаб келган эди. Раънонинг илтимоси билан унинг суратини ҳам чизгандим. Ҳуш, бу суратдаги қиз сенга ким бўлади? Ё сенинг ... — Маҳкам ҳамма нарсани тушунгандай, жим қолди.

Мен суратга қараганимча қотиб қолгандим. Назаримда, Шоиранинг кўзлари «Ана эшитдингми, рашкчи» дегандай туюлди.

## АРИЗА

Салқин шабада эсди.

Терак учига келган ой, симёғочга осилган фонусдек, Абдусамаднинг юзини ёритарди. Атрофни сукунат чуллаган. Нима қилиш керак? Уч-тўрт кундан бери ўқишдан чиқиб, шу ерга келади-ю,



хаёлга ботганча миясидаги гужгон саволларга жавоб излайди. Бугун ҳам қаттиқ сочларини тез-тез силаб, қалин қошларини бири-бирига туташтириб, сойга тушаётган терак аксига қаради. Сўнгра оёқ остидаги тошлардан бирини олиб сойга оттанди, «шўлп» этган овоз эшитилиб, ойнинг акси сув бетида қалқиди.

«Наҳотки келажақда бировлар қўлида шу тошдай отилиб юрсам? — деб уйлай бошлади у беихтиёр. — Нега мен шуни ўқишга кирмасимдан олдин отамга тушунтирмадим. Афсус, армиядан қолибман-у, ҳаётда ўз ўрнимни йўқотибман. Қандай қилиб ўзим севмаган фанда ўқишни давом эттира оламан? Кейин-чи? Мен ҳам шу тошдек бир кун ҳаётда ўз ўрнимни тополмай чўкаман. Нима қилиш керак?»

Абдусамад бир фикрга келгандай, уйлари томон шахдам юриб кетди. Эртаси куни Абдусамад институтга дадаси олиб берган ялтироқ қора портфелсиз борди. Костюмининг ич чўнтагида эса ректор номига ёзилган ариза бор эди.

## МЕРГАН

— Эй, қўясанларми ... ёки битта-яримтангни бир уриб пачоқ қилиб қўяйми. Бу қанақаси, тош отавериб томимни чилдирма қилиб юбордиларинг-ку! Йўқол ҳозир ҳамманг кўзимдан ...

Қўлида ўқлоғи билан болаларга дағдаға қилиб турган Турғун ака кўчанинг бошида келаётган бир болага кўзи тушди-ю, нафаси ичига тушиб кетди. Баданни жунжитадиган «изгирин» сочиб турган қовоғи дарҳол қиш чилласидаги нурсиз қуёшдек очилиб кетди. Бола эса қўлида рогатка, қўйни тўла тош, толлардаги чумчуқларни чирқиллатар, теккиза олмагач, яна ота бошларди.

— Келинг-келинг, оббо Сотимжон-ей, бу қуш овига чиқибдилар-а, баракалла-баракалла. Хўб яхши иш қилибсиз-да. Хўш, ўлжа қандай, ўлжа. Битта-яримта дайди қушчани уриб туширдиларми?

Бола кўйлагининг енги билан бурнини артаркан, йиғлам-сираб «йўқ, уялмадим» деди.

— Э, шундайми, ҳозир-да, ҳозир. Ана мусича, қани бир отинг-чи.

Турғун ака ўзининг уйи олдидаги толга қўнган мусичани кўрсатди. Бола гапга парво қилмай, қушни пойлади-да, резинка-

ни чузиб қўйиб юборди. Тош тўғри бориб, Турғун ака уйининг катта деразаси кўзига тегди. Дераза ойнаси чил-чил синиб ерга тушди.

— Ия, мўлжал шундай бўлган экан-да, ҳечқиси йўқ. Асло хафа бўлманг.

Турғун ака ичидан зил кетса ҳам боланинг кунглини олишга ҳаракат қиларди. Бола бир оз ўралашиб турди-да, толга қарай-қарай, тор кўчага кириб кетди.

— Хўжайиннинг ўғиллари бўлади. Ўзиям катта бўлса чивиннинг кўзини пойлайдиган мерган чиқади-да, — деди Турғун ака боланинг орқасидан қараб қоларкан. — Оббо азамат-ей, худди отасининг ўзи-я.

### «ИЖОДКОР»

Ўрта бўйли, қорачадан келган, қийиқ кўзли Ўктам исми дўстим ўзининг ажойиб қарашлари билан мени лол қолдирарди. Очиғини айтганда, у гапга устаси фаранг бўлиб, йўқ нарсани бордек, борни йўқдек қилиб кўрсатиш қобилиятига эга эди. Шу сабабли дарсда ўқитувчи доскага чақириб қолса, у шундай тез гапириб тўқиб-бичиб ташлардики, оқибатда ўқитувчи «аъло» баҳо қўйибгина қолмай, бошқаларни ундан ўрнак олишга ҳам чақирарди.

Бундай муваффақиятга эришишига сабаб, Ўктамнинг айтишича, гапираётганда образга кириб кетиши экан.

Қизлар билан гаплашишни ҳам ... Айтмоқчи, қизлар билан қандай суҳбатлашиши бу ҳикоямизнинг мавзуи эмас. Мен унинг ҳали ёзилмаган, лекин келажақда албатта ёзажак «асар»-ларидан намуналар келтирмоқчиман.

Шундай қилиб, Ўктамга йулда ёки трамвайда илҳом париси сурамасдан ташриф буюриб қоларди. Шунда у бир нуқтага ёки тўғридан-тўғри вагонда кетаётган бирор-бир кишининг шапкаси ёки дўпписига боққанича «ижод» қилиб ташлайверарди.

Масалан, у кўчада тўхтаб турган машинага боқиб:

— Машина юрмаса, у бир ерда тўхтаб туради. Механика ҳақида танқидий мулоҳазалар. Ў. Аҳмедов. Асарлар, 168-бет, — деб кўярди. Мен эса жилмайганимча унинг фикрларига қўшилиб, ҳатто қувватлаб турардим.

Яъни:

— Ўктам Аҳмедов вагон деразасидан боқа туриб, бир жиламайиб қўйди. Олим Ў. Аҳмедов ҳақида эсдаликлар. А. Камолов. Асарлар, 9-бет, — каби сўзларни айтардим.

Ўктам сўзимдан таъсирланиб, янада гайрат билан ижод эта бошларди.

Мана, унинг ижодидан намуналар:

«Анқайма, лалайма, тўғри утир, шалпайма. Бўлмаса дарсни тушунолмай қоласан. Таълим ва тарбия ҳақида. Ў. Аҳмедов. Асарлар, 403-бет».

«Ёзда ҳавонинг иссиқ келиши қишда ёқилган ўтин-кўмирнинг оз-куплигига боглиқ. Об-ҳаво ҳақида. Ў. Аҳмедов. Асарлар, 8-бет».

«Гул тикансиз бўлмайди, қуш қанотсиз. Табиат ҳақида фалсафий қарашлар. Ў. Аҳмедов. Асарлар, 58-бет».

«Сув ўтни ўчиради, резинка қаламда ёзилган хатни. Ҳикматли сўзлар. Ў. Аҳмедов. Асарлар, 23-бет».

«Сичқон филнинг узоқ аждоди, мушук йўлбарснинг, чулвалчанг илоннинг. Ҳайвонларнинг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар. Ў. Аҳмедов. Асарлар, 48-бет».

Қуриб турибсизки, дўстим томонидан айтилган фикрлар узининг «теранлиги» билан ўқувчини «ўйлантириб» қўяди.

Ҳозирги кунда у:

«Сув қайнамаса, бутта айланмайди» ва «Қор осмондан ёғади» каби муҳим фикрларини ёзилажак асарларининг қай бир жилдига киритиш устида бош қотирмоқда. Булар муваффақиятли ҳал этилгач, у «Қушларнинг учиши уларнинг қанотларига боглиқ», деган янги йирик илмий асарида қушлар қанотсиз минг метрга учолмасликларини исбот қилмоқчи.



# Инсон қирралари





## ҚИРРАЛАР

**Х**ар бир жисмнинг ўз қирраси бўлади. Китобнинг, столнинг, олмоснинг ва яна сон-саноқсиз буюмларнинг қирраси бўлишини ҳамма билади.

Одамнинг-чи? Одамнинг ҳам қирраси бўлади. Фақат бу қирралар китоб ёки стол қиррасидан кескин фарқланади. Чунки одамнинг қиррасини ҳатто улкан микроскоп орқали ҳам кўролмаймиз, ўлчолмаймиз!

Товус қанотини ёйганда минг тусда товланади. Яъни унинг бир қирраси намоён бўлади. Товус патларини ёйиб, одамларни ўз чиройи билан хурсанд этади. Албатта, бундан у мағрурланмайди. Зотан патларини ёяётганда фойда чиқиш-чиқмаслигини ўйлаб ўтирмайди, чунки бу нарса табиат томонидан инъом қилинган бир ҳаракат бўлиб, наслдан-наслга ўтаверади.

Одамдаги қирралар эса инстинкт равишда авлоддан-авлодга ўтмайди. Буларни ўзи қабул қилиб олади, ўзлаштиради.

Агар биз қўлимизга бир парча олмосни олиб қарасак, кўпдан-кўп қирраларини, уларнинг бир-биридан чиройли эканини бир айлантиришдаёқ билиб оламиз.

Қани энди одамни ҳам қўлга олиб айлантириб боқинг-чи! Тўғри, сира иложи йўқ. Худди шу нарса бизни гоҳида чалкаштириб, мушқул аҳволга солиб қўяди. Чунки одамнинг бир қирраси гузал бўлса, қолган қирралари ҳам шундай гузал бўлади деб, ҳеч ким айта олмайди.

## АҚЛ

«Ақлли одам», деган иборани биз кўп эшитганмиз. Шунда дарҳол хаёлимизга яхши одам келади. Бир ўйлаб кўринг-чи,

ғалати эмасми? Нима учун яхши одам хаёлимизга келади-ю, ёмон одам келмайди.

Нима, ёмон одам ақлсизми?

Ҳечамда, гоҳида ёмон одамнинг ақли ман-ман деган яхши одамниқидан утиб кетади. Ёмон одам шундай ярамас нарсаларни ўйлаб топадики, ақлига тан бермасдан илож йўқ. У ҳар қандай шумликни, «ақли»га таяниб қилади.

Ақлдан яхши одам олижаноб ишлар учун, ёмон одам гаразли ниятлар учун фойдаланади. Ақл бу ҳайкалтарош қўлидаги лойдек гап. Хоҳласа гузал тимсолини, хоҳламаса бадбуруш қиёфани яратади.

Ақл сувга ухшайди. Унда қанд ҳам эрийди, заҳар ҳам.

## ИНСОН ҚАЛБИ

Инсон!!!

Баралла овоз билан бир айтинг-чи. Қандай жарангдор, сермазмун ва улугвор эшитилади. Инсон қалби-чи?

... Бир овчи ўгли билан сўқмоқ йўлдан кетаётганида, нима бўлди-ю фарзанди тошга қоқилиб йиқилди. Унинг бузарган чехрасини, кўзидаги ёшларини куриб овчининг қалби эзилгандек бўлди.

Овчи фарзандини даст кўтариб, оёқларини силади, юзларидан ўтди. Фарзанд тез орада тинчланди. Бир маҳал овчи атрофга боқаётиб, қоятош устида турган она-бола кийикка кўзи тушди. Сўнг фарзандини авайлаб қукат устига ўтказди-да, кийикларни нишонга олиб отди. Она кийик бир сапчиди-ю, йиқилди.

Кийик боласи бир дақиқа қотиб қолди-ю, сўнг ўқдай учиб, овчи кўзидан узоқлаша бошлади.

Уларни инсоннинг ўз фарзандини меҳр билан эркалатишлари маҳлиё этганди. Афсус...

Мана энди кийик боласи, инсон қалбининг қаҳридан узоқлашмоқда.

## БОЙЛИК

Ривоят қилишларича, Искандар Зулқарнайн вафотидан олдинроқ, агар мен улсам иккала қўлимни тобутдан чиқариб қўйинг, деб васият қилган экан.



Бунинг сабабини билишга куплар қизиқибди-ю, лекин ҳеч ким уддасидан чиқолмабди. Ниҳоят, одамлар юртнинг донишмандига юзланибдилар.

— Искандарнинг иккала қўлимни тобутдан чиқариб қуйинглар, дейишига сабаб, — дебди донишманд — куп улкаларни босиб олиб ҳадсиз бойликларга эга бўлсам ҳам у дунёга икки қулим қуруқ кетяпти деганидир.

О, улуг лашкарбоши, сенинг қаршингда бош эгаман. Ахир сен кеч бўлса ҳам ўз хатоингни тушунибгина қолмасдан, балки одамларга ибратли иш ҳам қилгансан. Баъзилар бойлик дейилганда фақат олтин-кумушларни, зебу зийнатларни, баъзилар эса соғломликни, хотиржамликни кўз олдиларига келтирадилар. Аксари ҳолда бойлик одамларни ваҳимага, талва-сага солиб, умрини эговлаб туради.

Қисқаси:

— Лочин, сенинг бойлигинг нима?

— Бақувват қанотларим.

— Инсон, сенинг бойлигинг нима?

— Ақлим.

Ҳа, инсонни бойлик эмас, ақли уни лочин қанотларидек юксакликка олиб чиқади.

## МУҲАББАТ

Муҳаббат. Мана шу биргина сўзда қанчадан-қанча маъно бор. Ватанга муҳаббат, халққа муҳаббат, ота-онага муҳаббат ва ёрга муҳаббат.

Йуқ, мен буларни бир-бирига солиштириб, қай бирига муҳаббат устун туришини билмоқчи эмасман. Зотан булар — тенг. Ватанни севмаган одам, халқнинг муҳаббатига сазовор бўлмайди. Ота-онани қадрламасдан туриб, ёрнинг қадрига етиш, муҳаббатига эришиш мумкин эмас.

Мен бу ўринда фақат ёр муҳаббати ҳақида сўзламоқчиман.

Муҳаббат — қачонки икки қалб бир-бирининг фазилатларини кўра олса, қачонки бири иккинчиси ҳақида қайғурса, ёнсагина вужудга келади. Лекин муҳаббат камар эмас, белга тақиб юрилса ёки зирак эмас қулоққа тақиб ўзгаларга кўз-кўз қилинса.

У фақат қалбда яшайди.

У гулга ўхшайди. Парвариш қилинмаса, асраб-авайланмаса кузда дарахт япроқлари новдаларни тарк этгандек, қалбни тарк этади. Бироқ новда тўкилаётган япроқларга ачинмайди. Баҳорда янгиси пайдо бўлишини билади. Аммо қалб новда эмас. Муҳаббат қалбни бир маротаба макон этади, тарк этгач, худди бўшлиққа отилган ўқдек қайта топилмайди.

Муҳаббат гўдак кулгусидек беғубор, тоғдаги чашмадек мусаффо бўлгандагина, қалбга пайванд бўлиб мангу яшайди.

## ИНСОН

— Кукка бўй чўзган серҳашам, сержило, юксак иморатларни бунёд этган ким?

— Инсон!

— Ўзгалар тинч яшасин деб, кўксини ўққа тутган ким?

— Инсон!

О, азиз бунёдкор, ижодкор ва заҳматкаш инсон, сенинг ақлу заковатинг, мардлигинг олдида бош эгаман.

— Бу иморатларни харобага айлантирган ким?

— ...

— Жоним омон қолсин деб, халқини сотган ким?

— ...

Бундай саволлар олдида лол қолиб, ўйга толаман...

## ЗАҲАР

«Тилидан заҳар томади-я», деган иборани ҳар ким ҳам эшитган. Ҳа, баъзи одамларни илонга, тилини заҳарга ўхшатадилар.

Табиат илонга бир дақиқа тил инъом қилганда у:

— Э, одамлар, наҳотки игвогарларни, ғаламисларни менга тенглаштирсангиз. Тўғри, уларни ҳар қанча ёмонласангиз, баъзи одамлар ҳақида илондек совуқ десангиз ҳам розиман. Лекин тилларини менинг заҳаримга ўхшатишингизга асло чидай олмайман. Ахир заҳаримдан ўзингиз шифо топасиз-ку, — дер эди ҳасрат билан.



## МУРАККАБ

Мураккаб режа, мураккаб станок, мураккаб шакл, мураккаб дунё. Яна бир қанча аниқ ва мавҳум нарсалар, тушунчалар ҳақида мураккаб деган сўзни ишлатамиз.

Лекин ҳар қандай мураккаб шакл ёки режа устида обдон ўйласак, керакли қўлланмалардан фойдалансак, у бизга содда нарса бўлиб қолади.

Бироқ одамнинг ичига кириб бориш, гўё денгиз бағридан сўқмоқ топишдек ўта қийин, амри маҳол иш. У гўё уфқдек чексиз. У худди лочиндек чарх уради, шердек ҳайбат солади ва ... олмахондек мулойимлашади.

Қисқаси: мураккаб деган сўзнинг тўла маъноси режа ёки станокда эмас, одамнинг саъй-ҳаракатида ечилади.

## АЙЁР

Баъзилар ҳақида «Баттол, тулкидек айёр экан» дейишади. Бечора тулки агар бундай «таърифлари» борлигини билгандами, номус қилгандан ўзини аллақачон овчининг ўқиға тутиб берган бўлармиди? Негаки, у очдан ўлмаслик учун, айёрлик қилиб, ҳайвон овлаб кун кечиради.

Лекин айёр одам бўлак масала, у қорни тўқ, усти бут бўлганда ҳам тинчимайди, нафс илинжида изгиб, тулкилик қилишдан чарчамайди.



# Масаллар





## ТЕРАК БИЛАН ШАФТОЛИ

**А**риқ бўйида ўсган терак ёнидаги шафтоли билан суҳбатлашиб қолди.

— Мунча қингир-қийшиқ ўсмасанг. Мендек қомати расодан ўрناк олсанг бўлмайдими? — деди терак.

— Мен меваларим билан ҳурматга сазоворман. Сенинг-чи? Куруқ гавданг бор, холос.

— Сен ҳали мени ...

Бир куни теракни ўткир арра йиқитди. Бир айри шохи шафтолига тирговуч бўлди. Қолгани эса ўтин ...

## ТИРГОВУЧ

Богда бир ёш олхўри дарахти бор эди. У ҳосил бера бошлагач, гердаийб атрофдагиларни менсимай қўйди.

Ўзига мадад бўлиб турган тирговучга бир куни шундай деди:

— Мул-қул мева бераман, ҳамма менинг хизматимда. Сенчи, бир оддий қингир тирговучсан, холос. Яхшиси, менга тирговуч бўлмай қўяқол.

— Тирговучни бекор ранжитдинг, — дейишди богдаги бошқа мевали дарахтлар.

— Кўп ақл ўргатма берманглар, ўзим биламан нима қилишни. Ногаҳон бир куни қаттиқ довул бўлди, шунда тирговучсиз қолган олхўри қирсиллаб синди.

## ИККИНЧИ ТАБАҚА

Кўча билан ҳовли ўртасидаги эшикнинг икки табақаси ўзаро гаплашиб қолишди.



— Ҳа, оғайни, ҳар куни юз маротаба очилиб-ёпилиб, роса чарчарсан. Менга эса мазза, ҳеч очилмайман, — деди иккинчи табақа.

Бир куни кўчага ёғоч туширилди. Ҳеч очилмай ётгандан тоб ташлаб қолган табақа буни қуриб ваҳимада қолди. Қийинчилик билан очилди-ю, лекин ҳадеганда ёпилмади.

Шунда ранда ёрдамга келиб, баъзи жойларини текислади. Табақанинг жони шундай огридики, туриб-туриб биринчи табақага ҳаваси келди:

— Меҳнат қилмай ҳадеб ётаверсанг, оқибати шундай бўлади, — деди биринчи табақа.

## ТУФЛИ ВА КАЛИШ

Туфли калишнинг ичида иссиққина ва топ-тозагина яшарди. Бир куни у калишни менсимади, шундай деди:

— Ҳой, калишвой, афти-ангорингга бир қара, лой билан безанган-а. Мана, мендан ўртак олсанг бўлмайдимми? Қара, қандай топ-тоза юраман.

— Вой-бу, ўзингни мунча юқори тутмасанг. Сен, ахир менинг уйимда яшаётганингни ҳам унутиб қўйибсан шекилли. Агар билсанг, сени озода сақлай деб, шу аҳволга тушдим-ку, — деди калиш.

— Оғзингга қараб гапир. Якка ўзим бўлганимда ҳам тоза юра оламан.

Эртасига туфли калишсиз кўчага чиқиб кетди. Бир оз юрганидан сўнг ҳамма ёғи лойга бўлганди. Уч-тўрт кундан сўнг эса таг чарми кўчиб тушди. Бир куни аллақандай устахонага бордилар, кимдир бошига мих қоқа бошлади. Ҳар гал мих урилганда боши зирқ-зирқ огрирди.

Бир оздан сўнг кўнгли озиб қолди. У кўзини очганда, қараса, яна калишнинг ичида турибди.

## ТАРОҚ ВА СОЧ

— Хўжайин, ишонинг, сизни уялтириб қўймаймиз, бемалол дам олаверинг.

Тароқ сочнинг бу гапига ишониб, икки-уч кун ором олиб ётди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган соч чигаллашиб, турли қилиқлар чиқарди.



Буни кўрган тароқ ғоят ачинди-да, сочининг чигалини ёзиш учун дарров ишга тушди. Шунда «чирс» этган товуш эшитилди. Қараса, бир-икки дона тиши синибди. Бепарволик қилгани учун афсус-надоматлар чекди. Лекин фойдаси бўлмади, чигалларни ёзгунча яна уч-тўрт тишидан ажралди...

## МУЗ ПАРЧА ВА ШАМ

Эрта саҳар.

Хизмат бурчини адо этиб турган шамни муз парчаси кўриб қолди.

— Ҳали ҳам хизмат қилиб турибсанми? Қарагин бўйингга, ярим қарич бўлиб қолибди, — деди муз парча шамни масҳара қилиб.

— Сенга ўхшаб эрийман, лекин қоронғида озми-кўпми нур таратиб, инсонларга хизмат қиламан.

Шу маҳал қуёш тоғлар ортидан кўтарилиб, нур соча бошлади.

Юзига нур тушиши билан муз парчаси бекинишга ҳаракат қилди. Ҳар қанча бекинмасин, қуёш нурлари музни эритиб юборди.

## ЛОЙ ТОМ

Лой том ва тунука том қўшни бўлиб қолибди.

— Ҳой, менга бир қарагин, қандай чиройли безанганман-а. Устимда лолақизғалдоқлар, майсалар гуркираб ўсиб ётибди. Сенда лола тугул, биронта кўкат ҳам ўсмабди-я, — дебди лой том гурур билан.

... Шу йил баҳорда ёмгир кўп ёгди. Лой томдан уйга чакка ўта бошлади. Кишилар энди бу ерда туриб бўлмаслигини сезишиб, тунука томли уйга кўчиб утдилар. Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмай, лой том бир ингранди-ю, тап этиб босиб тушди.



## АРЧА ВА ҚАЙРАҒОЧ

Эрта куз...

Бир куни богдаги қайрағоч ёнидаги кўм-кўк арчани менсимай, гап отиб қолди:

— Баргларимга бир қарагин, худди олтиндек товланади-я. Ўтган-кетган менга қарайди. Оҳ, мен нақадар бахтлиман. Лекин, афсус, сенга шундай бахтдан ақалли ярмиси ҳам насиб қилмаган экан-да. Сен бечоранинг ҳатто тузукроқ баргинг ҳам йўқ.

Арча жавоб бермади.

Қайрағоч эса ўз ҳуснига ўзи маст эди. Кунлар утиши билан қайрағоч барги тўкила бошлади. Совуқдан жунжиган қайрағоч ўз барглариini сақдаб қолишга ҳаракат қилар, лекин барглар борган сари кўпроқ тўкилиб, лойга беланарди.

Ниҳоят, барча барглари тўкилиб, қайрағоч яланғоч бўлиб қолди.

— Ҳуш, ҳуснингга энди қара-чи, — деди шунда ҳамон кўм-кўк яшнаб турган арча.

Қайрағочдан садо чиқмасди.

## АРРА

Йўл буйидаги жийда дарахтининг барча шохлари юқори-га, фақат бир шохигина пастга қараб ўсарди. Оқибатда у йўловчиларнинг юз-кўзларига урилиб, у ер, бу ерларини тирнаб юбора бошлади. Бундан қингир новда нечундир ўзини кучли ҳис қилиб мағрурланарди.

Ногаҳон бир куни шу йўлдан арракаш ўтиб қолди. Шох юзига урилиб тирнағач, ёнидан тизимча олди-да, дарахт танасига боглаб қўймоқчи бўлди.

Лекин, қингир новда тизимчани «чирт» этиб ўзиб, юзига қаттиқроқ келиб урилди. Шунда арракаш:

— Сенинг турган-битганинг одамларга озор етказиш экан, — деди-да қингир новдани арралаб ташлади.

## ФИЛ ВА ЧУМОЛИ

Ўрмонда ўт-ўланлар еб юрган филнинг хартумига чумоли кириб қолибди. Қизиқиб, филнинг терисини тишлаб кўрибди. Фил бунга парво ҳам қилмабди. Шунда чумоли:

— Эй фил, шундай баҳайбат бўлганинг билан нега фақат ўт-ўланлар еб кун кечирасан? — деб сўрабди.

— Мен шундай баҳайбат бўлсам-да ўт-ўланларга қаноат қилиб, одамларнинг оғирини енгил қилиб юраман. Сен эса миттилигингга қарамай, озор беришга ўчлигингга ҳайронман, — дебди фил.

Шунда чумоли нима дейишини билмай, фил хартумидан чиқиб, ўз йўлида давом этибди.



# Қандолатчалар





## ОНА ЕР

Б ургут кўкда чарх уриб парвоз этаркан, юксак-юксакка кўтарилган сари, ер кўзига кичкина булиб кўринди.

«О, зангори осмон, сен нақадар бепоён ва ажойиб. Бағрингда ўзимни мағрур ҳис қиламан. Ерни эса ҳеч кўргим келмайди», дер эди-ю, лекин кеч бўлиши билан яна қайтиб ерга қўнади.

## БАЛИҚЧА

Дарё тагида сузиб юрган балиқча бир гал сув юзасига чиқиб қолди. Кўм-кўк осмонда учиб юрган қушларни кўриб, уларга ҳаваси келди. Сўнг думини сувга уриб, ўз бўйи бара-бар сакради-да, яна шалоплаб сувга тушди.

— Барибир улардек учишни ўрганиб оламан, — деб қайта-қайта сакради.

Бир кун, одатдагидек, юқорига ирғишлади-ю, қайтиб сув-гамас, балиқчи қуш оғзига тушди.

## ЎРГИМЧАК

Ўргимчак ним қоронғу ерда зир югуриб тўрини тўқирди. Сўнг ўлжа пойлаб, бир четга чиқиб тураркан:

— Доим меҳнат билан бандман-а, — деди ўзига ўзи зорланиб.

## ЧАРХПАЛАК

Анҳор бўйидаги чархпалак сувда гир-гир айланганича атрофга мағрур боқиб:



— Қувватим зўрлигидан ҳатто сувни ҳам юқорига олиб чиқаман, — деб ўйларди.

Ўзини сув ҳаракатга келтираётганини чархпалак қаёқдан билсин.

### КАЛХАТ

Кўкда учиб юрган калхат бир куни лочинга мақтаниб қолди:

— Ҳар қачон овим ўнгидан келиб, доим тўқ юраман.

— Сен қайси қушларни овлайсан? — суради лочин.

— Ана ўлжам, — деди-ю, калхат бўрилар еб ташлаб кетган ўлимтик тўнғиз устига қўнди.

### МУШУК

Юнги ҳурпайган мушук бир куни йўлбарсни кўриб қолди-ю:

— Балогатга етгач, мен ҳам худди шундай бўлсам керак, — деб ўйлади.

### ЛАЙЧА

Лайча айланиб юраркан, қафасда ётган шерни кўриб, акиллаб иргишлай бошлади. Шер мудроқ кўзларини очди-ю, индамай яна юмиб олди.

«Ҳайдашга ботина олмади, демак, мени ўзи билан тенглаштирди», деб ўйлади лайча йўлда давом этаркан.

### ФИЛОФ

— Жуда ҳам қадрли, қимматбаҳо буюм бўлсам керакки, мени доим кўтариб юришади, — деб ўйларди ичига соз солиб қўйилган филоф.

### ҚАТРАЛАР

Ақлни қудуқ десак, гайрат челақдир.

\* \* \*

Ўлим икки хил бўлади:



Биринчиси: одамийликдан жудо бўлганда.  
Иккинчиси: ўз ажали билан ҳаётдан кўз юмганда.

\* \* \*

Нодон тухумни овқат деб тан олса, зукко киши жўжа деб билади.

\* \* \*

Одам узига нисбатан ишонч руҳини йўқотса, билингки, тез орада лаганбардорга айланади.

\* \* \*

Чин инсон ўз бойлигидан ёки мансабидан айрилиб қолганда эмас, балки халқдан ажралиб қолгандагина ўзини чинакам ожиз сезади.



# Лофлар





## ЭҲТИМОЛ ...

Бир куни икки лофчи учрашиб қолишибди.  
— Кеча чумилиб келай деб Сирдарёга борсам, суви батамом куриб ётибди, — дебди биринчиси.  
— Бўлса бордир. Ўтган куни мен бориб томогимни базур ҳўллаб келгандим, — дебди унга жавобан иккинчи лофчи.

## ЎЛИМДАН ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИМ

— Кеча уч одамни дор остидан қутқазиб қолдим.  
— Йўғ-е, ҳозирги кунда дор нима қилсин?  
— Ишонмайсанми, кеча уч одамни дорга осмоқчи бўлиб турганларида телевизорни ўчириб қўйдим. Қоронгида қочиб қолган бўлсалар керак.

## ЧЎЧИЙМАН

— Йўлбарсни чизишга киришиб, ҳозир тугатолмай сарсонман, — деди бир лофчи.  
— Нега? — суради иккинчи лофчи.  
— Аввал бошини чизиб қўйган эканман, ўкириб олдиға йўлатмаяпти.

## ЎЙИН СОВИМАСИН ДЕБ ...

Бир куни икки лофчи гаплашиб қолишди.  
— Кеча футбол ўйнаб, — гап бошлади биринчи лофчи. — 32 метрдан нақ дарвоза турини тешиб юбордим.  
— Биз ҳам ўйнадик. Жарима зарбани шундай тепган эдим, бечора дарвозабонга ҳали ҳам ачинаман. Коптокни қучоқла-



ганча сеткани тешиб учиб кетди-ю, қайтиб ерга тушмади, — деди иккинчи лофчи.

## ОТЛАР ҚАЕРДА?

Биринчи лофчи:

— Музейга борсам, уч огайни ботирлар суратидаги паҳлавонлар кукат устида ухлаб ётибдилар-у, отлари кўринмайди.

Иккинчи лофчи:

— Мен эса сендан одинроқ бориб отамлашгандим.

Биринчи лофчи:

— Хўш?

Иккинчи лофчи:

— Э, шуни ҳам билмайсанми? Мени отларини сугоришга юборгандилар.

## «ЖОНЛИ» РАСМЛАР

— Бир суратим бор, ундаги қушчалар росмана сайрашади, — деди бир лофчи.

— Ишонса бўлади. Кеча бутун ўрмонни айланиб, бирон нарса овлолмадим. Жаҳлим чапақай чиқиб, уйга келдим-да, расмдаги кийикни отиб туширдим, — деди иккинчи лофчи.

## ЖўРА ЛОФЧИНИНГ «ЛОФ»ЛАРИ

— Бир куни қудуқдан ғалвирда сув тортиб олдим.

\* \* \*

— Даламизда тарвуз гарқ пишган маҳал, биттасини оиламиз билан бир ҳафта едик. Бир палласининг пўчогини эса товўқларга хона қилиб бердим.

\* \* \*

— Боғдаги баҳайбат ёнғоқ дарахтининг учига чиқиб, ёқамни ушладим — қўшни болалар дарахт устида қўй боқиб юришган экан.



\* \* \*

— Ҳайвонот богида тути билан гап талашиб урушиб қолсам буладими?

\* \* \*

— Балиқни аравага қушиб қишлоққа борган эдим, одамларнинг огзи бақадай очилиб қолди.

\* \* \*

— Олти ёшли ўғлим Одилхон ўн олти килограммли тошни кутариб, ҳаммани ҳайрон қолдирди.

\* \* \*

— Сувга қармоқ ташлаб, семизгина ўрдак тутиб олдим.

\* \* \*

— Маймун ойнада ўз аксини кўриб анқайиб қолганини, бойўғли «бойнинг ўғлиман» деб мақтанганини кўрганман.





## МУНДАРИЖА

|                               |   |
|-------------------------------|---|
| УНУТИЛГАН ИЗЛАР (қисса) ..... | 3 |
|-------------------------------|---|

## ҲИКОЯЛАР

|                          |    |
|--------------------------|----|
| Олтин барг .....         | 62 |
| Шафтоли гуллаганда ..... | 63 |
| Характерли қиз .....     | 65 |
| Ҳасса .....              | 67 |
| Чол ва қуёш .....        | 67 |
| Кукалдош .....           | 68 |
| Қўғирчоқ .....           | 68 |
| Салом .....              | 69 |
| Билмас эдим .....        | 69 |
| Ирода .....              | 70 |
| Қизи тушмагур .....      | 74 |
| Сабоқ .....              | 75 |
| Сурат .....              | 76 |
| Ариза .....              | 77 |
| Мерган .....             | 78 |
| «Ижодкор» .....          | 79 |

## ИНСОН ҚИРРАЛАРИ

|                   |    |
|-------------------|----|
| Қирралар .....    | 82 |
| Ақл .....         | 82 |
| Инсон қалби ..... | 83 |
| Бойлик .....      | 83 |
| Муҳаббат .....    | 84 |
| Инсон .....       | 85 |
| Заҳар .....       | 85 |
| Мураккаб .....    | 86 |
| Айёр .....        | 86 |

84  
М.23

**Мадраҳимов А.**

**Олтин барг.** / (Қисса ва ҳикоялар.) «О'zbekiston» нашриёт-  
матбаа ижодий уйи, 2008. —104 б.

**ББК 84**